Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, саноат соҳасида амалга оширилган ислохотларкаттақийинчиликларэвазигаамалгаоширилди. Шаҳарлардажаҳонандозаларигамос, аҳоли талаб-эҳтиёжларини қондирадиган сифатли, замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарни куриб, ишга тушириш муҳим масала ҳисобланди. Ўзбекистон ҳукумати мавжуд иқтисодий имкониятларни ишга солиб, шаҳарлардаги саноат корхоналарини тиклаш учун, ривожланган мамлакатларнинг технологиясидан фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг сифат ва самарадорлигини оширишни энг муҳим масала қилиб қўйди. Урбанизация жараёнларини тарихий таҳлилга илмий нуқтаи назардан эътибор берганда, амалга оширилган ислохотлар натижасида жанубий шаҳарларда кичик ва ўрта, қўшма, хусусий ҳамда масъулияти чекланган саноат корхоналарининг курилиши ва ишга туширилиши шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маиший қиёфасининг ўзгаришга олиб келди. Шаҳар аҳолисининг турмуш-тарзи ижтимоий жиҳатдан таъминланган, халқ – хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб эҳтиёжлар киши бошига ўртача таъминлаш ўсиб бориб, шаҳарларда кичик ва ўрта ҳамда қўшма корхоналар сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Шунини алоҳида таъкидлаш зурурки, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида шаҳарсозлик маданияти мукамал ривожланиб, шарқона ҳамда европа усулида дид билан замон талабларига мос келадиган меъморий қурилишлар амалга оширилиб, мавжуд меъморий обидалар қайта тикланиб, шаҳарлар юксак миллий тўйгуларни ўзига мужассам этиб, хорижий сайёҳларни ҳайратга солиб келмоқда. Шаҳар саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар аҳолининг талаб эҳтиёжларни таъминлаш билан бирга, жаҳонни ривожланган мамлакатларни ҳам ўзига жалб этиб, Ўзбекистон тамғаси билан ишлаб чиқилган саноат маҳсулотлари жаҳон бозорларида ўз харидорларига эга бўлди.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Турсунов.С.Н.ва бошқалар.Сурхондарё тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2004.–Б.480.
2. Халқ сўзи, 1991. 24 июль.-Б.2.
3. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси.Қомуслар бош тахририяти.–Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –Б.231.
4. Народное хозяйство Узбекской ССР. 1988 й. –Ташкент: Узбекистан, 1989. –С.162.
5. Сурхондарё вилояти статистика бош бошқармаси 1993 йил. 12.02. 67 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архивининг Қашқадарё вилояти филиали жорий архиви. 829-фонд. 4-рўйхат. 37-йиғма жилд. 43-варақ.
7. Сурхондарё вилояти статистика бош бошқармаси. 1997й 4 феврал.2-баённома.–Б.1-2
8. Сурхондарё вилоят давлат архиви 70-фонд, 1-рўйхат, 68-иш, 113-варақ.
9. ТурсуновС.Н., Қабулов Э.О. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Тошкент: Шарқ, 2001.–Б.322.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАВО ТРАНСПОРТИ ВА АВИАЦИЯ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ

(Сурхондарё вилояти мисолида)

**Хидиров Холмамат Жўрайевич,**  
Термиз давлат университети Жаҳон  
тарихи кафедраси ўқитувчиси, т.ф.б.ф.д. PhD

**Аннотация:** Жаҳон транспорт тизимида ҳаво транспортининг ўрни жуда каттадир. Ўзбекистонда авиация соҳасининг ривожланиши ҳам ўз тарихига эга. Мақолада Ўзбекистонда ҳаво транспорти ва авиация соҳасининг ривожланиши тарихи Сурхондарё вилояти мисолида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** авиация, В.П.Чкалов номидаги авиация заводи, ИЛ-14, АН-10, АН-8, АН-12, АН-22 «Антей», ИЛ-76, Термиз–Москва, Термиз–Андижон–Олма–Ота, Термиз–Ашхобод–Минводи йўналишлари.

**Аннотация:** Роль воздушного транспорта в мировой транспортной системе очень велика. Развитие авиационной отрасли в Узбекистане также имеет свою историю. В статье описана история развития воздушного транспорта и авиации Узбекистана на примере Сурхандарьинской области.

**Ключевые слова:** авиация, авиационный завод имени В.П.Чкалова, Ил-14, Ан-10, Ан-8, Ан-12, Ан-22 «Антей», Ил-76, Термез-Москва, Термез-Андижан-Алма-Ата, Маршруты Термез-Ашхабад-Минводы.

**Abstract:** The role of air transport in the world transport system is very large. The development of the aviation sector in Uzbekistan also has its own history. The article describes the history of the development of air transport and aviation in Uzbekistan using the example of Surkhondaryo region.

**Keywords:** aviation, aviation plant named after V.P. Chkalov, IL-14, AN-10, AN-8, AN-12, AN-22 «Antey», IL-76, Termiz-Moscow, Termiz-Andijan-Alma -Ata, Termiz-Ashkhabad-Minvodi routes.

Ўзбекистон тарихида транспорт тизимининг аҳамияти шундан иборатки, у авваламбор халқимизнинг ўзлигини англашда, онгини ўсишида, маънавий соғлом фикрларнинг шаклланишида, хурофот, жоҳиллик, онгсизлик ва саводсизликни бартараф этишда, ривожланган давлатлар сингари юксак салоҳиётга эга бўлишга имконият яратиб берди. Транспорт соҳасида амалга оширилган ҳар бир ютуқ Ўзбекистон халқи, жумладан, Сурхондарё вилояти аҳолиси ҳаётига ҳам янгиликлар киритиб, келажакка бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.

Сурхондарё вилоятига транспорт соҳасининг кириб келишига қуйидагилар сабаб бўлди. Биринчидан, воҳада хомашё бойликларининг ниҳоят даражада кўплиги; иккинчидан, ушбу имкониятлардан тўлақонли фойдаланмаётган маҳаллий ҳукмдорлар, иқтисодий тизимни бошқарувчи соҳа ходимларининг ўзбошимчалиги, солиқларни инсофсизларча ундирилиши; учинчидан, Ўрта Осиё масаласида Россия-Англия зиддиятларининг кучайиши, Ҳинд океанига чиқиш учун рус мустамлакачилик сиёсатининг ҳаддан ташқари ошиб бориши, Россиянинг Амударё бўйлаб ўз мавқеини мустаҳкамлаши эди.

Жаҳон транспорт тизимида ҳаво транспортининг ўрни жуда каттадир. Ўзбекистонда авиация соҳасининг ривожланиши ҳам ўз тарихига эга. Ўзбекистонда самолётлар ишлаб чиқариш дастлаб иккинчи жаҳон уруши йилларида йўлга қўйилди. 1941 йилда Москва вилоятидаги Химки шаҳрида жойлашган авиация заводи Тошкентга кўчириб келтирилди[1]. Ушбу авиация заводи негизида ҳозирги В.П.Чкалов номидаги авиация заводи барпо қилинди. Тошкент авиация заводи 1996 йилдан бошлаб “Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси” давлат акциядорлик жамиятига айлантирилди.

Сурхондарё вилоятида дастлабки аэропорт Термизда барпо этилган. У 1943 йилда қурилиб, йўловчи ташиш ишлари амалга оширилди. 1952 йилдан бошлаб мунтазам равишда йўловчи ташиш рейслари ташкил этилиб, кунига бир марта қатнов йўлга қўйилди[3]. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Ўзбекистон авиация заводида ИЛ-14, 1958 йилдан транспорт самолётлари АН-10, АН-8, АН-12, 1966 йилда АН-22 “Антей” самолётлари ишлаб чиқаришга

киришилди. 1973 йилда 40 тонна юк кўтарадиган биринчи суперлайнер ИЛ-76 ишлаб чиқарилди[2]. Бу самолётнинг учиш тезлиги 850 км/соат, учиш баландлиги 8 минг метрга етказилди. 1990 йилларда заводнинг асосий ишлаб чиқариш қуввати Ил-76 МФ транспорт самолётларини яратишга мўлжалланди. Эндиликда ушбу самолётлар мамлакат ва халқаро йўналишларда хизмат қилмоқда[4].

“Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси” давлат акциядорлик жамияти илмий ходимларининг олиб борган изланишлари самараси сифатида 1992 йилда биринчи янги ИЛ-114 самолёти яратилиб, йўловчи ташиш хизмати соҳасида катта ютуққа эришилди. 1995 йили Жуковский шаҳрида ташкил этилган авиация халқаро кўрғазмасида ИЛ–114 самолёти катта ютуққа эришди. 1997 йил августда давлатлараро авиация қўмитасининг авиарегистри томонидан ИЛ–114 самолёти “учишга яроқли” деган сертификат берилди. Бу самолёт лойиҳаси В.В.Ильошин номидаги конструкторлик бюросида яратилган бўлиб, экологик жиҳатдан тоза, шовқинсиз, тежамли, қулайлиги билан ажралиб туради, енгил бошқарилади, бетонли ва грунтли йўлакдан учиш чиқади ва қўнади. Унинг максимал тезлиги 530 км/соат, учиш баландлиги 7800 м, учиш узоқлиги 1000 км. Двигатели Россия ва Канада мамлакатларида ишлаб чиқарилади. 1997 йилда С. Ильошин номидаги авиация компанияси (Россия) ИЛ -114 самолётини ишлаб чиқариш ва ИЛ -76 МИГ самолётини таъмирлаш ҳуқуқини берадиган халқаро сертификатларни Тошкент авиасозларига топширди[5].

Ўтган давр мобайнида фуқаро авиацияси хизмати кенг йўлга қўйилиб, Сурхондарё аэропортида янги хизмат кўрсатиш ҳудудлари ташкил этилди ва аҳолига хизмат кўрсатиш анча яхшиланиб борди. Самолётларнинг учиш масофаси кўпайди. Масалан, Термиз аэропортидан 1940 йил 9,2 минг км, 1965 йил 50,4 минг км, 1970 йил 55,6 минг км, 1973 йил 57,8 минг км, 1975 йил 58,3 минг километр учиш амалга оширилди[8]. Аҳолига кўрсатилаётган авиация хизматини такомиллаштириш халқ хўжалиги юқларини ташиш, қишлоқ хўжалигига авиация хизмат кўрсатишни янада ошириш масаласи муҳим тармоққа айланди. Натижада Термиз аэропорти орқали юк ташиш салоҳияти йилдан-йилга ортиб борди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, транспортнинг замонавий хизмат кўрсатиш соҳаси бўлган авиация тармоғи йилдан йилга янги самолётлар билан таъминланиб, йўловчиларга хизмат кўрсатиш манзилгоҳлари кўпая борди. Аҳолига авиация хизмати 1940 йилда 0,04 млн киши, 1965 йилда 1,8 млн киши, 1970 йилда 2,8 млн киши, 1973 йилда 3,6 млн киши, 1975 йилда 4,3 млн киши ҳисобига тўғри келди[7]. 1974 йилга нисбатан 1975 йил авиацияда юк ташишнинг умумий ҳажми 23,1 фоиз, йўловчи жўнатиш эса 21 фоизга ошди[9].

1975 йили Ўзбекистон фуқаролик авиацияси ҳудудий бошқармасининг Термиз авиация отрядида юк ташишнинг умумий ҳажми ярим йиллик режасини 103 фоизга, йўловчи жўнатиш режасини 118,4 фоизга бажарди[6]. 1991 йили бу ерда аҳолига авиация хизмати 97,2 минг йўловчига тўғри келиб, ҳаво транспорти орқали юк ташиш режаси 79,5 фоизга бажарилди. Авиахизмат Термиз–Москва, Термиз–Андижон–Олма–Ота, Термиз–Ашхобод–Минводи йўналишлари бўйлаб амалга оширилди[10].

Сурхондарёда авиация транспорти қишлоқ хўжалигига хизмат қилиш билан биргаликда халқ хўжалик юқларни ҳамда йўловчиларни манзилларига ташиш бўйича самарали натижаларга эришилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Сурхон воҳасига хос қишлоқ хўжалиги транспорти мунтазам ривожланиб, янги замонавий техник воситалар билан ҳамда ишчи-техник ходимлар билан таъминлаб борилди. Тадқиқотлар жараёнида чор Россияси ва Совет ҳукуматининг транспорт соҳасида амалга оширган сиёсати бир томонлама бўлганлиги ҳамда корхоналарга зудлик билан жўнатиш ва бошқа мақсадлар кўзда тутилгани кузатилди. Марказ кўрсатмаси асосида хомашё манбаларини тайёрлаш, бирламчи қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулотларни етказиб беришда транспорт тизимига алоҳида эътибор берилганлиги илмий манбалар асосида ҳолисона ёритилди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш зарурки, транспортнинг асосий тури ҳисобланган темир йўл, сув ва авиация тармоқлари ўзининг ташкил топган даврдан бошлаб халқ хўжалиги юқларини ҳамда йўловчиларни ташиш бўйича муҳим самараларга эришди, янги тармоқлар ташкил топди. Ушбу соҳа учун зарур мутахассисларни тайёрлаш, малакасини оширишга ҳам эътибор берилди. Шунингдек, Россия мустамлакаси даври ва совет ҳокимияти йилларида ушбу транспорт асосан марказнинг манфаатларига хизмат қилиб, унга тайёр маҳсулотларни

ташиш, ҳарбий салоҳиётини ошириш, марказ тақсимооти билан ажратилган маҳсулотларни минтақаларга етказиш вазифаси юклатилган эди. Совет ҳокимияти йилларида ушбу транспорт тизимини замонавий техника билан таъминлаш ва қайта таъмирлаш ишларига қисман эътибор берилиб, моддий–техник талабларга кам маблағ ажратилган.

Умуман олганда, Сурхондарё вилоятида транспорт хизмати йилдан-йилга маълум маънода яхшиланиб борган бўлса-да, соҳада ҳали мавжуд камчиликлар кўп эди, транспорт таъминоти етарли бўлмаганлиги сабабли белгиланган режалар ўз вақтида бажарилмай қолган ҳолатлар кўп эди.

## Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати:

1. Виноградов Р. И., Пономарев А.Н. Развитие самолётов мира. – Москва, 1991. – С. 65.
2. Рузметов А. Г. Крылья независимого Узбекистана. – Ташкент, 1999. – С.78.
3. Турсунов С.Н., ва бошқалар. Термиз йилномаси. – Б.28.
4. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 33-фонд, 32-рўйхат, 81-иш, 15-варақ.
5. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 33-фонд, 32-рўйхат, 21-иш, 14-варақ.
6. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 313-фонд, 1-рўйхат, 157-иш, 27-варақ.
7. Народное хозяйство Узбекской ССР 1975. – Ташкент, 1976.– С.233.
8. Народное хозяйство Узбекской ССР 1975. – Ташкент, 1976.– С.234.
9. “Ленин байроғи” газетаси. 1975 й, №151, 31-июн. – Б.2.
10. “Сурхон тонги” газетаси. 1991 й. 5-декабр, № 186.– Б.2.

## ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

**Буранов Абдулҳаким Холлиевич,**

*Термиз давлат университети Тарих факультети  
ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари.*

**Аннотация:** Ўзбекистон аҳолисининг салмоқли қисми ёшлардан иборат бўлиб, улар мамлакатнинг буюк келажagini таъминлашнинг кафолати сифатида хизмат қилади. Ўзбекистон ёшлари фаоллигини оширишда ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг ўрни ва роли ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** Ёшлар фаоллиги, давлат сиёсати, ватанга муҳаббат, ҳаракатлар стратегияси, “Ёшлар Қаноти” дастури.

**Аннотация:** Значительную часть населения Узбекистана составляют молодые люди, которые служат залогом обеспечения великого будущего страны. Обсуждается место и роль общественно-политических реформ в повышении активности молодежи Узбекистана.

**Ключевые слова:** Молодежный активизм, государственная политика, любовь к Родине, стратегия действий, программа «Молодежное крыло».

**Abstract:** A significant part of the population of Uzbekistan consists of young people, who serve as a guarantee of ensuring the great future of the country. The place and role of socio-political reforms in increasing the activity of the youth of Uzbekistan is discussed.

**Key words:** Youth activism, state policy, love of country, action strategy, «Youth Wing» program.

Ёшлар фаоллигини ошириш мамлакатимизнинг тараққиётининг муҳим омилidir. Ўзбекистон аҳолисининг салмоқли қисми ёшлардан иборат бўлиб, улар мамлакатнинг буюк келажagini таъминлашнинг кафолати сифатида хизмат қилади. Ўзбекистоннинг улкан салоҳияти бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб ижтимоий ҳаётга кираётган, замонавий билим ва касб-хунар сирларини пухта эгаллаган, навқирон ёшлар тимсолида яққол намоён бўлмоқда. Мамлакатимизнинг эртанги куни, жамиятда ўзгаришларга сабаб бўладиган, бунёдкорлик ғояларини ҳаётга татбиқ этувчи муҳим куч, маънавий салоҳиятли ресурс ҳисобланган ёшларни маънавий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига

кулай шарт-шароит яратиш орқали уларни юрт тақдири ва келажакни ҳал қилувчи катта кучга айлантириш ҳар биримизнинг муҳим вазифаларимиздир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидланидек, “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”[1]. Мамлакатимизда ёшларни миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат, инсонпарварлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавий салоҳиятли ва жисмонан соғлом авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалий ишлар амалга оширилмоқда. 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси [2] демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифаларни белгилаб берганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги[3] Қонуни бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги [4] Фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислох этиш мақсадида Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Ўзбекистон “Миллий Тикланиш” демократик партиясининг “Ёшлар Қаноти” дастури: “Кучли давлатдан–кучли жамиятга” босқичма-босқич ўтиш тамойилига амал қилади ва шу асосда ёшлар иштирокида миллий анъаналарга ва умуминсоний қадриятларга айланган туйғуларга асосланган адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда фаол иштирок этиш; жамият раўнақида ёшлар иштирокини таъминлашда партия Устави ва Дастуридан келиб чиққан ҳолда унинг ғоя ва мақсадларини амалга ошириш учун муқобил дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда ўз сиёсий қарашлари йўриқномасини яратиш; ижтимоий-сиёсий жараёнларда ёшларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш ва шу орқали жамият ҳаётига ижобий таъсир кўрсатиш, ўз ғоялари, мақсадлари, вазифалари ва қарорларини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш; ёшларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида белгиланган ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг ҳаётий эҳтиёж ва манфаатларини ифодалаш, ёшлар муаммоларига оид дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш; ёшларнинг мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда фидоий, интеллектуал салоҳияти юқори ёшларнинг давлат бошқарувидаги вазифаларни эгаллашлари учун шароитлар яратишда кўмаклашиш; Ватан раўнақи, миллат манфаатларини олий мақсад ва манфаатларидан устун деб билган, “Ўзбекистон–келажак буюк давлат” ва “Буюк келажакни фидоий ёшлар яратади” ғояларига содиқ ёшларни жипслаштиришдир[5].

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида: “Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги кунини, фаровонлигини фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз–ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз” деб таъкидлаб ўтган. [6]

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуслари билан мамлакатимизда

амалга оширилаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маърифий ислохотлар ёшларга кенг кўламли имкониятлар яратиб берди. Яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан ёшларимиз унумли фойдаланиши, мамлакатимизни ривожлантирадиган ватанпарвар кадр ва юксак маънавий салоҳиятли кадр бўлиб етишиб чиқиши керак ва зарур. Бизнингча, ёшларнинг ижтимоий-маънавий фаоллигини ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик хиссини қарор топтириш ҳар биримизнинг асосий бурчимиздир.

## Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати:

1. Ш.Мирзиёев. (Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқидан 2016-йил 14-декабр)
2. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожтириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли фармони./2017 йил 7 февраль/ [www.lex.uz/docs/3107036](http://www.lex.uz/docs/3107036)
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни / 2016 йил 14 сентябрь ЎРҚ-406-сонли/ [www.lex.uz/acts/3026246](http://www.lex.uz/acts/3026246)
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ5106 сонли фармони/ 2017 йил 5 июл/[www.lex.uz/docs/3255680](http://www.lex.uz/docs/3255680)
5. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясини “Ёшлар қаноти”дастури. //www.mt.uz/uz/partiya/molodezhnoe-krylo/
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи //www.uz.uz .

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ КИРИТИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Холманова Феруза Ураловна,  
Термиз давлат Университети  
Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада вилоятимизнинг енгил саноатида хорижий камкорлар томонидан инвестицияларнинг киритилиши ва уларнинг самарадорлиги ҳақида тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** “Сурхондарёсавдо”, инвестиция, ип-газлама, қўшма корхона.

**Аннотация:** В статье основное внимание уделяется внедрению инвестиций иностранных предпринимателей в легкую промышленность нашего региона и их эффективности.

**Ключевые слова:** «Сурхондарёсавдо», инвестиции, нарезка, совместное предприятие.

**Annotation:** The article focuses on the introduction of investments by foreign entrepreneurs in the light industry of our region and their effectiveness.

**Key words:** «Surkhondaryosavdo», investments, cutting, joint venture.

Ўзбекистонда экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида, хорижий давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик муносабатлари яхши йўлга қўйилган. Бу борада ҳукуматимиз томонидан бир қанча қарорлар қабул қилинган ва ушбу қарорлар асосида экспорт салоҳиятини ривожлантириш давлат дастури ишлаб чиқилган.

Ўзбекистоннинг савдо сотиқдаги асосий мижозлари: АҚШ, Буюк Британия, Нидерландия, Бельгия, Швейцария, Франция, Германия, Италия, Россия, Туркия, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлар.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмасида кейинги йилларда муҳим таркибий ўзгаришлар бўлмоқда. Дунёнинг 140 дан ортиқ мамлакати билан ташқи савдо қилинмоқда[1].

Саноатда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари ишчи кучи қийматига сезувчан бўлади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни киритишнинг асосий таҳдидлари мавжуддир. Буларга мамлакатдаги молиявий беқарорлик, ҳарбий ва сиёсий беқарорлик, инвестиция муҳитининг ўзгариши ва бошқа омиллар сабаб бўлиши мумкин. Энг муҳим таҳдидлар ичида биринчи ўринга ҳарбий ва сиёсий беқарорлик чиқади. Инвесторлар жавобига Ирок, Афғонистон ва дунёнинг бошқа ҳудудларидаги ҳарбийларнинг режа ва ҳаракатлари таъсир қилади.

Инвестиция иқтисодиётнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллардан биридир. Инвестиция ёрдамида янги саноат корхоналари қурилади, мавжудлари таъмирланади, янги машина ва ускуналар сотиб олинади. Мамлакатимизнинг импорт ва экспорт салоҳиятига назар ташлар эканмиз, 1991 йилларда вилоятимизда кичик, хусусий ва қўшма корхоналар ташкил этила бошланганлигига гувоҳ бўламиз. Жумладан, пахта толасини ип-газламага, газламани эса тайёр кийим-кечакка айлантириш, иқтисодиётимизга ўзининг ижобий ўзгаришларини кўрсатиши муҳим вазифа қилиб олинди.

Германия давлати билан ташқи иқтисодий алоқаларимиз 1997 йилда 6204,0 минг долларни ташкил этиб, бунга асосан экспорт таркибида пахта толаси ва озиқ-овқат маҳсулотлари кирди[3].

Жарқўрғондаги ип-газлама қўшма корхонаси 1997 йилда экспортга маҳсулот сотиш режасини 140 фоизга бажарди. Корхона томонидан Чехия, Польша ва Австрия мамлакатларига 312 минг долларлик ип-калава маҳсулотлари сотилди. 1800 нафардан зиёд ишчилар 1602 тонна калава ип, 8866 минг погонметр мато ишлаб чиқариб, бу борадаги режа топшириқларини ортиғи билан бажариб, корхонанинг 2000 йилдаги соф фойдаси 34,5 миллион сўмни ташкил қилди. Фабрика қошида “Ўзбекистон-Америка” қўшма корхонаси ташкил этилиб, унинг қуввати йилига 42 тонна калава ип ва 1920 минг погон. метр мато ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Корхонанинг умумий лойиҳа қуввати 13 миллион 132 минг 036 евро бўлиб, хорижий таъсисчи Американинг улуши ҳисобига (53 %) ташкил этилди. Қўшма корхонада Германия ва Чехия давлатларининг замонавий йиғирув дастгоҳлари ўрнатилиб, жаҳон бозорлари талабларига жавоб берадиган юқори сифатли калава ип ва мато ишлаб чиқарадиган маҳсулотнинг 70 фоизи экспортга сотилди[2].

Бойсун туманида Ишонч ҳиссадорлик жамияти базасида йилига 600,0 тонна калава ип ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар ташкил этиш учун Россия Федерацияси ва Жанубий Корея давлатлари билан музокаралар олиб борилди ва келишув имзоланди[3].

Вилоятда 1998 йилда ташқи савдо айланмаси 124404 минг долларга тенг бўлди. 1997 йилнинг шу даврига нисбатан 108,5 фоиз, жами ташқи савдо айланмасининг 90,9 фоизи экспорт маҳсулотлари ва 9,1 фоизи импорт маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келди[4].

Вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасида 1999-2008 йилларга мўлжалланган “Иқтисодий ҳамкорлик дастури” га мувофиқ Сурхондарё вилоятида қуйидаги ишларни амалга оширди. “Техно-Текс” Ўзбекистон-Украина қўшма корхонаси 2007 йилнинг 21 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, Сурхондарё вилояти Адлия бошқармасидан 33- рақамли реестр билан рўйхатдан ўтган. Жамият иштирокчиларининг низом жамғармасидаги улушлари қуйидагича тақсимланган: Украиналик иштирокчи “ООО ПФК Меркурий ЛТД” фирмаси 480,0 минг доллар (60 фоиз), Ўзбекистонлик иштирокчи “Пўлат Алп” ХИТФ 320,0 минг доллар (40 фоиз) ни ташкил этди. Корхонанинг асосий фаолият туридан бири гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш ҳисобланади. Хорижий ҳамкор томонидан қиймати 486,7 минг доллар миқдоридидаги замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар келтирилди. 2007 йилда корхона томонидан 16,1 млн. сўмга, 2008 йилда эса 43,2 млн. сўмга тенг гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилди[5].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 октябрдаги “Қўшма корхоналар” ни ташкил этишда хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” ги 393- сон қарорининг 9-иловасига мувофиқ вилоятимизнинг туманларида 2001-2005 йилларда 19 та қўшма корхоналар ташкил этилиши, шу жумладан 2001 йилда 5 та қўшма корхоналар тузилиши режалаштирилган эди[6].

Бинобарин, сўнгги ўн йилликда юртимизда енгил саноат тизими тараққиёт сари юз тутди. “Сурхонтекс” қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва турини

кўпайтириш мақсадида 2010 йилда ишлаб чиқариш қуввати 2,0 минг тонна, умумий қиймати 2400 минг доллар қийматидаги лойиҳа амалга оширилди[8].

“Сурхонтекс” Ўзбекистон Буюк Британия кўшма корхонаси собиқ “Сурхонтекстиль” корхонаси ўрнида 2013 йилда қайта ташкил этилди. Илгари корхонада 970 киши ишлаган, 2,5 минг тонна пахта хом ашёси қайта ишланган бўлса, бугунги кунда 240 нафар ишчи фаолият юритмоқда. 2018 йилда ишлаб чиқариш қуввати 5 минг тоннани ташкил этган. Бу кўрсаткич эса корхонанинг янги замонавий технологиялар билан жиҳозланганлигини кўрсатади. Ўртача иш ҳақи 550 мингдан ошган. 2017 йил корхонада 16 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, шунинг 90 фоизи хорижга экспорт қилинди. Чет давлатларга экспорт қилинган маҳсулот таннархи қарийб 2 млн. долларни ташкил этди. Маҳсулот асосан Россия, Хитой, Туркия ва Болтиқбўйи мамлакатларига етказиб берилди. 2016 йилда 600 минг доллардан зиёд чет эл сармояси асосида корхонага келтирилган 2 та саваш линиялари учун 4 та дастгоҳ келтирилганлиги сифат ва самарадорликни янада оширди[9]. Ислохотлар натижасида “Сурхонтекс” кўшма корхонаси томонидан 2588,9 долларлик тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилинди.

**Пилла маҳсулотларини қайта ишлашда Термиз шаҳридаги “Inter Silk Pro” Ўзбекистон-Хитой кўшма корхонаси вилоят иқтисодий ҳаётида ўз ўрнига эга. Корхонада пилла хомашёсидан ишлаб чиқараётган ип-калава сифати ва дизайни билан жаҳон бозорида тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда.** Пилла хом-ашёсидан харидоргир ип-калава ишлаб чиқараётган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “Inter Silk Pro” Ўзбекистон-Хитой кўшма корхонаси 1 миллион 170 минг доллар қийматидаги замонавий технологиялар билан жиҳозлангани рақобатбардош, жаҳон стандартларига мос тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда қўл келаётир. 2015 йил корхона Сурхондарё вилоятида етиштирилган 1 минг 550 тонна пиллани қабул қилган ва хомашё сифатли қайта ишланиб, тайёр маҳсулот хорижий давлатлардаги буюртмачиларига жўнатилди. Корхонада меҳнат қилаётган 80 дан зиёд ишчининг унумли меҳнат қилиши учун барча шароит яратилган. Бепул тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш йўлга қўйилган, узоқ қишлоқлардан қатнаб ишлайдиганлар учун ётоқхоналар мавжуд. 2015 йил корхона 150 минг доллар қийматидаги ип-калавани экспорт қилди. Янги йилгача яна 350 минг доллар қийматидаги рақобатбардош маҳсулот чет эллик буюртмачиларига жўнатилади. Бу ерда хом ашё етиштиришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараён тўлиқ технологик занжир асосида ташкил этилган. Жумладан, ипак курти боқиш, мато ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, гилам тўқиш йўлга қўйилган. Кластер усулида маҳсулот етиштириш учун Сурхондарё вилоятидаги бир нечта туманлар бириктириб берилган.

Корхона фаолияти икки сменали бўлиб, 300 дан ортиқ доимий, 250 дан зиёд мавсумий иш ўринлари яратилган. Бугунги кунда корхона маҳсулотлари Осиё ва Европа давлатларига сотилмоқда. 2017 йилда қарийб 2 миллион 140 минг доллар, 2018 йилда 2 миллион 873 минг доллардан зиёд миқдорда экспорт қилинган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мазкур жараёнлар Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, хусусан, пахта ва пилла етиштириш асосида тўқимачилик индустрияси шаклланишига хизмат қилмоқда. Унинг таркибини пахта тозалаш, ип ва ипак йигирув, тикувчилик саноати ташкил этади ва бу соҳаларни ривожлантириш эса вилоят иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилади.

## Фойдаланилган манбалар.

1. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедик маълумотнома. – Тошкент.: “Давлат илмий нашриёти”, 2002. – Б 333.
2. Турсунов С., Тўхтаев А. Жарқўрғон. – Тошкент.: “Фан”, 2008. – Б. 142.
3. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091- жамғарма, 1-рўйхат , 293- иш, 78- варақ.
4. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 698- жамғарма, 1- рўйхат ,101- иш, 21 - варақ.
5. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 1091- жамғарма, 1- рўйхат, 33- иш, 95-варақ
6. Сурхондарё вилоят давлат архиви, М. 698 жамғарма, 1-рўйхат , 110- иш, 121- варақ.
7. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091- жамғарма, 1-рўйхат ,661- иш, 36-варақ.
8. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, М.1091- жамғарма, 1- рўйхат, 33 иш, 78-варақ
9. “Сурхон тонги”, 2018 йил 3 (17403) - сон.

## KORONAVIRUS EPIDEMIYASINING URBANIZATSION JARAYONLARDA TA'SIRI HAQIDA

**Choriyev Jamshid Shokirjonovich,**  
Termiz davlat universiteti Jahon  
tarixi kafedrasi erkin tadqiqotchisi

**Annotatsiya:** Maqolada Yangi O'zbekistonda amalga oshirilayotgan islohotlar tufayli tarixni xolisona o'rganish va tahlil etishga alohida e'tibor berilib, jumladan, Termiz shahrida mustaqillik yillarida amalga oshirilgan urbanizatsion jarayonlar ilmiy tahlil etilgan.

**Kalit so'zlar:** urbanizatsiya, sanoat, yalpi ichki mahsulot, "Novofarm" MCHJ, "Kabul Darbar" MCHJ, kichik va o'rta biznes korxonalarini.

**Аннотация:** В статье особое внимание уделяется объективному изучению и анализу истории в связи с реформами, осуществленными в Новом Узбекистане, в том числе научному анализу процессов урбанизации, осуществленных в городе Термез в годы независимости.

**Ключевые слова:** урбанизация, промышленность, валовой внутренний продукт, ООО «Новофарм», ООО «Кабул Дарбар», предприятия малого и среднего бизнеса.

**Abstract:** The article pays special attention to the objective study and analysis of history due to the reforms implemented in New Uzbekistan, including the scientific analysis of the urbanization processes carried out in the city of Termiz during the years of independence.

**Key words:** urbanization, industry, gross domestic product, «Novofarm» LLC, «Kabul Darbar» LLC, small and medium business enterprises.

Istiqlol yillarida O'zbekistonda kichik va o'rta biznes korxonalarini tashkil etilib, ularda sanoat mahsulotlari, xalq ehtiyoji mollari, aholiga turli xil xizmat ko'rsatish yo'lga qo'yildi. Kichik va o'rta biznes korxonalarining bir qismi bozor iqtisodiyoti qiyinchiliklariga bardosh bera olmasdan faoliyatini to'xtatgan bo'lsa, ularning ko'pchilik qismi o'z ishini takomillashtirib, ishlab chiqarayotgan mahsulotni sifatini oshirib, tannarxini kamaytirib, jamiyatda o'z o'rnini topa boshladi. Kichik va o'rta biznes korxonalarida ishlab chiqarilgan sanoat va xalq iste'moli mollarinin hajmi mamlakatda ishlab chiqarilgan turdosh mahsulotlar orasidagi hissasi yildan-yilga ortib bordi.

Koronavirus epidemiyasining global ta'siri dunyo taraqqiyotining barcha jabhalarida, siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy sohalarda namoyon bo'ldi. Turli xalqaro, mintaqaviy va mahalliy mutassadi tashkilotlar o'zlarining tahlillarida pandemiyaning kundalik turmushimizga ta'siri borasida tadqiqotlar olib bormoqda. Jumladan, Xalqaro mehnat tashkiloti tahlillariga ko'ra, dunyo miqyosida 2020-yilda 2019-yilga nisbatan dunyo bo'ylab bandlik misli ko'rilmagan 114 million ish o'rinlariga qisqarib, 33 million ishsiz paydo bo'ldi. Hisob-kitoblarga ko'ra, mehnat faoliyatidan olinadigan umumjahon daromadi 2020-yilda 8,3 % ga kamaydi, bu esa jahon yalpi ichki mahsulotining 4.4 %, 3.7 trillion dollarga kamayishiga olib keldi[1]. Ammo hozirning o'zida shu narsa ma'lumki, keltirilgan raqamlar ko'riladigan zarar ko'lamini to'laqonli ifoda eta olmaydi.

Hozirgi kunda dunyo moliyaviy bozorlarida bitimlar kamaymoqda. Chegaralarning yopilishi, aholi qatnovining to'xtashi natijasida, iste'mol ham, ishlab chiqarish ham pasaymoqda. Bu birinchi navbatda jahon savdosi sur'atlarining pasayishiga, energiya resurslari narxining pasayishi, xorijiy turistlar sonining kamayishiga olib kelmoqda va bu mamlakatlar iqtisodiyotiga salbiy ta'sir ko'rsatmoqda. Bundan tashqari, tovar narxlarining oshishi, aholi turmush darajasining pasayishi va ishlab chiqarish ko'lamining qisqarishi kuzatilmoqda.

Global iqtisodiyot tizimining bir qismi bo'lgan O'zbekiston Respublikasi misolida oladigan bo'lsak, ko'plab yirik va kichik korxonalar faoliyati to'xtab qoldi, ish vaqti qisqardi, savdo markazlari va restoranlarning yopilishi, aviareyslarning va mehmonxona buyurtmalarining bekor qilinishi, korxonalar va tashkilotlarda masofadan turib ishlash rejimiga o'tilishi iqtisodiyotimizning o'sish sur'atining ma'lum darajada pasayishiga olib keldi. Shuningdek, barqaror ishga ega bo'lmagan odamlar, ya'ni sotuvchilar, ofitsiantlar, oshxonalar xodimlari, yuk ortuvchilar, farroshlar kabi xodimlarning ishdan bo'shashiga to'g'ri keldi. Bundan tashqari, chet davlatlarda ishlayotgan ishchilar ham karantin tufayli ishsiz qolib, uylariga pul jo'nata olishmayotganligini qayd qilish lozim.

Koronavirus pandemiyasining salbiy ta'sirini alohida olingan bir hududda, keyingi yillarda

jadal o'sish sur'atlariga erishayotgan Termiz shahri ko'rsatkichlari asosida tahlil qilamiz. Birinchi navbatda, koronavirus epidemiyasi sharoitida rejalashtirilgan ishlarni qayta ko'rib chiqish zarurati tug'ildi. 2020-yil 16-aprel kuni Vazirlar Mahkamasining "2020-yil uchun O'zbekiston Respublikasi davlat budjetining barqarorligini ta'minlash va xarajatlarini maqbullashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi qarori[2] qabul qilindi. Mazkur qaror asosida 2020-yilda rejalashtirilgan 29 mld. 795 mln. 415 ming so'mlik[7] Termiz shahri budjeti 3417438 so'mga maqbullashtirildi[8]. Natijada, tejalgan mablag' shahar mahalliy budjetining koronavirus pandemiyasining salbiy ta'siri oqibatida ta'minlanmagan qismini qoplashga erishildi.

Mamlakatimiz iqtisodiyotiga mazkur salbiy omillar ta'sirlarini yumshatish bo'yicha samarali choralar ko'rish talab qilindi. Shuning uchun pandemiya oqibatida yuzaga kelgan inqiroz oqibatlarini iqtisodiyotga keskin salbiy ta'sirining oldini olish maqsadida zaruriy chora-tadbirlar ishlab chiqildi. Davlatimiz tomonidan farmon va qarorlar qabul qilinib, biznes tuzilmalarga ko'plab imtiyoz va preferensiyalar berildi. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti 2020-yil 19-martda "Koronavirus pandemiyasi va global inqiroz holatlarining iqtisodiyot tarmoqlariga salbiy ta'sirini yumshatish bo'yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to'g'risida"gi PF-5969-sonli Farmonni imzoladi[3]. Ushbu farmonga ko'ra, turizm, transport, farmatsevtika, to'qimachilik sanoati va boshqa shu kabi Respublika iqtisodiyotining jadal rivojlanayotgan tarmoqlarini qo'llab-quvvatlash va ularning barqarorligini ta'minlashga alohida e'tibor qaratish zarur ekanligi qayd etildi.

Shuningdek farmonga binoan, koronavirus infeksiyasi tarqalishiga qarshi kurashish va boshqa global xavf-xatarlar davrida makroiqtisodiy barqarorlikni, iqtisodiyot tarmoqlari va sohalarining uzluksiz ishlashini ta'minlash, tashqi iqtisodiy faoliyatni rag'batlantirish, aholini samarali ijtimoiy qo'llab-quvvatlash, mamlakat aholisi daromadlari keskin pasayib ketishining oldini olish maqsadida bir qancha choralar ko'rilmoqda. Mazkur yo'nalishda Termiz shahrida quyidagi ishlar amalga oshirildi. 1273 nafar yakka tartibdagi tadbirkorlarning faoliyati to'xtalib, ular soliq to'lovlaridan ozod etildi. Karantin talablari susaytirilgach, ushbu tadbirkorlardan 1000 nafarining faoliyati qayta tiklandi. Ishbilarmonlarning to'lash muddati bo'yicha 1011 ta tadbirkorlik subyektlarining 344 milliard. 486 million so'mdan ortiq ochiq kredit mablag'lari to'lovi uzaytirildi. Shuningdek, 2287 nafar tadbirkorlik subyektlariga 4 milliard 177 million so'mlik imtiyozlar qo'llanildi[8].

Pandemiyaning oldini olish maqsadida amalga oshirilayotgan karantin choralari kasallik tarqalishining oldini olishning samarali vositasi hisoblanadi, biroq pandemiya oqibatida zarar ko'rmagan soha deyarli qolmadi, ayniqsa kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'yektlariga juda og'ir bo'ldi, chunki bunday sharoitda uning tezda tiklanib olishi qiyinlashmoqda. Shuning uchun, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 3 apreldagi "Koronavirus pandemiyasi davrida aholi, iqtisodiyot tarmoqlari va tadbirkorlik sub'yektlarini qo'llab-quvvatlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PF-5978-sonli farmoni qabul qilindi[4]. Ushbu farmonga muvofiq koronavirus infeksiyasi tarqalishiga qarshi kurashish davrida aholini ijtimoiy himoya qilishni kuchaytirish va iqtisodiyot tarmoqlari faoliyat ko'rsatishining barqarorligini ta'minlash, shuningdek ayrim xo'jalik subyektlarini qo'llab-quvvatlash choralari belgilangan. Belgilangan vazifalarning amalga oshirilishi global inqiroz holatlarining iqtisodiyot tarmoqlariga salbiy ta'sirini yumshatish imkoniyatini beradi. Koronavirus pandemiyasining salbiy ta'siri natijasida Termiz shahridagi 570 ta sanoat korxonasidan 61 tasi faoliyatini to'xtatishga majbur bo'ldi. Davlat organlarining sa'y-harakatlari bilan 60 ta sanoat korxonasining muammolari bartaraf etilib faoliyati tiklandi[8].

2020-yilda Termiz shahrida 58 ta umumiy qiymati 437,5 mld so'mlik loyihalarni amalga oshirish rejalashtirilgan edi. Pandemiya sharoitida ayrim loyihalarning ro'yobga chiqishi kechikdi. Masalan, "Kabul Darbar" MCHJ tomonidan xorijiy investitsiya hisobidan zamonaviy umumiy ovqatlanish muassasasi ishga tushishi lozim edi. "Novofarm" MCHJ tomonidan quruq va suyuq holdagi in'eksiya preparatlari ishlab chiqarilishi boshlanishi kerak edi. "Surxondaryo ta'mirlash-butlash" MCHJ tomonidan dsp va laminat ishlab chiqarish korxonasi faoliyatini boshlashi lozim edi. Mazkur loyihalar ish boshlashining kechiktirilishi chetdan olib kelinayotgan asbob-uskunalar yoki xorijiy mutaxassislarining karantin munosobati bilan kelishi taqiqlanganligi bilan bog'liq bo'lib qoldi[5]. Natijada, mazkur loyihalar rejalashtirilgan vaqtidan kechikib amalga oshirildi.

Iqtisodiyotga pandemiya natijasida yuzaga kelgan inqiroz oqibatlarini yanada yumshatish maqsadida, birinchidan, pandemiya infeksiyasining tarqalish ehtimolligi kam bo'lgan ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish sohalarini faoliyat ko'rsatishlarini rag'batlantirish, ikkinchidan, karantin davrida

uyda o'tirgan aholiga mavjud tomorqa uchastkalaridan samarali foydalanishlari uchun rag'batlantirish choralari ko'rish, masalan, uy xo'jaliklari kesimida ko'chat, urug'lik va mineral o'g'itlarga bo'lgan ehtiyojlarini aniqlagan holda yetkazib berish, uchinchidan, uy sharoitida ham o'zini foydali mehnat bilan band qilish imkonini beradigan parrandachilik, chorvachilik va quyonchilik kabi tadbirkorlik faoliyatidagi yo'nalishlarni rag'batlantirish hamda ular faoliyatini moliyaviy qo'llab-quvvatlash maqsadida o'rta muddatli va past foizli kreditlarni taqdim etish, to'rtinchidan, infeksiyaning tarqalish ehtimolli kam bo'lgan va infeksiya aniqlanmagan hududlarda maxsus karantin zonalarini tashkil etgan holda zaruriy sanoat ishlab chiqarishni yo'lga qo'yish, beshinchidan, "raqamli iqtisodiyotni xalq xo'jaligining barcha tarmoq va sohalariga keng joriy etish choralari rag'batlantirgan holda masofaviy mehnat faoliyatini olib borishni tashkil etish", oltinchidan, karantin davrida aholiga qulaylik yaratadigan va faoliyat ko'rsatishi natijasida qo'shimcha qiymatni paydo qiladigan masofaviy innovatsion tadbirkorlik faoliyatlarini rag'batlantirish kabi choralarni ko'rish lozim bo'ladi.

Natijada, mamlakatimiz tomonidan koronavirus pandemiyasi va global inqiroz holatlarining iqtisodiyot tarmoqlariga salbiy ta'sirini yumshatish borasida ko'rilayotgan samarali choralari va kelgusida ko'rilishi lozim bo'lgan vazifalarning amalga oshirilishi natijasida inqiroz holatlarining salbiy ta'sirini bartaraf etish imkonini bermoqda. Jumladan, 2021-yil uchun Termiz shahri budjetining misli ko'rilmagan 52 milliard 027 million so'm miqdorida belgilanishi katta ahamiyat kasb etadi[9].

2020-yil yakuni bo'yicha O'zbekiston iqtisodiyoti resessiyadan qutilib, ijobiy dinamikani saqlab qoldi. Yalpi ichki mahsulot 2020-yilning yanvar-dekabr oylarida 1,6 foizga o'sdi va 580,2 trln. so'mni tashkil etdi. O'zbekistonda pandemiya natijasida vujudga keladigan global inqiroz holatlarining oldini olishda va iqtisodiyotning barqaror rivojlanishida asosiy poydevor bo'lib, tadbirkorlik subyektlarining rivojlanishi hisoblanadi. Shu o'rinda tadbirkorlik sub'yektlarini rivojlantirishning ijtimoiy jihatlari siyosiy-iqtisodiy barqarorlikni ta'minlash, ishsizlik darajasini pasaytirishga xizmat qilishi, mehnatga layoqatli kishilarning ish bilan band bo'lishlaridagi qulayligi nuqtayi nazaridan o'ziga xos o'rin egallaydi.

2022-yilga kelib Termiz shahri bo'yicha ro'yxatdan o'tgan korxonalar va tashkilotlar soni 5498 tani tashkil etdi. Shundan: faoliyat ko'rsatayotgan korxonalar soni 5278 ta, faoliyat ko'rsatayotgan oilaviy korxonalar-369 ta, qo'shma korxonalar-38 ta, xorijiy korxonalar-295 ta, mas'uliyati cheklangan jamiyatlar-3102 tani tashkil etdi. Termiz shahridagi yangi tashkil etilgan korxonalar soni 158 tani tashkil etdi.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Вестник МОТ:COVID–19 и сфера труда. Седьмой выпуск. Обновленные оценки и анализ. 25 января 2021 г. С.2.
2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.04.2020 й., 09/20/232/0449–сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини yumshatish бўйича биринчи навбатдаги чора–тадбирлар тўғрисида” ги ПФ–5969–сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.03.2020 й., 06/20/5969/0341–сон
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тadbirkorlik субъектларини қўллаб–қувватлашга доир қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида” ги ПФ–5978–сонли Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/4780475> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.04.2020 й., 06/20/5978/0393–сон
5. “Termiz oqshomi”, 2020 йил. 28 avgust. №10(572) сони.
6. Termiz oqshomi”, 2020 йил 13 январь №1(564) сони.
7. Termiz oqshomi”, 2020 йил 11 июнь №7(569) сони.
8. “Termiz oqshomi” 2020 йил. 25 июнь. №8(570) сони.
9. “Termiz oqshomi”, 2021 йил. 19 январь. №1(581) сони. 4 б.

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ  
ТАШКИЛ ҚИЛИШДАГИ ШАКЛ ВА УСУЛЛАР**  
(Қорақалпоғистон ОТМлари мисолида)

**Абдуллаева Я.А.**  
Нукус ДПИ Ижтимоий фанлар  
кафедраси мудири

**Калит сўзлар:** *Олий таълим муассасалари, жамоатчилик назорати, коррупция, шаффофлик, ўқитувчи, талаба, шакл, усул.*

**Ключевые слова:** *вузы, общественный контроль, коррупция, прозрачность, преподаватель, студент, форма, метод.*

**Key words:** *universities, public control, corruption, transparency, teacher, student, form, method.*

Жаҳон миқёсида глобаллашув жараёнлари кетаётган бир пайтда, мамлакат олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, таълимни коррупциясиз соҳага айлантириш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг дунёқарашини, билимини, халқаро талаблар даражасига етказиш, сифатли ҳамда малакали кадрларни тайёрлаш давлат ва жамият олдидан турган муҳим, шу билан бирга, ўта долзарб вазифалардан биридир. Ушбу жуда масъулиятли ишларни амалга оширишда Олий таълим муассасаларида Жамоатчилик кенгашларининг ташкил этилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Жамоатчилик кенгашлари давлат ва жамият ривожини юксалтиришга, олий таълим тизимида малакали кадрларнинг тайёрланишига маълум даражада таъсир эта оладиган, ўзига хос равишда иш олиб бориш механизмига ҳам эгадир. Жамоатчилик кенгашлари ўз фаолиятида ҳуқуқий-меъёрий, ижтимоий, маънавий, маданий, умуммиллий ва умуминсоний нормалар асосида амалга оширади.

Қорақалпоғистон ҳудудида жойлашган олий таълим муассасаларида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашлари ўзларининг «Йўл харита»ларига эга бўлиб, ўзига хос равишда бошқарувнинг шакл ва усулларига ҳам эга эканлиги, ушбу мавзунинг ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёнида кўзга ташланди.

Жамоатчилик кенгашлари фаолият юритишда чин дилдан суҳбатлашиш, маслаҳат бериш, фикр алмашиш, яқка тартибда ёрдам бериш, ҳамкорликда муаммони ечиш каби таъсирчан шакллардан фойдаланган. Жамоатчилик кенгашининг олдига қўйган вазифалардан келиб чиқиб, мақсадли фаолиятини амалга ошириш учун педагог ходимларнинг, талабаларнинг онгига, дунёқарашига, маънавий-руҳий ўсишига, ҳис-туйғуларига таъсир этиш, тўғри тарбиялаш, айрим ҳолларда яқка ҳолда тушунтириш ишларини олиш бориш, суҳбатлар ташкил қилиш, учрашув, семинарларда коррупцияга қарши кураш олиб боришнинг зарурлигига эътиборни қаратиш, педагог деган муқаддас номга доғ туширмасликка чорлаш, мурожаатлар билан ишлаш, билим бериш ва билим олишнинг сифат даражасини аниқлаш каби усуллардан фойдаланган.

Асосан Олий таълим муассасаларида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашлари томонидан куйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

ОТМларга абитуриентлар қабулида ижодий имтиҳонлар жараёнида, олий таълим муассасалари ўқув биналарига кириш жойларида профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларнинг дарс машғулотларига кеч қолишларини бартараф этишда, Олий таълим муассасалари Ахборот ресурс маркази фаолияти, ҳолати, китоб фонди кабилар ўрганилган.

Жамоатчилик кенгашларининг ташкил этилиши ижобий характерга эга бўлиб, олий таълим муассасаларининг ўқув, тарбиявий, маънавий-маърифий соҳаларида ҳар қандай масалани маслаҳатли ҳал қилишда, коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олишда, соғлом муҳитни яратишда муҳим ишларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май куни «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосланилиб, ОТМларда Жамоатчилик Кенгаши томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича ички дастур ишлаб чиқилди, коррупцияга

олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай хизматларни рақамлаштириш муҳимлиги бўйича тарғибот ишлари олиб борилди ва мазкур иш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Олий таълим муассасаларида Жамоатчилик Кенгашининг коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссияси ташкил этилиб, унинг вазифалари белгиланди.

Олий таълим муассасаларида Жамоатчилик Кенгашининг коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссияси фаолият юритмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга ва халқига қилган Мурожаатномасида жамоатчилик назорати, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шарт ҳисобланиши бунга эътибор берган ҳолда, таклиф ва тавсиялар кўрсатиши бежиз эмас. Зеро, жамоатчилик назорати бўлмаган ёки жамоатчилик назорати етарли даражада кучга эга бўлмаган мамлакатда фуқаролик жамияти шаклланишини ҳам тасаввур қилиш қийин. Жамоатчилик назоратини ташкил қилиш масалалари ҳақида тушунча ҳосил қилишдан аввал «жамоатчилик назорати» тушунчасини унга турдош тушунчалари билан умумий жиҳатлари ва тафовутларини аниқлаб олиш лозим.

Ҳозирги кунда қонунчилик ва оммавий ахборот воситаларида – жамоатчилик назорати, ижтимоий назорат, фуқаролик назорати каби атамалар ишлатилмоқда. Мазкур атамалар кўпинча синоним сифатида баъзан ноўрин қўлланмоқда. Фуқаролик назоратини ҳеч бир жамоат бирлашмасига аъзо бўлмаган фуқаро ҳам амалга ошириши мумкин. Жамоатчилик назоратини эса алоҳида фуқаролар эмас, жамоат бирлашмалари ва уларнинг вакиллари амалга оширади.

Жамоатчилик назоратида – бу жараёнга эмас, кўпроқ натижага эътибор, бу натижа қонун устуворлигини таъминланган ҳолда амалга оширилиши даркор[1].

Жамоатчилик назорати – жамоат назорати ривожланган фуқаролик жамияти кўрсаткичи сифатида демократик ва ҳуқуқий давлатнинг зарурий хусусияти бўлиб, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳодиса сифатида фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини мустақил ҳимоя қилишига қаратилган фаолиятдир.

Жамоатчилик назоратининг субъекти: маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар, партиялар ва бошқа жамоат ташкилотларидан иборатдир. Жамоат ташкилотлари жамоатчилик назоратини амалга оширишда халқ ва давлат ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида «барча давлат органлари қошида фаолият олиб борадиган жамоатчилик кенгашлари ташкил этишни таклиф қиламан. Мазкур жамоатчилик кенгашлари давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлайдиган, уларни аҳоли билан бевосита боғлайдиган кўприк вазифасини бажариши лозим» [2],-дедилар.

Давлат раҳбари барча давлат органлари қошида фаолият олиб борадиган жамоатчилик кенгашлари ташкил этишни таклиф этар экан, ушбу таклиф нафақат янгича ёндашув, балки демократлаштириш жараёнлари замонавий тажрибасидан келиб чиқмоқда.

Дарҳақиқат, Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги Низомда барча даражадаги давлат органлари, айниқса, олий таълим муассасалари қошида жамоатчилик кенгашларининг ташкил этилиши олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган жамоатчилик кенгашларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилаб берди[3]:

Таълим сифати, профессор-ўқитувчиларнинг билими ва педагогик маҳорати, талабаларга яратилган шарт-шароитлар устидан тизимли равишда мониторинг ўрнатиш;

Олий таълим муассасаларига профессор-ўқитувчилар таркибига ишга қабул қилинаётган номзодлар бўйича тавсиялар бериш;

Талабаларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, уларнинг педагог кадрлар ҳақидаги фикрини тўлиқ ўрганиш мақсадида ижтимоий сўровлар ўтказиш;

Олий таълим муассасасидаги таълим жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва муассасанинг тегишли кенгаши муҳокамасига киритиш.

Республикамиздаги олий ўқув юртларида хорижий олий таълим муассасаларидаги каби жамоатчилик кенгашлари самарали ишлай бошласа, муассасанинг автоном ишлаш тамойилини майдонга келтиради, унинг ривожланиши, мутахассисликларни танлаш, ишлаб чиқариш ҳамда фан интеграциясини рўёбга чиқариш имкониятларини оширади.

Профессор-ўқитувчилар билан талабалар ўртасидаги бюрократик омилларни бартараф

этиш, баҳолаш мезонларидаги шаффофликни кучайтириш, талабалар билимини баҳолашда адолатни таъминлаш;

ОТМ кафедралари ва факультетларининг йиллик ҳисоботларини ректорат томонидан кўриб чиқишда жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

ОТМ профессор-ўқитувчиларини ва ходимларини ижтимоий ҳимоялаш ва уларга мукофотлар белгилашда ижтимоий адолат тамойилларига риоя этилиши, мукофотланишда шахснинг ўз хизмат вазифаларини ҳалол ва виждонан бажарилишини, жамоат ишларида, маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирокини ҳисобга олинишини ҳамда ҳаммага бир хил миқдорда мукофот берилишига йўл қўймаслик кабиларни назорат этиш ҳамда тавсиялар бериш;

Олий таълим муассасаларида илмий ва ўқув фаолиятни тизимли ташкил этишда жамоатчилик назоратининг аниқ шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш;

ОТМларда жамоатчилик кенгашлари фаолиятида инновацион технологияларни жорий этиш уларнинг ишларида катта самара беради, ошкоралик, шаффофлик таъминланиши билан бирга ҳар бир талаба ва профессор-ўқитувчиларнинг назорати кучайиши;

Ички инспекция билан ҳамкорликда кафедраларда профессор-ўқитувчилар томонидан ўзаро дарсга кириш, очиқ ўқув машғулотларини, муаммоли дарсларни ташкил этиш режаларининг талаб даражасида бажарилишини текшириш. Зарурий ҳолларда тегишли мутахассислар иштирокида ишчи гуруҳлар тузиб, ўқув машғулотлари сифатини ўрганиш, тавсиялар бериш;

Жамоатчилик назоратини амалга оширишни самарали ташкил этиш учун давлат, нодавлат ташкилотлари ҳамда олий таълим муассасаларининг ижтимоий ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш орқали ижтимоий интеграциялашув платформасини ишлаб чиқиш;

Жамоатчилик назоратини илмий-назарий таҳлил этилиши ҳамда замонавий йўналишлари тадқиқ қилинишини олий таълим муассасаларида ҳам кенг ўрганиш ва мақсадли дастурий баъзани яратиш;

Жамоатчилик назоратининг шакллари:

Давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар, давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш;

Жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторингини амалга ошириш;

Жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш.

Ўзбекистон Республикасининг Жамоатчилик назорати тўғрисидаги Қонуни 2018 йил 12 апрелда қабул қилинди[4] Жамоатчилик назорати тўғрисидаги Қонуннинг мақсади давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонуннинг 5-моддасида Жамоатчилик назоратининг асосий принциплари, 6-моддасида Жамоатчилик назоратининг шакллари аниқ кўрсатилган.

Шунингдек, Жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3837-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги намунавий низомида Жамоатчилик назоратининг асосий принциплари, шакл ва усуллари кўрсатиб ўтилди.

«Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунни қабул қилиниши билан барча ОТМларда жамоатчилик кенгашлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси[5] да Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда Ўзбекистон олий таълим муассасалари ректорлари кенгаши негизида нодавлат нотижорат ташкилот шаклидаги Республика олий таълим кенгаши ташкил этилди. Кенгашнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- профессор-ўқитувчилар, талабалар ўртасида сўровлар ўтказиш, жамоатчилик ва иш берув-

чиларнинг фикрини ўрганиш ҳамда илғор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш орқали олий таълим сифатини ошириш, ўқув дастурларини такомиллаштириш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

- олий таълимни давлат томонидан бошқариш тизими самарадорлигига ва профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароитлар, улар томонидан таълим беришда қўлланилаётган таълим-тарбия усуллари таъсирчанлигига ҳолисона баҳо бериш;

- таълим беришда юқори сифатни таъминлаш юзасидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, бу борада оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш;

- олий таълим муассасалари фаолиятида очиқлик, шаффофлик ва ҳолисликни таъминлаш, коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- таълим тизимида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва педагогларнинг илмий-инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича ишларни мазмунли ва мақсадли ташкил этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Кенгашнинг фаолияти натижалари, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ҳайъат мажлисида йилига камида икки марта Кенгаш аъзолари билан биргаликда кўриб чиқилади, натижаси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинади;

Кенгашга вазифаларини амалга оширишда ҳар томонлама кўмак берадилар, сўралган зарур маълумотларни тақдим этиб бориши белгиланди.

Буни муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий механизми сифатида ҳам кўришимиз мумкин бўлади. Юртбошимизнинг фикрича «Жамоатчилик назорати – бу фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилларидан биридир.

Жамоатчилик назоратининг ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, улар жамоатчилик назорати жамият аъзоларининг манфаатлари ва эҳтиёжларини, ижтимоий гуруҳлар манфаатини мувозанатлаш ва бу манфаатларнинг ўзаро тўқнашувига йўл қўймасликнинг асосий воситаси ҳисобланади; жамиятнинг истак ва интилишларини бирлаштиради ҳамда мувофиқлаштиришнинг усули ҳисобланади; ижтимоий меъёрларнинг бажарилишини кафолатлайди, қонунбузарликларни аниқлаб, уларни қоралашдан, то мажбурий чоралар қўллашни таъминлайди, жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳар қандай жамиятга хос бўлган ваколат бўлиб, унинг асосий институтларидан бири ҳисобланади[6].

Ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари, кенг жамоатчилик назоратининг ижобий ва салбий характерда намоён бўлиши ҳам мумкинлиги эътироф этишадилар.

Ижобий кўринишдаги назорат жамият томонидан у ёки бу ҳатти-ҳаракатни тан олиш, улуғлаш, ташвиқ қилиш тарзида амалга оширилса, иккинчи тарафдан, салбий ҳатти-ҳаракатларни қоралаш, жазолаш кўринишида амалга ошириладиган назорат салбий характерда намоён бўлади[7].

Шу билан бирга ОТМларда Комплаенс назорат тизими ҳам 2020 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6013-сонли Фармонга асосан ташкил этилмоқда. Янги ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг асосий вазифаларидан бири этиб, 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички идоравий назорат тизимларини босқичма-босқич жорий этиш белгиланган бўлиб, Комплаенс назорат тизимини жорий этиш амалга оширилмоқда[8]. Ушбу назорат тизими ҳам Жамоатчилик кенгашлари билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда.

Қорақалпоғистондаги барча ОТМларда Низом асосида Жамоатчилик кенгашлари ташкил этилган.

**Қорақалпоқ давлат университети[9] жамоатчилик** Кенгаши аъзолари томонидан коррупция, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, шунингдек, университет жамоаси ўртасида соғлом таълим муҳитини яратиш бўйича профессор-ўқитувчилар ҳамда

талабалар билан мунтазам учрашувлар ташкил этилиб, улар томонидан зарур тавсиялар берилиб келинмоқда.

Нукус давлат педагогика институти 2021 йил 13 февраль куни Институтда ташкил қилинган «Талабалар Кенгаши»нинг фаолиятини таҳлил қилиш, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича институтининг «Жамоатчилик Кенгаши» ва «Талабалар Кенгаши» аъзолари иштирокида семинар ташкил қилинган. Мазкур семинарда Талабалар Кенгашини талаба-ёшларнинг ҳақиқий суянчига айлантириш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали такомиллаштириб бориш бўйича фикрлар билдирилган. Шу билан бирга, Жамоатчилик Кенгашининг фахрий аъзолари томонидан талаба ёшларга эсдалик учун китоблар совға қилинган.

Тиббиёт институтида «Жамоатчилик кенгаши» томонидан иш режа ишлаб чиқилган ва унга мувофиқ таълим сифатини оширин мақсадида ўқув жараёнига тегишли жараёнларнинг барчасини назоратга олиб, сифат даражаси ўрганилган.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳузурида жамоатчилик кенгаши ушбу Низом асосида ўз фаолиятини юритиб келмоқда.

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалида «Жамоатчилик кенгаши» томонидан ва иш-режага мувофиқ филиалда таълим сифатини ошириш, талаба-ёшларининг ижарада яшаш ва ўларнинг овқатланиши учун шароитларини яхшилаш ишлари, илм-фан, таълим ва ишлаб-чиқаришда ҳамкорлик бўйича ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиалида таҳсил олаётган талабаларга шарт-шароитлар яратиш, уларнинг билимларини объектив баҳолаш мақсадида семестр якунида саволномалар ўтказилиб, натижалари таҳлил қилиниб борилмоқда.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус филиалида ахборот-ресурс маркази ташкил этилган ҳамда талабаларни билим олишлари учун имкониятлар яратилган.

Самарқанд ветеринария медицинаси институти Нукус филиалида «Жамоатчилик кенгаши» томонидан ва иш-режага мувофиқ филиалда таълим сифатини ошириш, ўқув жараёнида давлат ва халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-методик материалларни оммалаштириш бўйича ишлар, филиал талаба-ёшларининг ижарада яшаш ва ўларнинг овқатланиши учун шароитларини яхшилаш ишлари, илм-фан, таълим ва ишлаб-чиқаришда ҳамкорлик, ўларнинг республика иқтисодиётини ривожлантиришдаги самарадорлигини ошириш бўйича ишлар, филиал профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган дарслик ўқув қўлланмалари ва бошқа ўқув методик адабиётларини нашрга тайёрлаш ишлари, профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар мурожаатлари ҳақида ишлар, филиалда маънавий-маърифий, маданий, спорт ва таълим-тарбия ишлари самарадорлигини ошириш бўйича ишлар амалга оширилди.

Навоий давлат кончилик институти ҳам юқорида кўрсатиб ўтилган тегишли Фармон, Қарор ва вазирликлар томонидан қабул қилинган буйруқларни бажариш мақсадида Жамоатчилик кенгашини тузиб, таркибини шакллантириб кенг миқёсда фаолият олиб бормоқдалар.

**Ўзбекистон давлат Консерваторияси Нукус филиалида** Жорий йилнинг 30 октябрь куни ота-оналар мажлиси ташкил қилиниб унда ота-оналарга «Жамоатчилик назорат» бўйича тушинтириш ишлари олиб борилди ва фарзандларининг жамоат жойларида одоб-ақлоқ қоидалари риоя қилиши бўйича семинар-тренинг ташкил қилинди.

2021 йил 10 ноябрь куни таълим сифатини ошириш ва талабаларнинг ҳолисона фикрини ўрганиш мақсадида талабалар ўртасида аналитик сўровнома ўтказилди ва таҳлилий натижалари бўйича таклифлар тайёрланиб филиал директориغا (Илимий Кенгашига) тақдим этилди.

2021 йил 17 ноябрь куни коррупциянинг олдини олиш мақсадида кафедра ва факультет жамоаси аъзолари билан бирма-бир тушунтириш ишлари олиб борилган ва телеграмдаги @ozmknf\_antigor\_bot саҳифаси яратилган[10].

Шундай қилиб, Қорақалпоғистондаги олий таълим муассасаларининг барчасида Жамоатчилик назорати ташкил этилган бўлиб, меъерий-ҳуқуқий хужжатлар билан таъминланган. Шу билан бирга, Қорақалпоғистондаги барча ОТМларда педагог ўқитувчилар ва талабалар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилган. Қонунийликка бўйсуниб, қонун олдида жавобгарлик ҳиссини кучайтириш, умуммиллий ва умуминсоний қадриятларни асраш,

иш жараёнида шаффофликка эришиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, ОТМларда таълим сифатини ошириш бўйича турли маданий-маънавий характерга эга тадбирлар ўтказиш, телеграммда Коррупцияга қарши кураш бўйича институт БОТ каналларини очиш, етим, ота-онасидан биридан айрилган, Кам таъминланган талабаларга ижара ҳақи тўлаб бериш, коррупцияга қарши кураш бўйича педагог ўқитувчилар ва талабалар билан учрашувлар ўтказиш, коррупцияга қарши кураш кунларида тадбирлар ўтказиш, гуруҳ журналларини назорат қилиш, талабалар давоматини назорат қилиш, жамоатчилик кенгаши ва Талабалар кенгаши кўшма семинарларини ташкил этиш, педагог-ўқитувчилар (ПЎ) ва талабалар учун Туристик саёхатлар ташкил қилиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғри бажарилмаганда Интизомий чоралар кўриш, ПЎлар ва талабалар орасида умумий ўқув жараёнига тегишли сўровномалар ўтказиш, коррупцияга қарши кураш бўйича ПЎлар ва талабалар билан учрашувлар ўтказиш, ПЎлар ва талабаларнинг илмий фаолиятини ўрганиш, Ахборот ресурс марказларини китоблар билан таъминлаш, ўқитувчиларнинг дарсларига кириш, мурожаатлар билан ишлаш каби шакл ва усуллардан фойдаланилган.

Резюме:

**Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида ташкил этилган жамоатчилик назорати фаолиятидаги шакл ва усуллар Қорақалпоғистон ҳудудида жойлашган институт ва университетлар мисолида ўрганилди.** Олий таълим муассасаларида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашларининг фаолияти ва улар олиб бораётган тадбирларнинг таълимда шаффофликни таъминлашдаги ролига эътибор қаратилган.

Резюме:

В данной статье исследуются формы и методы деятельности общественного контроля в высших учебных заведениях на примере институтов и вузов, расположенных на территории Каракалпакстана. Особое внимание уделяется деятельности Общественных советов, созданных в высших учебных заведениях, и роли их деятельности в обеспечении прозрачности образования.

Summary:

This article examines the forms and methods of public control in higher educational institutions on the example of institutes and universities located on the territory of Karakalpakstan. Particular attention is paid to the activities of the Public Councils established in higher education institutions and the role of their activities in ensuring the transparency of education.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қаранг.: Холов А.Х. Бошқарув қарорлари қабул қилишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш масалалари. Ж.: Жамият ва бошқарув. 2017 йил, № 2, 47 Б.; Ўша муаллиф. Олий таълим муассасалари тизимида стратегик қарор қабул қилиш ва жамоатчилик назорати. БИММ. Ўқув услубий мажмуа. Т.2021.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 й. 22 декабрь // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти – [www.president.uz](http://www.president.uz).

3. Жамоатчилик кенгаши тўғрисида низом. // Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 28 июлдаги “Олий таълим муассасалари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 670-сонли буйруғи билан тасдиқланган намунавий низом асосида тузилган.

4. Ўзбекистон Республикасининг Жамоатчилик назорати тўғрисидаги ЎРҚ-474-сон Қонуни. Тошкент. 2018 йил 12 апрель.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.<https://lex.uz/>

6. Гончаров В., Ковалева Л. Об институтах общественного контроля органов исполнительной власти в Российской Федерации // Власть. 2009. № 1. – С. 72.

7. Маматов. Ғ. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик назорати ва давлат ахборот сиёсатининг уйғунлиги (Ўзбекистон Республикаси мисолида)/ Сиёсий фан.бўйича фалс.док. илмий дараж.олиш учун ёзилган дисс. –Т.: 2020. –148 б. Б. 109.

8. Бу борада куйидаги икки модел қўлланилади: 1. Компания ва ташкилот фаолиятини фақатгина мавжуд ўрнатилган ички қонун ва қоидаларга мувофиқ ташкил этишга қаратилади. Бунда комплаенс хизматини жорий этилиши минимал қоидалар билан чекланади. 2. Комплаенс назорат тизимининг ташкил этилиши коррупция хавфларни баҳолашда халқаро ташкилотларнинг (Базел банк қўмитасининг тавсиялари, Халқаро комплаенс ассоциацияси) тавсияларига асосланади ва бу моделда комплаенс хизматнинг мақоми, вазифаси, фаолият доираси асосан халқаро стандарт ва тавсияларга асосланади. Мазкур икки моделнинг ўзаро фарқли жиҳати, биринчи моделда комплаенс назорат тизимини ўзида ташкил этаётган компания ёки ташкилот мавжуд қонунлик меъёрлари ёки ўзи ишлаб чиққан ички қоидалар билан тартибга солинади ва жорий этишнинг минимал талаблари билан чекланади. Иккинчи моделда эса фаолиятни ташкил этиш нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро стандартлар ва ташкилотларнинг тавсиялари асосида жорий этилади. Ушбу шаклда ички қонунчилик нормаларида кўзда тутилмаган коррупция хавфларига фаолият мос келадиган қўшимча профилактик қоидаларни жорий этиш мумкин бўлади.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлан Кенгаши жорий архиви. 2021.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлан Кенгаши жорий архиви. 2021.

# ЭТНОГРАФИЯ

## ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНГАН ҚИММАТЛИ АСАР

*(Аҳмадали Асқаровнинг “Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи”  
номли монографияси хақида баъзи фикр-мулоҳазалар)*

**Абдуллаев Улуғбек Сайданович,**  
*Андижон давлат машинасозлик институти  
профессори, тарих фанлари доктори*

**Аннотация:** *Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихини ўрганиш тарих фанидаги мураккаб, айни вақтда кўндан-кўн илмий баҳслар объекти бўлиб келаётган масала ҳисобланади. Шу билан бирга, ушбу илмий муаммони тадқиқ этиш бугунги куннинг ўта долзарб масалаларидан биридир.*

**Калит сўзлар:** *Этнология, этнос, этногенетик жараёнлар, этнография, этниклик, хўжалик-мафаний тиллар, деҳқончилик, чорвачилик.*

**Аннотация:** *Изучение этногенеза и этнической истории узбекского народа является сложной проблемой исторической науки, и в то же время становится предметом многих научных дискуссий. В то же время исследование данной научной проблемы является одним из наиболее актуальных вопросов современности.*

**Ключевые слова:** *Этнология, этнос, этногенетические процессы, этнография, этнос, хозяйственные языки, земледелие, животноводство.*

**Abstract:** *The study of the ethnogenesis and ethnic history of the Uzbek people is a complex issue in the science of history, which at the same time is becoming the object of many scientific debates. At the same time, the research of this scientific problem is one of the most urgent issues of today.*

**Key words:** *Ethnology, ethnos, ethnogenetic processes, ethnography, ethnicity, economic languages, agriculture, animal husbandry.*

Мана бир неча ўн йиллардан бери тадқиқотчилар ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихини ўрганиш билан шуғулланиб келадилар. Бу масалага бағишланган кўплаб мақолалар ва бир қатор китоблар чоп этилган[5.39-68].

Бугунги кунда ушбу масалага бағишлаб турли хажмда ва савияда ёзилган ишларнинг аксариятига мутахассислар ўз муносабатларини билдирдилар. Мазкур мақолада эса яқинда “O’zbekiston” нашриёти томонидан кўп нусхада чоп этилиб, ўқувчиларга тақдим этилган академик Аҳмадали Асқаровнинг “Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи” номли монографияси хақида ушбу сатрлар муаллифининг баъзи фикр-мулоҳазалари баён қилинади.

Аввало шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, А.Асқаров узоқ йиллар давомида халқимизнинг қадимги тарихи, хусусан ўзбек халқининг келиб чиқиши ва давлатчилик тарихини ўрганиш билан мунтазам шуғулланиб келаётган таниқли олимлардан биридир[5.39-68].

А.Асқаровнинг ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихига оид ёзган ишлари бирламчи манбалар ҳамда тарих фанининг барча соҳаларига оид материалларини солиштириш асносида ёзилганлиги билан қимматлидир. Муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек “Тарихий ёзма манбалар, археология, этнография, антропология, лингвистика, топонимика, эпиграфика, нумизматика каби фанлар билан ўзаро алоқада ва узвий боғлиқ бўлиб, уларсиз ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини мукамал ўрганиб бўлмайди”[8.7].

А.Асқаровнинг “Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи” номли монографик тадқиқоти ҳам масалага комплекс ёндашган ҳолда бой манбавий асосга таяниб бажарилган тадқиқотдир. Китобда археологик материаллар билан бирга қадимги Эрон, юнон, Рим, Хитой, араб, форс, қадимги ва ўрта асрларда туркий тилларда ёзилган ва бизнинг давримизгача етиб келган ёзма манбалар таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда академик Я.Ғ.Ғуломов яратиб кетган ўзбек археологияси мактабининг йирик вакили ва давомчиси сифатида А.Асқаров ушбу ишида ўзбек халқининг этногенезига алоқадор деярли барча археологик материаллардан ўз ўрнида ва унумли фойдаланган.

Асарда ўзбек халқи, миллатини бутун тарихий тараққиёт давомидаги шаклланиш жараёни кўрсатиб берилган. Ушбу жараённинг ҳар бир тарихий даврига хос этномаданий ва этносиёсий жиҳатларга, халқимизнинг шаклланишида иштирок этган асосий этник компонентларнинг бу жараёндаги ўрни ва ролига объектив баҳо берилган.

Китобда этнос, этногенетик жараёнлар ва этник жараёнларнинг назарий жиҳатларининг таҳлилига кенг ўрин ажратилади. Этносни шаклланиши билан боғлиқ фандаги қарашлар, чунончи, миллий автохтонизм концепциясининг назарий ва методологик асослари яхши таҳлил қилинган. Шунингдек, асарда миллий автохтонизм концепциясига зид бўлган муаммолар ҳам илмий таҳлилга тортилган ва объектив баҳоси берилган[5.11-27].

А.Асқаров ўзбек этносини шаклланиши ҳақида тўхталиб, “Ўзбек этносининг туб негизи шу заминнинг автохтон сўғдий ва туркий этник қатламларнинг ўзоқ ўтмиш давомида ёнма-ён, бирга қўни-қўшни бўлиб яшаб келганлиги, тарих тақозоси билан улар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, этномаданий алоқалар секин-аста этник жиҳатдан аралашиб ва бир-бирлари билан қоришиб кетиши охир оқибатда янги этнос-ўзбек халқи шаклланган”[5.574] лигини тўғри таъкидлайди.

Асар муаллифи халқларни, жумладан ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихини уч босқичдан – этногенез, этник тарих ва миллат тарихидан иборат деб, ҳисоблаб, бу ҳақда шундай ёзади: “Агар халқларни келиб чиқиши масаласига доир методологик талаблардан келиб чиқадиган бўлсак, биринчидан, этногенез, этник тарих ва миллат тарихининг ҳар бирини алоҳида олганда, уларнинг бошланғич ва якуний нуқталари бор. Шунинг учун этногенез ва этник тарихни ўрганишда тадқиқотчи биринчи навбатда, ўрганаётган халқ этногенезининг қачондан бошланганини аниқлаб олмоғи керак бўлади. Чунки, этнос фақат кишилиқ тараққиётининг маълум бир босқичида пайдо бўлади. Этногенезнинг бошланғич нуқтаси эса этноснинг қадим замонларда яшаган “аждодларига” бориб тақалади”[5.15].

Халқимизнинг ўтмишининг қадимги даврига оид манбалардаги маълумотларга кўра, ўзбек халқининг илк аجدодлари Ўрта Осиёнинг Амударё ва Сирдарё оралиғида ва уларнинг теваарак атрофларида азалдан яшаб келган. Китоб муаллифи бу ҳақида ёзади: “ўзбек халқининг илк аجدодлари икки тил – туркий тиллар туркимидаги қабила ва элатлар (тиек, ху, ди, хун, динлин, турк, қарлук, чигил, қипчоқ, ўғиз, барлос, жалойир, қовчин, арлот ва бошқалар) ва шимолий-шарқий эроний тиллар туркимидаги қабила ва элатлар (сўғдий, хоразмий, баҳтарий, чоч ва паргона ҳамда сак-массагетлар) бўлган. Улар узоқ асрлар давомида бир-бирларига яқин, айнан бир ҳудудда аралашиб, қўни-қўшни ва қуда-анда бўлиб яшаганлар ва уларнинг этник қоришуви жараёнида ўзбек халқи шаклланган”[5.13].

Маълумки, бугунги кунга қадар тадқиқотчилар томонидан ўзбек халқининг этногенезининг бошланғич нуқтаси турли даврлар билан белгилаб келинди. Чунончи, А.Ю. Якубовский 1941 йилда чоп этган “Ўзбек халқининг этногенези масаласи ҳақида” номли асарида ўзбек этногенези Турк хоқонлигидан бошланади [20.6-7], деб ёзган бўлса, кейинчалик С.П.Толстов “... ўзбек халқининг этногенетик жараёни Қанғ давлати ҳудудида бошланган. Қанғ давлатининг таркибида ва у эгаллаб турган минтақаларда ўзбек халқининг илк аجدодлари яшаган, буларнинг этник таркиби ва тили бир хил бўлмаган”[12.303], деб таъкидлаб ўтган эди.

Мархум устоз, академик К.Ш.Шониёзов ҳам бу масала юзасидан ўз даврида фикр билдириб, “... ўзбек халқи этник тарихининг бошланиш даврини миллод бошида эмас, анча олдинроқдан (миллоддан олдинги бир мингинчи йилларнинг охиридан) бошлаш мақсадга мувофиқ дейилса, хато бўлмайди, албатта”[18.30].

Академик А.Асқаров эса ўзбек халқи этногенезини бошланиш вақтини белгилаш масаласига илмий ёндашган ҳолда моддий маданият ва ёзма манбалар таҳлилидан келиб чиқиб, ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуқтаси сўнги бронза давридан бошланди, деган хулосага келади. Бу хулоса билан олим ўзбек халқи этногенезининг бошланғич даврини антик даврдан сўнги бронза давригача қадимийлаштиради.

Айтиб ўтиш керакки, А.Асқаровнинг ўзбек халқининг этногенезини бошланғич даврига оид бундай нуқтаи назари аслида унинг аввалги ишларида ҳам баён қилинган эди[7.71]. Ва хатто,

айрим тадқиқотчилар ушбу нуқтаи назарга эътироз билдириб ҳам улгурдилар[11.267-268].

А.Асқаров ўз ишида ўзбек халқининг туркий илдизларини тарихий таҳлиliga кенг ўрин ажратиб, "... туркийликнинг илдизлари Туронда бронза даврига тегишли"[5.265] эканлиги ҳақидаги қарашларини археологик ва илк ёзма манбалардаги маълумотларга таянган ҳолда асослайди.

Шу жойда айтиб ўтиш керакки, халқимизнинг қадимги тарихига оид илк ёзма манба ҳисобланган Авестодаги маълумотлар муаллиф томонидан биринчи мартаба ўзбек халқи этногенези ва археологик объектлар билан бевосита боғлиқ ҳолда таҳлил ва талқин қилинган. Бу эса албатта эътиборга моликдир.

А.Асқаровнинг таъкидлашича "Авестода Евроосиё даштларининг бронза даврига тегишли чорвадор аҳолиси турлар деб аталган"[5.635]. Унинг фикрича, айнан ушбу турлар ўзбек халқи этногенезининг қадимги чорвадор этник қатламини ташкил қилган. Муаллиф Авесто турларини Ўрта Осиёнинг қадимги этносларидан бири – саклар билан тенглаштиради.

Олим тарихчилар ичида биринчи бўлиб, "Андропова маданияти" соҳибларини туркий тилли этнослар эди, деган ғояни ўртага ташлайди. Таъкидлаш жойизки, бу ғоя ҳозирча фан оламида оммалашганича йўқ. Зеро, Ўрта Осиёнинг қадимги халқларининг тили масаласида тадқиқотчилар орасида ҳозирги кунда бир-бирларини инкор қилувчи фикрлар мавжуд. Фикримизча, бу масалага ойдинлик киритишда антропологик ва археологик материалларни таҳлил қилишнинг ўзи етарли эмас. Бунда албатта ёзма манбалар асқотади. Шунини тўғри тушунган А.Асқаров, Евроосиё даштларининг чорвадор аҳолиси, шунингдек, "Андропова маданияти" соҳибларини хусусан, Ўрта Осиё сакларини бронза даврида туркийда сўзлашганликлари ҳақидаги ўз ғоясини исботлаб беришда қадимги Хитой ёзма манбаларидаги маълумотларга қатъий таянади. Тадқиқотчи хитойшунос олимларнинг асарларига (биринчи галда А.Хўжаев маълумотларига) таяниб[13.12-17; 14.19-31; 15.] "... қадимги Хитой ёзма манбаларига кўра, Шимолий Хитой кичик подшоликларининг шимолий, шимолий-шарқий ва шимолий-ғарбий чегараларида милоддан аввалги III-II минг йилликлар давомида "тиек", "ху", "ди", "хун" номлари остида чорвадор прототурк қабилалар жамоалари яшаган. Улар Хитой иероглифларида даврига қараб турлича талаффуз этилган бўлса-да, уларнинг туркий этносга тегишли эканлиги тарихий ҳақиқатдир"[5.268], деб ёзади.

Китобда антик даврда Ўрта Осиёда кечган этногенетик жараёнлар ёритиб берилар экан, бу даврда этномаданий ҳаётда юз берган туб ўзгаришлар таҳлил қилинади. Маълумки, бу давр миграцион жараёнлар жадал кечган давр ҳисобланади. Бу жараёнларнинг сабаб ва оқибатлари ишда яхши кўрсатилган.

А.Асқаров ўз китобида ўзбек халқининг шаклланиш жараёнини хронологик кетма-кетликда, тизимли равишда таҳлил ва талқин қилар экан, ўзбек этногенези XII асрда яқунланиб, шундан сўнг унинг этник тарихи бошланганлигини қайд этади. "шундай қилиб ҳозирги Ўзбекистон ҳудудлари" ва унинг теваарак атроф ҳудудларида икки ярим минг йил давом этган этногенетик жараёнлар натижасида, яъни сўғдийлар, хоразмийлар, бохтарийлар ва сакларнинг шу заминда бронза давридан бошлаб, улар билан ёнма-ён яшаб келаётган туркийзабон қabila ва қавмлар билан аралашуви, қоришуви натижасида ўзбек халқи XI асрда тўла-тўқис, XII асрда эса узил-кесил шаклланди, дейиш мумкин"[5.447] – деб ёзади.

Маълумки, ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи билан шуғулланган олимлар ўзбек аждодларини алоҳида элат бўлиб шаклланиш даври яъни этногенез жараёнини ниҳоясига етган давр (сана) ҳақида турлича фикр билдирганлар. Биз бу ерда барча олимларни бу борадаги фикрларини таҳлил қилиб ўтирмаймиз. Фақат элшунос, академик К. Шониёзовнинг бу жараён ҳақидаги илмий хулосасини келтириб ўтишни жойиз деб ҳисобладик. Унинг илмий хулосасига кўра; "IX-X асрлар давомида Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларда яшовчи халқлар бир-бирлари билан яқинлашиб, қоришиб борадилар, уларда иқтисодий ва маданий умумийлик ҳосил бўлади. Энг асосийси уларда ўзликни англаш ҳиссиёти кучаяди. Ўзбек аждодлари IX-X асрларда (аниқроғи 840-940 йиллар давомида) алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланадилар"[18.337].

"X аср ўрталарида ўзбек элатининг шаклланиш жараёни иккинчи босқичга ўтди. Бу босқич то XI аср ўрталаригача яъни Қорахонлар давлатининг икки (ғарбий ва шарқий) хонлиқка бўлиниб кетганига қадар давом этади. Мазкур босқичда Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақа-

ларда яшовчи аҳоли этник, иқтисодий ва маданий жиҳатдан бир-бирлари билан яқинлашиб, қоришиб борадилар. Этник, иқтисодий ва маданий тараққиёт яна ҳам ривожланиб, аҳолининг кўпчилиги онгида ўзликни англаш ҳиссиёти кучаяди.

Ўзбек элатининг шаклланиш жараёнининг учинчи босқичи XI асрнинг ўрталаридан то XII асрнинг ўрталаригача давом этган. Мазкур босқич асосан Қорахонийлар давлатининг ғарбий қисмида вужудга келган мустақил давлат доирасида ўтади. Бу даврда (XI-XII аср) элатга хос этник белгиларнинг ривожланиши меъёрига етиб, ўзбек халқининг шаклланиш жараёни ниҳоясига етади”[18.337-338].

Ўзбек аждодларини алоҳида этник бирлик бўлиб шаклланган даври (санаси) тўғрисида ҳар икки академик олим (элшунос К. Шониёзов ва қадимшунос А. Аскарлов) ларнинг илмий ҳулосасини ўзаро қиёслашдан маълум бўладики, уларнинг бу борадаги ҳулосалари бир-биридан кескин фарқ қилмайди. Аксинча, ҳар икки тадқиқотчи ҳам ўзбек аждодларининг алоҳида элат бўлиб тўла шаклланишини яъни этногенез босқичининг тугаш вақтини XI-XII асрлар доирасида белгилайдилар. Бу икки олимнинг ҳулосасини илмий асосланган, деб қабул қилиш мумкин.

Китобда кейинги асрлар давомида Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларда юз берган этносиёсий, этномаданий ва **этнолингвистик** жараёнлар таҳлил қилинади.

А. Аскарлов ўзбек халқининг этник тарихи босқичини ҳам узоқ давом этган этногенетик жараён эканлигини уқтириб, унинг хронологик даврини XII асрдан то XIX аср охири - XX аср бошларигача бўлган давр билан **чегаралайди**. Агар ўзбек халқи тарихига назар ташласак, бу оралик давр давомида ҳам ўлкамиз ҳудудида жуда кўплаб этносиёсий ўзгаришлар юз берганлини кузатамиз. Бу даврда маҳаллий аҳоли турли этносиёсий уюшмалар таркибида яшадилар. Бу даврнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, бу давр давомида шаклланган ўзбек халқининг этник таркиби унга кейин кўшилган этник компонентлар ҳисобига янада бойиди. Таъкидлаш керакки, кейинги даврда кўшилган этник компонентлар “... узил-кесил шаклланган ўзбек этноси таркибини деярли ўзгартириб юборолмади, балки, унинг таркибида этнографик гуруҳлар сифатида узоқ вақтлар яшаб, маълум бир тарихий даврдан сўнг этнос таркибига сингиб кетган”[9.48].

Асарда Чингизхон истилоси ва унинг ўлка ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётидаги аянчли оқибатлари, хусусан маҳаллий аҳоли сонининг кескин камайиб кетиши ҳамда шу билан бирга минтақанинг этник қиёфасидаги ўзгаришлар мавжуд адабиётлар таҳлили асосида яхши ёритиб берилади.

Муаллиф мўғуллар истилоси даврида Ўрта Осиёга кириб келган турк-мўғул қабилаларининг этник хусусиятлари (этник мансублиги, тили, турмуш тарзи) ҳақидаги маълумотларни келтириб ўтади. Хусусан, жалойир, барлос, қовчин ва арлот қабилаларининг катта гуруҳининг бу даврда Ўрта Осиёга кириб келгани ва уларнинг этногенетик ва этнослараро жараёнлардаги иштирокини яхши кўрсатиб берган.

Монографияда Амир Темур ва темурийлар давридаги этник манзара, аниқроғи бу даврда кечган миграцион жараёнлар, мигрантларнинг жойлашуви, этнослараро консолидация ҳолати кўплаб материаллар асосида таҳлил қилинган. Муаллиф ушбу даврда (XIV-XV асрларда) Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларга четдан кўчиб келган этносларни маҳаллий аҳоли билан яқинлашиб бориши, этномаданий алоқалар натижасида қоришиб кетиш жараёнини манбаа ва адабиётлардаги материаллар асосида баён қилган.

Маълумки баъзи тарихчилар (масалан М.М. Эрматов, Р.Р. Агеев) “ўзбек” этнонимини келиб чиқиш масаласида янгича фикрга бориб, “ўзбек” этник номи “уз” ва “аз” этнонимли этнослар номидан келиб чиққан, деб таъкидлаб ўтганлар[19.49; 2].

Академик Аскарлов бу масалага ҳам тўхталиб, “уз” ва “аз” этнонимли этносларнинг этногенези ва этник тарихига оид материалларни беради. Бунда муаллиф бир қатор олимларни, жумладан К.Шониёзовнинг бу этнослар ҳақида маҳсус ёзган мақоласидаги[17.35-38;16.70] фикрларни келтириб ўтади ва “уз” ва “аз” этнонимли этнослар ўзбек халқи этногенезидаги иккита алоҳида туркий этник компонент эканлигини тўғри таъкидлайди[5.469]. Асарда юқорида айтилганлардан ташқари бу даврда (XIV-XV асрларда)ги яна бир қатор этник жамоаларга оид маълумотлар келтирилади.

Ишда муаллиф томонидан ўзбек адабий тилининг шаклланиш жараёни алоҳида таҳлил қилиниб, ўзбек-тожик тиллараро алоқалар ривожини фактик материаллар орқали очиб берилган. Олим элшунос К Шониёзовнинг “Ўзбек адабий ва жонли тили тожик тили билан

яқин алоқалар натижасида ривожланган”[17.39] деган фикрига “Бу тарихий ҳақиқат, тарихий аксиомадир”[5.474] деб баҳо берган.

Умуман, ўзбек халқининг келиб чиқиш масаласи билан шуғулланган олимларнинг ишларини ҳолисона таҳлил қилиш, уларнинг фикрларига нисбатан объектив ва беғараз муносабат билдириш асар муаллифи учун хос хусусиятдир.

Тарихдан маълумки, XVI аср бошларида Дашти Қипчоқ чорвадор кўчманчи ўзбеклари Шайбонийхон етакчилигида Мовароуннаҳр сарҳадларга кўшин тортиб келиб, сиёсий ҳокимиятни кўлга оладилар. “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» номли китобда муаллиф Дашти Қипчоқда кечган сиёсий воқеалар тарихита, бу ҳудуднинг этник қиёфасига таъриф бериб, кўчманчи чорвадор ўзбекларнинг қабила ва уруғлари ҳақида маълумотлар келтиради.

Мовароуннаҳрга келган уруғ-қабилалар сони ва уларнинг этник таркиби ҳақида ишда бир қатор маълумотлар келтирилган. XVI аср бошларида Мовароуннаҳр ҳудудларига келган Дашти Қипчоқ қабилаларининг сони маҳаллий туркийзабон этносларникидан анча кам бўлган бўлиб, тахминан умумий сони 24-26 қабиладан ошмаган. “Таворихи гузида, нусратнома” асарининг муаллифи ўз асарида уларнинг номма-ном келтирган. Булар: қушчи, найман, уйғур, қурловут, гирайли, қиёт, қўнғирот, тангут, эчки, дўрмон, ёбоқу, хитой, чимбой, шунқорли, шодбоқли, ийжон, қавчин, манғит, журғун, минг, бачқирд (бошқирд), можор, солур, қозон, эчки, байри[5.378].

Академик К. Шониёзов бу масалада фикр билдириб, Дашти Қипчоқдан Мовароуннаҳрга кўчиб келган этносларнинг ҳаммаси ҳам кўпсонли бўлмаганлигини улар ичида қипчоқ, сорой, қўнғирот, юз, найман, манғит, китой (хитой)лар нисбатан йирик этник гуруҳлар эканлигини таъкидлаб ўтган эди[18.414].

А. Асқаров ҳам ўз ишида бу ҳақда шунлай ёзади: “Таъкидлаш жоизки, анъанага кўра жангга отлаган турк, мўғул чавондози ўзи билан оила ва уруғ аймақларини бирга олиб юрган. Шайбонийхон Мовароуннаҳрга кўшин тортиб келганда, унинг армиясида 92 қавм чавондозлари хизмат қилган. Демак, ҳар бир қавмни минг оиладан иборат десак, ҳар бир оила ўртача 6-7 кишидан иборат бўлса, у ҳолда, XVI аср бошларидаги Шайбонийхоннинг ҳарбий юришлари муносабати билан камида 500-600 минг Дашти Қипчоқ ўзбеклари Мовароуннаҳр ва Хоразмга кириб келган”[5.499].

Яна бир таъкид, Дашти Қипчоқдан Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудига кўчманчи чорвадор ўзбек уруғлари бир вақтда кўчиб келмаганлар. Улар Шайбонийхон босқинидан олдин, у билан бирга ва кейинги даврларда ҳам бу ҳудудга кўчиб келганлар. Масалан, шоир ва олим Махмуд ибн Валининг “Баҳр-ул-асрор” номли асарида кўрсатилишича, XVII асрга келиб, Мовароуннаҳр ҳудудида Дашти Қипчоқ ўзбекларининг 50 дан ортиқ уруғ-қабилалари яшаган. Муаллиф ушбу асарида бу юртга кейинроқ келган буйрак, қирк, қурама, дуғдоқ, юз, келачи, ўзз, қулон, аёнлик, кўка араб, кўш аёк, уйрот, булоччи (булғочи), макрит, фуловчи, шабоят, месит каби уруғ-қабилаларини номини келтириб ўтади[5.378].

Кейинги йилларда кўчиб келганларни ҳаммасини ҳам янги этник жамоалар эди деб ҳисоблаш тўғри эмас. Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудига Дашти Қипчоқдан кейин келиб жойлашганларнинг аксарияти аслида аввалги келганларнинг қабиладошлари эди.

Албатта, XVI асрда ва ундан кейин Дашти Қипчоқдан Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудларига кўчиб келиб жойлашганлар нафақат маҳаллий аҳоли сонини кўпайтирди, балки унинг этник таркибини ҳам ранг-баранг бўлишига олиб келган. Натижада бу ҳудудда этнослараро жараёнлар, хусусан, бир томондан Дашти Қипчоқдан кўчиб келган ўзбек уруғлари ўртасидаги, иккинчи томондан улар билан маҳаллий туркийзабон этнослар ўртасидаги яқинлашув жараёни анча жадаллашади. Тарихий тараққиётнинг кейинги даврларида ўзбек халқининг шаклланиш жараёни мавжуд этник гуруҳларни ўзаро яқинлашуви (интеграция), айримларини этник жиҳатидан бирикиши (консолидация) ва хатто кейинроқ этнографик гуруҳларни қоришув (ассимиляция) ҳолати ривожланиб борди. А. Асқаровнинг ушбу асарида бу жараёнлар бир қатор этник жамоалар мисолида кўрсатилган.

Тадқиқотнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шуки, ишнинг алоҳида бобларида ўзбек миллатининг таркиб топиш жараёни ҳамда ўзбек миллий менталитетига хос жиҳатлар атрофлича, бугунги кун руҳи ва талабларидан келиб чиқиб ёритиб берилган.

А. Асқаров ўзбек халқининг миллат тарихи XIX - аср охири - XX асрнинг бошларидан бошланади, деб ҳисоблайди ва унинг таркиб топиш жараёнини фактик материаллар билан

асослайди. Муаллиф “миллат” тушунчасига таъриф бериб, унинг таркиб топишида шарт бўлган талабларни бирма-бир кўрсатиб ўтади. Муаллиф ёзади: “Демак, миллатнинг шаклланиши этногенетик жараён каби узоқ давом этадиган тарихий воқеалик бўлиб, миллат этник тарихнинг энг юқори юксак чўққиси, камолот босқичи, биринчидан, бу босқичга кўтарилган халқнинг давлати миллат номи билан юритилади; иккинчидан, миллат номи билан юритилган давлат чегаралари қатъий дахлсиз, жаҳон жамоатчилиқ ташкилотлари томонидан тан олинади; учинчидан, аниқ худудий чегарада муомалада бўлган умуммиллат тили давлат тили мақоми даражасига кўтарилади; тўртинчидан, аҳолининг ўзликни англаш даражаси фуқароларнинг ҳаёт мазмунига кундалиқ турмуш тарзига айланади; бешинчидан, миллатга ҳос миллий менталитет шаклланади; олтинчидан, давлат жамиятнинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини бошқарувчи қудратли орган сифатида намоён бўлиб, кучли давлатдан адолатли жамият хизматчисига миллат талаби ва ҳошиш-иродасини бошқарувчи онгли механизмига айланади”[5.540-541]. А. Асқаров бу борадаги фикрини давом эттириб, “Ҳозирги замон ўзбек адабий тилига давлат тили мақомини берилиши ўзбек миллатининг мустақил ҳаёт сари қўйган биринчи дадил қадами бўлди. Бу қадам ўзбек миллати тарихида ошқоралиқ ва демократия учун кураш амалий ҳаёт билан боғланиб кетган дамларда қўйилди. Мустақиллик тамойилларининг сиёсий ва мафкуравий тамал тошларини қўйиш эса ўзбек миллати тарихида 1991 йил 31 августдан бошланди. Мустақил Ўзбекистон давлати ўзбек миллатини узил-кесил шаклланишининг бош омили сифатида жаҳон харитасида пайдо бўлди”[5.541], деб таъкидлайди.

Китоб муаллифи ўзбек миллий менталитети ҳақида тўхталиб, у ўзбек халқининг ўзига шаклланиш жараёни билан бевосита боғлиқ эканлигини ҳамда бир қатор хусусиятлар касб қилишини уқтиради. А. Асқаровнинг ёзишича, ўзбек миллий менталитети узоқ тарихий тараққиёт давомида куйдаги 5 та йирик мафкуравий босқични босиб ўтган. Буларнинг биринчиси зардуштийлик диний қараш, иккинчиси буддавийлик диний қараш, учинчиси ислом дини ва унинг ахлоқи, тўртинчиси “... ўзбек миллий менталитетига, унинг бетақрор фазилатларига соя солиб келган” атеистик эътиқод ва бешинчиси эса миллий истиқлол ғояси, мустақиллик мафкураси ҳисобланади.

Китобда юқорида кўрсатиб ўтилган бешта мафкуравий мансублик доирасида ўзбек миллий менталитетига ҳос қўплаб фазилатлар, чунончи, ўзбек халқини этник жиҳатдан кўп тармоқли ва серилдизлигини, унинг туркий илдизи билан боғлиқлиги, жамият ҳаёти, инсон турмуш тарзи кўпроқ анъана ва урф-одатлар орқали бошқарилишини ва бошқа шу каби жиҳатлар таҳлил ва тавсиф қилинган[5.543-555].

Асқаровнинг ушбу “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи” номли асарининг сўнгги бобида мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган туб ислохотлар, бунинг натижасида эришилган ютуқлар ўзбек халқининг узил-кесил шаклланишида бош омиқ эканлигини асословчи илмий таҳлил берилган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи ҳақида бугунги кунга қадар қўплаб қалам соҳиблари ўз ишларини эълон қилганлар. Ушбу ишларнинг ҳаммасини, бирламчи манбаларни чуқур таҳлили асосида ёзилган, деб айтиб бўлмайди. Айниқса, ўз мутахассислиги бўйича тарихчи бўлмаган, илмийликка асосланган тарихий жараёни ҳолисона ва объектив ёритиш, тарихий воқеа ва ҳодисаларни тўғри таҳлил этиш қобилияти йўқ, қолаверса халқнинг этногенези, этник тарихи ва умуман этнос муаммосининг илмий-назарий ҳамда методологик принципларидан беҳабар кишилар томонидан тайёрланган ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига оид рисола ва мақолаларни ўқувчига хавола қилинаётганлиги ачинарли ҳолдир. Албатта, бу каби “тадқиқотлар” ўз вақтида мутахассисларнинг ҳақли эътирозига учрамоқда[10.74-85]. Академик олим А.Асқаровнинг “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи” номли ушбу асари эса бундай “тадқиқотлар” да ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихига оид билдирилган ноҳолис ва ғайриилмий қарашлар ҳамда фикр-мулоҳазаларга нисбатан берилган муносиб жавобдир. Зеро, муаллиф таъкидлаганидек “Масала туб моҳиятини тушунмай мураккаб муаммога қўл уруш миллат шаънига доғ туширади”[5.68].

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, А. Асқаровнинг ушбу ва олдин ёзган ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихига оид ишларида билдирилган қатор фикр-мулоҳазалари илмий доираларда баҳсли бўлиб қолмоқда. Масалан, ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуқтаси бронза давридан бошланиши, “Андронova маданияти” номи остидаги қабилаларнинг туркий

тилда сўзлашганлиги хақидаги фикрлар шулар жумласидандир. Бундай эътирозлар хақида муаллифнинг ўзи ёзади: “Яхши биламизки, фан оламига кириб келган хар бир янгилик ва улар асосида туғилган янгича қарашлар, айниқса, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида, кўпчилик томонидан тан олиниб, фанда ўз ўрнини топмагунча турли кўринишдаги қаршилиқлар ва эътирозларга учраб туради. Шу боис, ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуқтаси юзасидан биз ўртага ташлаган масалага евроцентриқ қарашлар таъсирида бўлган олимларнинг асоссиз шубҳалари бўлиши табиий”[5.67].

Яна бир мулоҳаза, А. Аскаронинг ушбу “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи” номли асари нафақат ўрганилаётган илмий муаммо - ўзбек хақининг этногенези, этник тарихи ва миллат бўлиб қарор топиш жараёни билан боғлиқ кўплаб масалаларни илмий ечимини топишга бағишланган муҳим тадқиқот ҳисобланади, балки, китоб хажм жиҳатидан ҳам салмоқли (670 бетдан иборат) асардир. Бундай кўп қиррали ва салмоқли асар хақида бир мақола доирасида унда кўтарилган барча масалаларни тубдан, батафсил таҳлил қилиб бериш анча мушкул вазифадир. Шу боис, мазкур сатрлар муаллифи ушбу асар юзасидан ўзининг баъзи фикр мулоҳазаларинигина билдирган, деб ҳисоблаш тўғри бўлади. Зеро, бу асар хақида ҳали кўплаб мутахассислар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларига шубҳа йўқ.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Шарқ”, 1998.
2. Агеев Р.А. Страны и народы. Происхождение названий. М., 1990.
3. Асқаров А. Ўзбеклар қандай келиб чиққан? “Фан ва турмуш”, 1985 й. 2,3,4-сонлар.
4. Асқаров А. некоторые аспекты изучения этногенеза и этнической история населения Средней Азии. Т., 1986.
5. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Т., “O'zbekiston”, 2015.
6. Асқаров А. Ўрта Осиё қадимги дунёсининг асосий хусусиятлари. // Ўзбекистон ижтимоий фанлар. № 6 1994.
7. Асқаров А. Мустақиллик йилларида тарих, археология ва этнология. // Ўзбекистон ижтимоий фанлар. № 6 1996.
8. Асқаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик масалалари. // “Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих” мавзусидаги республика илмий-назарий семинар материаллари. Тошкент, 2004
9. Асқаров А. А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши масаласида баъзи бир мулоҳазалар. // Ўзбек этнологиясининг долзарб муаммолари. Тошкент-Наманган, 2007.
10. Камолитдин Ш.С. Несколько замечаний об этническом атласе Узбекистана. // Ўзбекистон тарихи. 2004. № 1.
11. Сагдуллаев А.С. Проблема инноваций в учебном процессе (на примере изучения этногенеза и этнической истории). // Ўзбекистон тарихи фанидаги инновациялар. Т., 2012.
12. Толстов С.П. Основные проблемы этногенеза народов Средней Азии. // СЭ. № VI-VII. 1947.
13. Хужаев А. О самой ранней китайской транскрипции этнонима тюрк. // Актуальные проблемы китаеведения: вопросы филологии, политики, экономика и философии. Т., 2006.
14. Хужаев А. Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских источников). Т., 2010.
15. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар. “Фарғона нашриёти”, 2013.
16. Шаниязов К.Ш. Узы (из истории родоплеменных делений узбеков). // ОНУ. Ташкент. 1970.
17. Шониёзов К. Ш. “Уз” ва “аз” этнонимлари хақида баъзи бир мулоҳазалар. // Турон тарихи. Тошкент. 1994.
18. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т., “Шарқ”, 2001.
19. Эрматов М.М. К вопросу о происхождении названия «узбек». // Учёные записки Ташгоспединститута имени Низами. 1964.
20. Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенеза узбекского народа. Т., 1941.

## ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ АҲОЛИ ЭТНОМАДАНИЯТИДАГИ ЎРНИ

**Очил Бўриев,**  
*Қарши давлат университети профессори,  
тарих фанлари номзоди*  
**Очилова Ҳолида,**  
*Қарши давлат университети тадқиқотчиси*

Жаннатмакон Ўзбекистоннинг жаҳонга танитадиган тарихий-меъморий ёдгорликлари анча бисёр. Юримиз шу жиҳати билан ҳар қандай сайёҳни ҳам ўзига жалб этмоқда. Бу заминдан ўтган буюк зотлар бутун ислом оламида ҳам машҳур бўлиб, улуғ муҳаддислар, фақиҳ уламолар, тариқат пирлари, шоиру адиблари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, албатта.

“Очиқ осмон остидаги музейлар” сифатида эътироф этилган Хива, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз каби доврўғи жаҳонга машҳур бўлган шаҳарларга ташриф буюрувчиларнинг сони тобора ошиб бормоқдаки, бу зиёрат ва ички туризмни янада ривожлантиришни кун тартиби кўймоқда.

Ўзбекистондаги зиёратгоҳларни салмоғи жиҳатидан куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: 1. Мусулмон оламида машҳур ва кўплаб мамлакатлардан зиёратчилар ташриф буюрадиган масканлар. 2. Бир вилоят ёки минтақа атрофида маълум бўлган ва фақат маҳаллий аҳоли зиёрат учун борадиган жойлар. 3. Фақат бир касб ёки фаолиятига (косиблар, хунармандлар, қурувчилар, чавандозлар ва бошқалар) мансуб вакиллар зиёрат қиладиган жойлар. 4. Янги ташкил этилган ва аҳоли ўртасида хали оммалашиб улгурмаган масканлар. 5. Табиатнинг маълум қонуниятлари асосида пайдо бўлган элемент ва бирликларнинг маҳаллий аҳоли томонидан муқаддаслаштирилиши натижасида вужудга келган муқаддас жойлар (сув манбаи (кудук, ҳовуз, шаршара, булоқ ёки чашма), дарахт, тош, ғор ва бошқалар). 6. Тарихий шахслар томонидан қурилиб, маълум вақт ўтгач аҳоли ўртасида оммавийлашган ва муқаддаслашишига улгурган мусулмон меъморий ёдгорликлари: мавзолей, хонақоҳ, масжид, мадраса, машҳур кишининг қабри ва шу қабилар.

Ўзбекистонда маданий меросимизнинг муштарак қиёфаси ҳисобланадиган зиёратгоҳ ва қадамжоларни авайлаб сақлаш тўғрисида бир қатор ҳуқуқий-меъорий ҳужжатлар қабул қилинган. Бош Қомусимизнинг 49-моддасида муҳрланганидек: “Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий маданий ва маънавий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар, . Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир” [1:17].

Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 15 февралдаги “Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги қарор, Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6165 –сонли “Ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу соҳадаги вазифаларни янада қамровдор амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 8208 та ёдгорлик давлат муҳофазасига олинган бўлиб, шундан 2225 таси меъморчилик, 4748 таси археология ёдгорликлари, 678 таси маҳобатли санъат (монументал) ёдгорликлар, 532 таси диққатга сазовор жойлардир. Тўрт мингдан зиёд моддий-маданий ёдгорликлар эса ЮНЕСКО рўйхатига олинган [2:82].

Муқаддас динимизнинг асосий манбаси Қуръони карим илк бор ўзбек тилида Шайх Алоуддин Мансур (1991) ва Шайх Абдулазиз Мансур томонидан (2001) нашр этилди. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари эса 2011 йилда мазкур муқаддас китобнинг маънолар таржимасини тайёрлади. 2018 йил 3 январдан “Hilol Nashr” босмаҳонасида Қуръони каримни чоп этиш бошланди.

2017 йил 19 сентябрда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида янграган “маърифат ва диний бағрикенглик” ғояси остида Тошкентдаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий халқаро илмий тадқиқот марказлари ташкил этилди. Ҳадисшунослик, калом илми, ислом ҳуқуқи мактаби, тасаввуф, ақида илмлари мактаблари самарали фаолият юритмоқда. Кейинги йилларда Абдуллохлиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотуридий каби буюк алломаларимизнинг таваллудлари кенг нишонланди. Халқаро Амир Темур жамоат фонди самарали фаолият юритмоқда. Халқаро Алишер Навоий фонди яқинда иш бошлади.

Энг аввало “зиёрат” ва “қадамжо” ибораларининг мазмун моҳиятига тўхталсак.

**“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”**да қайд этилганидек, **“Зиёрат”** (араб тилидан ташриф, табаррук жойларга сафар қилиш) – муқаддас жойларга, мазор ва қабристонларга бориб туриш.

Зиёратгоҳ – зиёрат қилинадиган муқаддас жой, 1) Зиёрат қилинадиган муқаддас жой, табаррук қадамжо (азиз авлиёларнинг мақбараси ёки туғилган, яшаган жойи). 2) кишилар кўп борадиган мўътабар жой.

Зиёратхона – зиёратгоҳда зиёратчиларнинг тавоф қиладиган хонаси.

Зиёратчи – муқаддас жойларга зиёратга борган ёки борувчи киши [3:148].

Қадамжо(й) – араб тилидан авлиёлар қадами теккан жой. 1) Зиёрат қилиш учун бориладиган муқаддас жой, зиёратгоҳ. 2) кўриниш, бирор нарса ўрганиш, нарса олиш учун бориладиган серфайз ёки азиз жой. Шунингдек, баъзан кам ҳолларда қадамгоҳ яъни авлиёлар қадами изларини англатувчи ибора ҳам қўлланилади [4: 203-204].

Мўътабар жойлар, қадамжолар – диндорлар муқаддас деб ҳисоблаган ва зиёрат қилинадиган жойлар. Булар – пайғамбарлар, шайх, эшон, авлиёлар номлари билан боғлиқ деб ҳисобланган ва зиёратгоҳга айланиб кетган мақбара, булоқ, дарахт ёки тепаликлар, ғор ҳамда бошқалардир [5:173].

Қашқадарё вилоят маданий мерос бошқармаси ҳисобидаги 2021 йилда кадастр ҳужжатлари топширилган тарихий объектлар рўйхатига кўра, вилоятда жами 1468 та объект мавжуд бўлиб, шундан 1189 та археологик, 208 та меъморий, 43 та ҳайкалтарошлик, 28 та диққатга сазовор жойлар ҳисобланади (Қашқадарё вилоят маданий мерос бошқармаси маълумоти). Вилоятда 216 та республика, маҳаллий аҳамиятга 678 та ёдгорлик жойлашган. 18 та маданий мерос объекти “Умуминсоний қадриятлар рўйхати”га киритилган. Айни вақтда вилоятда 184 та масжид ва 1134 та қабристон мавжуд.

Вилоятдаги асосий маданий мерос объектларидан қуйидагилар рўйхатга олинган. Хўжаипок ота мақбараси (XVII аср, Дехқонобод тумани), Лангар ота мақбараси (XV аср, Қамаш тумани), Абул Муъин ан-Насафий ёдгорлиги мажмуаси (X-XI асрлар, Қарши тумани), Хусам шайх ота ёдгорлик мажмуаси (X-XI асрлар Косон тумани), Ҳазрати Башир мақбараси (XVII аср Китоб тумани), Исҳоқ ота мақбараси (XIV аср Миршикор тумани), Абдуллох Марвазий мақбараси (XIV аср Муборак тумани), Султон Мир Ҳайдар ёдгорлик мажмуаси (XIV аср Касби тумани), Катта сардоба (XIV аср Касби тумани), Катта Лангар ота мақбараси (VI-VIII асрлар Чирокчи тумани), Кичик Лангар ота мақбараси (X-XII асрлар Чирокчи тумани), Хўжа Испорас масжиди (Оқ сув зиёратгоҳи) (1900 йил Шаҳрисабз тумани), Кўкғумбаз масжиди (XVI аср Қарши шаҳри), Одина масжиди (XIV аср Қарши шаҳри), Қарши сардобаси (XVI аср Қарши шаҳри), Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ ёдгорлик мажмуаси (XIV аср Қарши шаҳри), Қашқадарё кўприги (XIV-XVI асрлар Қарши шаҳри), Амир Темур ер ости даҳмаси (1380-1404 йиллар), Оксарой мажмуаси (XIV аср Шаҳрисабз шаҳри), Шайх Шамсиддин Кулол мақбараси (XIV аср Шаҳрисабз шаҳри) (Бу ҳақда қаранг: Қашқадарё вилояти паспорти . Қарши, 2020).

Мазкур обидалар маҳаллий аҳоли доимий равишда зиёрат учун борадиган муқаддас қадамжолар руҳий покланиш ҳамда маънавий юксалиш масканлари ҳисобланади. Шу муносабат муқаддас зиёратгоҳлар тарихини чуқур билиш ва ушбу қадамжоларнинг тарбиявий-маънавий салоҳиятини янада ошириш давр талабига айланди. Шу боисдан ҳам Қашқадарё воҳаси муқаддас зиёратгоҳлари тарихини ўрганиш бу зиёратгоҳларнинг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини комплекс илмий тадқиқ этиш ниҳоятда долзарб бўлиб турибди.

Вилоятдаги тарихий-меъморий ёдгорликлар маҳаллий бюджет ва аҳоли хайрия ёрдами билан таъмирланган. Лекин, Косон туманидаги Хусам ота, Касби туманидаги Султон Мир Ҳайдар ота мажмуалари ва воҳадага бошқа таъмирталаб йирик ёдгорликларни ҳукумат

микёсида махсус қарорлар асосида барча зарур маблағларни йўналтиган ҳолда комплекс ва замонавий таъмирлаш лозим.

Муқаддас жойларнинг ижтимоий ва меъморий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда қуйидагича таснифлаш мумкин:

- ўзининг бой ва мукаммал меъморий услубига кўра бутун мусулмон оламига таниш бўлган ва дунёнинг турли ўлкаларидан зиёратчилар ташриф буюрадиган муқаддас жойлар;
- ҳудуд ва вилоятда маълум ва машҳур бўлган зиёратгоҳларнинг меъморчилиги оддий ва анъанавий маҳаллий услубда қурилганлиги билан ажралиб туриб, бу жойларга, асосан, шу ерда истиқомат қилувчи маҳаллий аҳоли ташриф буюришади;
- фақат бир соҳа ёки касбга оид кишилар келадиган зиёратгоҳларнинг меъморий ёдгорликлари жуда ҳам оддий қурилган бўлиб, улар асосан қабртошлари, чиллаҳоналар ёки ҳом ғишт (лойдан ясалади) ёки паҳса девордан қилинган пасткам иморатлардан иборат бўлади;
- фетишизм ва тотемизм элементлари билан боғлиқ жойлар турли шаклдаги тошлар, дарахтлар, булоқ ва сув манбалари, тепаликлар, ғорлар ва бошқалардан ташкил топган;
- юртимиз истиқлолидан сўнг янги пайдо бўлаётган зиёратгоҳ жойлар ханузгача аҳоли орасида тўла муқаддаслашиб улгурмаган.

Воҳадаги зиёратгоҳларнинг шаклланиши қадим даврлардан бошланиб, ўрта асрларда ҳам бу жараён давом этган. Зиёратгоҳлар билан боғлиқ анъаналар давр ўтиши билан трансформацияга, яъни ўзгаришларга учраб турган.

Зиёратгоҳлар асосан, IX-XII асрларда Қашқадарё воҳасида кўплаб бунёд этилган бўлиб, авлиё ва саҳобаларнинг номи билан боғлиқ мақбаралар асосан археологик жиҳатдан илмий таҳлил этилган.

Зиёратгоҳларни бориб тавоф қилиш ниҳоятда савобли ҳисобланиб, у ерда ўз ниятларини фақатгина Аллоҳдан сўраш жоиздир. Қадамжоларни қадрлаш, майитлар ҳақиқа дуо-фотиҳа қилиш савобли амаллардандир. Қабристон зиёрати инсонга охиратни эслатади, уларни кибрланиб ердан оёғи узилиб кетишига асло йўл қўймайди. У ерга инсон чин ихлос билан борса, яхши ниятларига етади, албатта. Аллоҳ йўлига эҳсон қилса, содир бўладиган тури бало – қазолар даф этилади. Кишилар зиёратгоҳларга бориб руҳан енгил бўладилар, шу ерда ётган алломою авлиёларнинг руҳидан мамад оладилар ҳамда улар билан фахрланадилар [6:80].

Зиёратгоҳларда фаолият юритаётган мутасаддиларнинг ислом тарихидан яқиндан хабардор бўлиши, диний мадраса, масжид билан бевосита боғланган ҳолда мукаммал, ҳолисона диний билимларни ўзлаштириши долзарб масаладир. Чунки кадамжо ҳақида фикр юритаётган ҳар бир киши миллат маърифати, давлат таянчи ва у билан инсон омилини тушуниши ва ҳар бир кадамжого ҳолисона нуқтаи назардан қараши лозим.

Воҳадаги азиз авлиёлар, уламою алломаларнинг қабрларини зиёрат қилиш ҳам фарз, ҳам қарз эканлиги аҳоли, жумладан ёшлар онгига сингдирилиб, уларнинг диний-маънавий меросига нисбатан соғлом дунёқарашини шакллантиришда ҳолисона бағрикенглик ғояларини тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини тарихий ва ҳаётий мисоллар давомида очиб берилиши лозим.

Хуллас, мамлакатимизда, жумладан Қашқадарё воҳасидаги этнографик объектлар ҳисобланадиган муқаддас зиёратгоҳлар, қадамжолар, мақбаралар ҳам диний, ҳам миллий қадриятлардан саналганлиги сабабли уларнинг диний-маърифий ва илмий-маънавий хулосаларга асосланган тарихи ва этнографиясини теран ўрганиш лозим. Зиёрат ва ички туризмни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ёш авлод қалбида Ватанни севиш, улуғ аجدодларга эҳтиром кўрсатиш, она юртимизни эъзозлаш каби юксак туйғуларни шакллантиришга яқиндан кўмаклашади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ. 2019.
2. Расулов М.Ф. Қашқадарё вилоятидаги маданий мерос объектларини сақлаш ва улардан фойдаланиш ҳолати (XX аср 80-йиллари бошлари). // Қарши ДУ хабарлари, 2020 йил 4-сон

3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Т.: ЎЗМЭ ДИН, 2006.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. – Т.: ЎЗМЭ ДИН, 2008.
5. Ислом Энциклопедия 2-нашр. – Т.: 2017.
6. Мирзо Аҳмад Хушназар (Мирзо Кенжабек). Қабристон зиёрати одоби. – Т.: “Шарқ”, 2018.

## YURTIN DOSTON ETGAN BAXSHI

**Ahmedova Gulchehra O'skinovna,**  
*Termiz davlat universiteti Jahon tarixi*  
*kafedrasi o'qituvchisi, t.f.b.f.d (PhD)*

**Annotatsiya:** *O'z yurtini madh etgan xalq baxshilari hayoti va ijodi haqida ma'lumotlar berilgan. Bugungi kunda baxshichilik san'atiga qaratilayotgan e'tibor va e'tirof to'g'risida to'xtalib o'tilgan.*

**Kalit so'zlar:** *Baxshi, doston, do'mbira, dutor, tor, rubob, doira, daf, sozanda, sozchi, ijrochi.*

**Аннотация:** *Дается информация о жизни и деятельности народных меценатов, прославивших свою страну. Обсуждалось внимание и признание, уделяемое сегодня искусству бахшии.*

**Ключевые слова:** *бахши, эпос, домбира, дутор, тор, рубоб, круг, бубен, музыкант, композитор, исполнитель.*

**Annotation:** *Information is given about the life and work of people's philanthropists who glorified their country. The attention and recognition paid to the art of baksheesh today has been discussed.*

**Key words:** *Bakhshi, epic, dombira, dutor, tor, rubob, circle, tambourine, musician, composer, performer.*

Jahonda yuz berayotgan jadal globallashuv jarayonida insoniyatning nomoddiy madaniy meros an'alarini saqlab qolish toboro dolzarb masalalardan biriga aylanib bormoqda. Chunki, har bir xalqning tarixiy-madaniy merosi muhim qadriyat sanalib, unda har-bir etnos va etnik birlikning xususiyatlari, madaniysaviyasi, ijtimoiy va oilaviy munosabatlari, tabiat, jamiyat, koinot haqidagi tasavvurlari mujassamlashgan bo'ladi. Shuboisdan ham YUNESKO tomonidan insoniyatning nomoddiy madaniyatdur donalari ro'yxati yil sayin kengaytirilib borilmoqda Baxshichilik, xalq dostonchiligi o'zbek xalqining qadim madaniyati, milliy qadriyatlarining ilk ko'rinishlaridan biri sifatida ardoqlanib kelinayotgan san'at turidir. Baxshilarning shirali ovozi, do'mbirasidan taralayotgan kuy inson qalbini beixtiyor to'ldiradi, junbushga keltiradi. U jonli xalq tilining turli shakllaridan, so'z o'yinlari va qochirimlaridan, xalq maqollari va iboralaridan unumli foydalana olishi lozim. O'zbek xalqining dostonchilik san'ati jahon xalqlari og'zaki badiiyati chamanida o'z nufuzi, mavqeiga ega bo'lgan betakror so'z san'atidir. Taniqli o'zbek xalq shoiri, Bulung'ur dostonchilik maktabining atoqli namoyandasi hamda eng so'nggi vakili Fozil Yo'ldosh o'g'li. U o'zbek xalq shoiri, baxshi Yo'ldosh Mulla Murod o'g'lining shogirdi hisoblanadi. U Bulung'ur dostonchilik maktabining eng yirik va so'nggi vakili hisoblanadi. Fozil Yo'ldoshning dostonchilikka havasi erta uyg'ongan. Yoshligida do'mbira chertishni, terma aytishni mashq qilgan.

20 yoshlarida ustozi Yo'ldosh shoirdan dostonchilik sirlarini o'rgangan. Yosh baxshi xalq o'rtasida ustozi uyushtirgan sinovdan muvaffaqiyatli o'tib, 25—26 yoshlarida yetuk dostonchi sifatida tanilgan. Fozil Yo'ldosh o'g'li Amin shoir, Chini shoir, Tovbuzar shoir, Qurbonbek shoir, Sultonmurod shoir, Yo'ldoshbulbul, Yo'ldosh shoir, Ko'ldosh, Suyar kabi Bulung'ur dostonchilik maktabining peshqadam dostonchilaridan adabiy an'anani qabul qilib olgan, uni puxta egallab, o'zbek dostonchiligini yangi bosqichga ko'targan. E'tibor bergan bo'lsangiz, Fozil Yo'ldoshning yoshligi mutlaqo bolalik quvonchlaridan mahrum holda o'tgan. O'rtoqlari bilan turli ko'ngil ochdi o'yinlar o'rniga bir parcha nonni go'dakligidan mehnat bilan topishga majbur bo'ldi. “Kunlarim” termasi esa uning bolaligi haqida bir asrdan oshgan bugungi kunda tasavvur hosil qilish imkonini beradi, ayni paytda, yoshlarimizni ota-bobolarining bolaligidan ibrat olishga chaqiradi. Fozil Yo'ldosh o'g'lida Ergash shoirning ijodiy muhiti bo'lmagan. Fozil shoirning baxshilar davrasiga kirish jarayoni

ancha murakkab o'tgan. Uning dostonchilik sirlarini o'zlashtirishi turmush tashvishlarini boshidan kechirish bilan uyg'unlashgan. Havas yo'lidagi xarakatlari natija berib, o'z davridagi mashhur ustoz baxshi Yo'ldosh bulbul e'tiboriga tushadi. O'sha paytda Loyqa qishlog'idan Yo'ldosh, Qo'ldosh, Suyar baxshilar o'z ustozlari an'analarini davom ettirayotgan edilar. Ular qatoridagi Yo'ldosh baxshi o'z davrida Yo'ldosh bulbul darajasiga yetgan baxshiga shogirdlik qilgandi. Uning Fozilga nazari tushgani bo'lajak "Alpomish" ijrochisi uchun omad muhri bo'lib qoldi. Fozil shoirdagi iqtidor, ovoz, do'mbirachilik ishqi Yo'ldosh shoirning maslahat va ko'rsatmalari zaminida rivojlandi. Oxir-oqibat 1897 yil atrofida 25-26 yoshlarida Fozil taniqli baxshilar nazariga tushdi, Fozil shoir nomini oldi.

Fozil Yo'ldosh o'g'li repertuari mavzu va janr jihatidan boy va rang-barang. U 40 dan ortiq xalq dostonlarini yod bilgan va yuksak mahorat bilan kuylagan. Undan «Alpomish», «Yodgor», «Yusuf bilan Ahmad», «Murodxon», «Rustamxon», «Shirin bilan Shakar», «Go'ro'g'lining tug'ilishi», «Avazxonning o'limga hukm etilishi», «Malika ayyor», «Mashriqo», «Zulfizar», «Balogardon», «Intizor», «Nurali», «Jahongir», «Zevaxxon», «Farhod va Shirin», «Layli va Majnun», «Baxrom va Gulandom», «Oshiq G'arib» kabi 30 ga yaqin dostoni tadqiqotchilar tomonidan yozib olingan. [1]

Shoir qahramonlik, romanik, tarixiy dostonlar hamda kitobiy dostonlarning eng yaxshi namunalarini kuylab kelgan. «Alpomish» dostoni uning ijodida alohida o'rin tutadi. Bu dostonning o'zbek xalq dostonchilaridan yozib olingan 40 ga yaqin variantlari orasida Fozil Yo'ldosh o'g'li varianti eng mukammali va badiiy jihatdan barkamoli hisoblanadi. Unda shoirning yuksak dostonchilik mahorati to'la namoyon bo'lgan. Fozil Yo'ldosh o'g'li zamonaviy mavzularda ham qator doston va termalar yaratgan. Uning «Mamatkarim polvon», «Jizzax qo'zg'oloni», «Kunlarim» kabi dostonlari, «Jangchi o'g'limga», «Elat botir», «Ota nasihati», «Qurollanint», «Er yigitlar, maydonga!», «Jahon tinglagay», «Bolalarimga», «Pushkinga» kabi termalari shular jumlasidandir.

Ma'lumki, 1952 yilda "Alpomish" dostoniga qarshi siyosiy hujum uyushtirildi. Bu paytda Fozil Yo'ldosh o'g'li tirik edi. Bizgacha yetib kelgan xotiralardan bilamizki, keksa baxshi bu paytda dostonni qoralovchi majlislarda soatlab o'tirishga majbur bo'lgan ekan, ammo qo'yilayotgan ayblarni mutlaqo tushuna olmagan ekan, chunki savodsiz, o'qishni ham bilmagan Fozil shoir xalq qadriyatlarini tushunish sohasida tanqidchi "olim"lardan tasavvur qilib bo'lmaydigan darajada yuqori turgan.

"Alpomish", "Yodgor", "Shirin bilan Shakar", "Murodxon", "Rustamxon", "Malika ayyor", "Mashriqo", "Intizor", "Balogardon", "Nurali", "Jahongir", "Farhod va Shirin" kabi qirqa yaqin dostonni Fozil Yo'ldosh o'g'li istagan paytda, istalgan lavhadan aytib ketaverish salohiyatiga ega edi. Ayniqsa, "Alpomish"ni kuylash uning uchun alohida sharaf va huzur bag'ishlar edi. [2]

Fozil Yo'ldosh o'g'li zamonaviy mavzularda ham qator doston va termalar yaratgan. Uning «Mamatkarim polvon», «Jizzax qo'zg'oloni», «Kunlarim» kabi dostonlari, «Jangchi o'g'limga», «Elat botir», «Ota nasihati», «Qurollanint», «Er yigitlar, maydonga!», «Jahon tinglagay», «Bolalarimga», «Pushkinga» kabi termalari shular jumlasidandir. Baxshi kuylagan xalq dostonlari Ergash Jumanbulbul o'g'li, Islom shoir, Po'ikan, Abdulla shoir kabilar repertuari va original asarlari bilan birgalikda o'zbek dostonchiligi va adabiyotiga qo'shilgan katta hissa bo'ldi. Shoir merosi keng o'rganilmoqda. Shoir dafn etilgan Bulung'ur shahrida muzey tashkil etilgan va unga haykal o'rnatilgan.

O'zbekiston Respublikasi prezidentining 2022 yil 28-yanvardagi 2022-2026 yillarga mo'ljallangan "Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-son farmonining 76-maqсад 281-bandida Samarqand shahrida O'zbekiston xalq shoiri va baxshisi Fozil Yo'ldosh o'g'li tavalludining 150-yilligini munosib nishonlash to'g'risidagi farmoniga doir chora tadbirlar rejasi ishlab chiqildi. Shu munosabat bilan hozirgi kunda Fozil Yo'ldoshning hayoti va ijodiga bag'ishlangan bukletlar tayyorlash va taniqli olimlar, ijodkor ziyolilar, baxshi-shoirilar ishtirokida ilmiy-ma'rifiy konferensiyalar o'tkazish va ommaviy-axborot vositalari orqali keng yoritish ishlari olib borilmoqda. Fozil baxshi "Alpomish" ni qiyomiga yetkazib, 12 ming misrani ijro etgan. Qora baxshi esa "Alpomish" dostonining 25 ming misrasini kuylagan.[3]

Bundan tashqari xalq baxshisi Qodir Rahim o'g'lining ham xizmatlari katta bo'ldi. Qodir baxshi yetmishdan ortiq dostonni yoddan bilgan. Har bir doston ikki-uch mingdan tortib, o'n-o'n besh, hatto yigirma ming misragacha she'rni, qariyb shuncha nazm qismni ham o'z ichiga olishini hisobga olsak, xalq baxshilarining salohiyati, hayratomuz yodlash va esda saqlash qobiliyati, ijod qilish qudrati o'z-o'zidan ayon bo'ladi.

Qodir baxshi faqat repertuarining boyligi bilan emas, balki yoqimli, shirador ovozi, ayniqsa, musiqa asboblari yaxshi chala olish iqtidori bilan ajralib turgan. U do'mbiradan tashqari, dutor, rubob, tor,

g'ijjak, qo'bizda mohirlik bilan kuylar ijro etib, doston yoxud terma aytavergan yo, aksincha, boshqa cholg'u asboblaridagi kuylarni do'mbirada ijro etgan. Dehqonobod baxshichilik maktabiga tamal toshini qo'ygan, Sherobod baxshichilik maktabini jonlantirgan Umir baxshi Safar o'g'li bilan Qodir baxshidan keyin doston aytguvchilar soni ko'paydi. Hozirgi bu ikkala maktabda ham o'nlab katta-kichik, qari-yosh baxshilar qo'llariga do'mbira olib, ijod qilib kelmoqdalar.

Qodir baxshi yoshligidan "Kuntug'mish", "Alpomish", "Shirin va Shakar", "Oysuluv", "Oyparcha", "Intizor", "Kunduz bilan Yulduz", "Malla savdogar", "Ravshan", "Chambil qamali", "Kunlarim" singari dostonlarni o'qib-o'rgangan. Yod olgan dostonlarni el oralab aytib yurgan. O'z yo'lini topishda Sherna baxshi, Fozil Yo'ldosh o'g'li, Ergash Jumanbulbul o'g'li, Muhammadqul Jomrad o'g'li Po'lkan, Islom shoir Nazar o'g'li, Abdulla shoir Nurali o'g'li kabi xalqimizning sevimli baxshilarining ijodi muhim o'rin tutgan. Ulargag'oyibanergashgan[4] Qodirbaxshining birinchi ustози Umir baxshi Safar o'g'lidir. U kishidan baxshichilikning ko'p sirlarini o'rgangan. Umir baxshini ustoz deb bilgan. Buni ko'p termalarida tilga olar edi. Umir baxshining avlodlaridan baxshilar ko'p. Endi baxshining avlod-ajdodiga birnazar solsak, xalqimizda polvonlik, chopag'onlik, baxshichilik, hatto amaldorlik ham zot suradi, ya'ni irsiyatga bog'liq, degan gaplar yuradi. Qodir baxshining ajdodida ham san'atga ixlosmandlar bo'lgan. Bobosi Turdibobo, tog'asi Rajab bobolar baxshichilik qilgan. Uning otasi Rahim Jabborov o'ttizinchi yillarning ilmi kishilaridan bo'lgan. O'qigan o'qdan o'zar, deganlaridek, Qodir baxshi bolaligidan tirishqoqlik bilan o'qigani uchun fikr doirasi kengayib, katta baxshi bo'lib yetishgan. Qodir baxshi ustozlarining an'anaviy dostonlaridan tashqari, yana o'z ijod mahsuli bo'lgan "Oychinor", "Jarqin maston", "Nuralining yoshligi", "Kelinoy" singari dostonlar yaratgan. Shogirdlari tomonidan bu dostonlar aytib kelinmoqda.

Qodir baxshi 60-yillarda Qashqadaryo va Surxondaryoda, Tojikiston va Turkmanistonda yashayotgan keksa baxshilar davrasida bo'lib, ularni repertuarini, doston ijrochilik mahoratini, do'mbira chertish san'atini egallagan.

Uning repertuari boy varang-barang. «Alpomish», «Yodgor», «Kuntug'mish», «Shirin bilan Shakar», «Rustam», «Murodxon», «Yusuf bilan Ahmad», «Yusuf va Zulayho», «Go'ro'g'lining tug'ilishi», «Zaydinoy», «Go'ro'g'li va Yunuspari», «Shahidnoma» singari 70 ga yaqin dostonlar, ko'plab terma va ertaklarni ijro etgan. Ammo u bilgan dostonlarning juda oz qismi va birnecha termalar yozib olingan. Qodir baxshi siymosida Boboshoir, Umir baxshi, Ergash Jumanbulbul, Fozil Yo'ldosh, Po'lkan shoirlarning timsolini ko'ramiz. U xudo bergan odam edi. Qodirbaxshining ovozi ham, do'mbira chertishida ham, aytishida ham sehr bor edi. «Alpomish» dostonining bir joyiga kelganda, tinglovchilarni, yig'latardi, yana bir joyiga kelganda esa, kuldirardi. Xullas, butun boshli manaman degan juda katta teatr jamoasi qilishi mumkin bo'lgan ishni birgina Qodir baxshi qo'lida do'mbirasi bilan qilardi. 1984-1985 yillarda Dehqonobodlik mashhur baxshi Qodir baxshi Rahimov ham Boburning Oqrabotda yashagan davri haqida «Oychinor» nomli doston bitgan.

Kommunistik partiya mafkurasi sharoitida ijod qilib, ustoz-shogirdlik an'alarini avaylab asragan, davr ijtimoiy-siyosiy voqealarini tez anglab, chuqur idrok eta olgan baxshilardan biri Qodir baxshi bo'lgan. U 1937-yili Dehqonobod tumanining Chaliqa qishlog'ida tug'ildi. Qodirbaxshining bobolari Turob va Normurodlar elga tanilgan baxshilar bo'lgan[5]. Qodir baxshi Rahimov dostonchilik maktabi rivojiga qo'shgan hissasi va sermahsul ijodi tufayli respublika xalq baxshilari ko'riklarining birinchi darajali diplomlari bilan taqdirlangan. U 1974-yilda Moskvada bo'lgan Xalqaro konkursning laureati, 1979-yil Parij shahrida bo'lgan III jahon xalq ijodiyoti ko'rigining sovrindori bo'ladi [6]. 1980 va 1982-yillarda Toshkent va Olmaota shaharlarida bo'lib o'tgan jahon miqyosidagi xalq ijodkorlari anjumanining g'olibi bo'ldi. Qodir baxshi Rahimov 70 dan ortiq dostonni yoddan bilgan inson edi [7]. U XX asrning 60-yillarida Surxondaryo, Qashqadaryo viloyatlari va Tojikiston, Turkmaniston hududlarini piyoda kezib chiqib, Sherna baxshi an'alarini davom ettirayotgan xalq baxshilaridan saboq oldi. O'zi ste'dodi va ijodi bilan ma'naviyatimizni tiklash, o'zligimizni anglash, yoshlarni o'z oilasi va yurtiga muhabbat hamda sadoqat ruhida tarbiyalash yo'lida xizmat qilgan Fozil Yulduz o'g'li va Qodir baxshi ijodini chuqur o'rganish, davr tahririga uchrab, goh yashnab, goh yasharib, o'zining go'zal shakllari va teran mazmuni bilan bizgacha etib kelgan ushbu boy merosni asrab-avaylash va keng targ'ib etish barchamizning burchimizdir.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Fozil shoir. O'zbek xalq ijodi bo'yicha tadqiqotlar, 3-kitob, T., 1973.
2. G'oziboyev T., Fozil Yo'ldosh o'g'li, T., 19683.
3. <sup>Safar</sup> Omon. Qora baxshining boyligi. Surxon tongi. 1998 yil 5 may. № 66. – B.4.
4. Murodov M., Ergashev A., Alpomishnoma, 1-kitob, T., 1999.
5. Doniyev S.I. (2020) O'zbekistonda «paxtaishi», «o'zbekishi» kampaniyalari boshlanishi va uning Qashqadaryo viloyatida amalga oshirilishi.
6. Yo'ldoshev B. Qashqadaryo badiiyati. -T.:Sharq, 1998.
7. Shamsutdinov R. Qishloq fojeasi. -Toshkent.: Sharq, 2003.

# ФИЛОЛОГИЯ

## АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА “ДАРБАНД” АТАМАСИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Шариф Ёқубов,

Термиз давлат университети ижтимоий фанлар факультети бошланғич таълим кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди

**Аннотация:** мақолада Алишер Навоий асарларида “дарбанд” сўзининг қўлланиши ҳақида фикр юритилади. Шоир асарларида бу сўз турли маънолар касб этади. Дарбанд сўзи эшик, эшик зулфини, мудофаа девори, дарвоза майдони, тўсин, мамлакатлар ўртасидаги чегара иншооти, тилсимланган мажмуа, Дарбанд вилояти маъноларида қўлланилиб чиройли ташбеҳлар яратишга хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** дарбанд, темир дарвоза, истеҳком, тоғлар ўлкаси, сеҳр-жоду, Кашмир, темир одамлар, дарбанд этмоқ.

**Аннотация:** в статье рассматривается употребление слова “дарбанд” в произведениях Алишера Навои. В произведениях поэта это слово приобретает разные значения. Слово дарбанд употребляется в значении двери, цепной запер двери, оборонительной стены, зоны ворот, пограничного сооружения между странами, заколдованного комплекса, Дарбандской области и служит для создания красивых метафоры.

**Ключевые слова:** дарбанд, железные ворота, укрепление, горная страна, магия, Кашмир, железные люди, перегородить путь.

**Abstract:** the article discusses the use of the word darband in the works of Alisher Navoi. In the works of the poet, this word acquires different meanings. The word darband is used in the meaning of door, door frame, defense wall, gate area, border construction between countries, enchanted complex, Darband region and serves to create beautiful metaphors.

**Key words:** darband, Iron Gate, fortification, mountainous country, magic, Kashmir, iron men, to darband.

Дарбанд топоними Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги аҳоли пункти ҳамда темир йўл станцияси. Бу топоним дунёнинг кўп жойларида учрайди. Туркменистон Республикасининг Гавари, Баҳордин туманларида Дарбанд номли даралар бор. Каспий денгизи бўйидаги Кавказда Дарбанд шаҳри бўлган. Доғистон Республикасида Дарбанд шаҳри ва унинг тош деворлари харобаси мавжуд[1].

Темир дарвоза ҳақида фикр юритган ҳар бир тадқиқотчи дарбанд сўзига ҳам тўхталиб ўтади. Чунки Дарбанд қишлоғи билан Темир дарвоза ҳудуди бир-бирига яқин бўлиб уларнинг номланишида ҳам маълум даражада боғлиқлик бор. Бу яқинлик тарихан уларнинг номланиши билан ҳам муштаракликни ташкил этади. Бу атаманинг қадимдан номланиб келиши ҳақида бир қатор манбаларда турли тилларга оид фикрлар борки, улар турли лисоний шаклларда учрайди. Қадимги туркий манбаларда Темир қопуғ[2], форсий манбаларда Дари-оҳанин ёки Дарбанди оҳанин, араб манбаларида Боб ул ҳадид (боб-дарвоза, ҳадид-темир), Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Бобурнинг “Бобурнома” асарларида туркийча Қаҳлаға[3], Амир Темур даврида ҳам Қаҳлаға тарзида ишлатилганини кузатамиз. Уларнинг барчаси бир нарса - шу ернинг жуғрофий тузилиши билан боғлиқ эканини кўрсатади.

Дарбанд сўзи азалдан олимларнинг фикрини ўзига тортиб келади. Хусусан, топонимистлар ушбу атамани турлича талқин қилишади. Таниқли топонимист олим Тўра Нафасов: Дарбанд даранинг қисқа жойи. Бундай қисқа жойлар “Темир дарвоза”, “Дарвозайи оҳанин” номлари билан ҳам аталган. Бу сўз ўзбек тилига 14-15-асрларда ўзлашган [4]. Кўринадики, Тўра Нафасов Дарбанд ва Темир дарвоза атамаларининг ҳам маълум жиҳатдан яқинлигини айтади. Суюн Қораев Дарбанд ҳақида: қишлоқ

Сурхондарё вилояти Бойсун туманида жойлашган. Тўғриси, дарбанд-танги, қисик, тор дара, тоғлар орасидаги йўл, [5] -деб ёзади ва ушбу топонимга жуда қисқа таъриф беради. Ёриқул Хўжамбердиев: Темир дарвоза дара, тоғлар орасидан ўтадиган жой бўлиб, икки давлат ўртасидаги чегара вазифасини ҳам бажарган. Баланд Бойсун тоғларидан ягона ўтиш йўли шу ерда жойлашган. Карвон йўлларининг ўтадиган жойи бўлганлиги туфайли ҳарбий маскан ҳам бўлган. Топоним форс-тожик манбаларида Дари оҳанин ёки Дарбанди оҳанин номлари билан юритилган [6].

Диққат билан кузатсангиз, булар барчасининг луғавий маъноси Темир дарвоза номи билан маълум даражада боғлиқлигини кўрсатади. Топонимикада маълум бир жой номланишининг бир қатор сабаблари бор. Ана шу сабаблардан бири топоним жойлашган ҳудуднинг рельефи мазкур топоним номи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бизнингча, Дарбанд қишлоғининг номи ҳам Темир дарвоза номи билан бевосита боғлиқ. Бу атама Темир дарвозанинг форс-тожикча номи билан муштаракликни ташкил этади. Номшуносликда маълум бир топонимни шу ҳудудга яқин бўлган ном билан аташ анъанасининг борлиги илмий китобларда зикр қилинган. Шу туфайли “Дарбанд” атамасининг ҳам Темир дарвоза номи билан боғлиқлигини кузатиш мумкин.

Археологолим Э.В. Ртвеладзетомонидан Темир дарвоза ҳудудидаги Оққўталтизматоғи устига қурилган қадимги мудофаа истехкомининг ўрганилиши ва узоқ тадқиқотлардан кейин “Темир дарвоза биргина Бўзғаласой дарасининг номи бўлиб қолмай, у бутун бир мажмуани (комплексни) ўз ичига олиши” хусусан, Дарбанд қишлоғи ана шу ҳудуднинг таркибий қисми деб қаралишида ҳам маълум даражада маъно бор [7].

Алишер Навоий “дарбанд” сўзига бир қатор насрий ва назмий асарларида мурожаат этади ва уни турли маъноларда қўллайди. Айрим тадқиқотчилар шоир ижодида қўлланган “дарбанд” сўзини Дарбанд қишлоғи билан боғласа, баъзи тадқиқотчилар бу сўзнинг турдош от сифатида ишлатилганини қайд этади. Шу туфайли биз шоир ижодида қўлланган ушбу сўзларнинг деярли барчасини баҳоли кудрат таҳлил қилишни лозим топдик.

1. Дарбанд сўзи кўрғон, қалъа, қалъанинг ичкараси маъносида қўлланади.

Сенки ул ён азимат эткунгдир,  
Чунки дарбанд ичига еткунгдур.  
Гарчи эл кирмаги маҳол эрди,  
Кирди дарбанд ароки, зол эрди. (СС—202-б.)

“Сабъаи сайёр” достонидан олинган иккинчи дарбанд(қалъа)даги пир томонидан айтилган ушбу матнда кейинги тўсиққа—учинчи дарбанд ичига етиб бориши учун йўл-йўриқ кўрсатилади. Дарбанд ичига деганда дарвоза ичига эмас, қалъанинг ичи тушунилади. Бу фикр иккинчи бандда яна ҳам ойдинлашади. Дарбанд аро бирикмаси яна қалъанинг ичига ишора қилади. Саъд ҳеч ким, ҳеч эл кириши мумкин бўлмаган қаълага киради. Бу қаълага илгари бирор киши кирмаган ва қадами етмаган эди. Олдинги мисраларда ҳам “Лек дарбандлар очилмай ҳеч” бу дарвозаларнинг ҳеч очилмагани ва бирор кимса кирмаганлиги баён этилади.

2. Дарбанд сўзи –эшик, дарвоза маъносида қўлланади.

Қаср даврида уч ҳисор дурур,  
Буржлар анда чархвор дурур.  
Ҳар ҳисорида бир бийик дарбанд.  
Рифъат ичра келиб фалак пайванд. (СС-202-б.)

“Сабъаи сайёр” достонидан олинган ушбу парчада дарбанд сўзи эшик, дарвоза маъносида қўлланган. Насрий баён муаллифлари Иноят махсум ва Саидбек Ҳасановлар куйидагича баён қилади: Қасрнинг атрофида учта ҳисор –кўрғон бўлиб, уларнинг миноралари осмону фалакка томон чўзилиб кетган. Ҳар ҳисорида биттадан буюк дарбанд-дарвозаси бор. Улар ҳам баландликда фалакка туташиб кетгандай. Ушбу мисраларда “дарбанд” сў-

зининг дарвоза маъносида қўлланиши аниқ ва равшан ўз ифодасини топган.

3. Дарбанд—қаттиқ кўриқланадиган мустаҳкам қалъа, ҳимоя истехкоми. Кашмир хукмдори Маллуга тегишли кўрғон-истехком.

Адув(душман) олганин билди дарбандин,  
Ҳамул қалъаи чархмонандин. (СИ-219 )

Ушбу бандда “дарбанд” сўзи маълум бир қалъа маъносида қўлланилаяпти.Искандар кўшинларига қарши қурилган ва катта умид боғланган бу қалъанинг душман кўлига тушганлиги ҳақида хабар келган эди.Бу фикрлар Кашмир хукмдори Маллу томонидан айтилган сўзлар эди. Қалъага маълум бир ном қўйилмаган бўлса ҳам, унда аниқ бир ҳарбий истехком ҳақида фикр юритилади.Искандарга қарши сеҳр–жоду орқали қўйилган тузоғининг иш бермаганлигини, дарбанди (қалъа) - ҳимоя иншоотининг қўлдан кетганлиги ва душман эгаллаганлигини ҳис этади.Тушум келишигининг қисқарган шакли орқали ифодаланган бу сўз аниқ бир қалъа ва қаср маъносини ифодалаган. Шу жиҳати билан у атоқли отга яқин туради.

4. Дарбанд—дарбанд этмоқ,қурмоқ, йўлни бекитмоқ,тўсмоқ, боғламоқ, истехком яратмоқ маъноларида қўлланган.

Бу йўлким анга тоғ ўлиб ҳар сари.  
Келиб арзи тахмин била юз қари.  
Ани аҳли кашмир дарбанд этиб,  
Ики тоғни бир-бирига пайванд этиб. (СИ-213-б.)

Ўқиб билганингиздек ушбу ўринда тоғлар орасидан ўтган йўл ҳақида фикр юритилади. Бу йўлнинг эни тахминан юз қари(1 қари 1метрга яқин ўлчов бирлиги)эди. Кашмирликлар Искандар кўшинларининг йўлини тўсиб кўяди.Икки осмонўпар тоғни бир-бирига пайванд этиб (бирлаштириб) йўлни бекитди. Дарбанд сўзи этмоқ феъли билан кўшилиб кўшма феъл ҳосил қилган. Дарбанд этмоқ феъли бекитмоқ, тўсмоқ, банд этмоқ маъноларида қўлланмоқда. Бу феъл ҳимоя истехкоми, мудрофаа деворининг қурилишига ишора қилади.

5. Дарбанд—ўқ отадиган истехкоми бўлган мустаҳкам кўрғон эшиги:

Ясаб устида буржу бору доғи,  
Адув дафин этмакка кушуш чоғи.  
Демай кимса дарбанди бору ани,  
Тасаввур қилиб ақл жоду ани. (СИ—213-б.)

(Луғат: бору –қалъа девори,қалъа деворининг ўқ отадиган пана жойи.)

Дарвоза устида уруш чоғи душманни даф этиш учун истехком барпо этилган бўлиб, уни ким кўрса, мустаҳкам қалъа эмас, жодугарларнинг сеҳрли кўрғони деб ўйларди. У яшириниб ўқ отадиган тўсинга эга бўлган қалъа маъносида қўлланган жодугарларнинг макони.

6. Дарбанд—сеҳр-жоду қилинган жой, кўрғон, жодугарлар кўрғони:

Ки дарбанди олий намудоридан,  
Яқин келмагай кимса минг қаридин.  
Кишики қадам кўйғай ул ён нухуст,  
Аёғи анинг бўлғай ул нав суст.  
Ки топмай тахаррукнинг имконини,  
Ёмон вартада кўргай ўз жонини . (СИ—213-б.)

(Луғат: 1.Таҳаррук- қимирлаш , ҳаракатланиш ; 2.Вартада-ҳалокатли жой.)

Бу дарбанднинг маъноси шуки, жуда юксак ва салобатли кўринишга эга эканлиги ва

сеҳр-жоду қилинганлиги туфайли унга ҳеч ким яқин кела олмайди. Агар кимки унга минг қадам яқинроқ келса бирдан бўғини бўшашиб, оёғи ҳаракатдан тўхтайди. Ерга йиқилади. Ҳатто отлар ҳам биринчи босган қадамиданоқ оёқлари ҳолсизланиб, ер билан яксон бўлади. Шеърӣ сатрларда ана шундай маъно-мазмун изоҳланади.

7. Дарбанд—кўрғон ,тўсиқ, уни илм-фан кучи билан забт этиш мумкин.

Бу дарбанд бизга агар чархи гардон эрур,  
Иложи анинг бизга осон эрур...  
Не қилгай неча жўғийи сеҳрсоз,  
Бири мухрадузи бири хўққабоз. (СИ- 214-б.)

Искандар олимлари томонидан айtilган бу шеърӣ бандда дарбанд сўзи айланиб турувчи осмон ( чархи гардун)га қиёс қилиниб, унинг баландлиги ва ниҳоятда мустаҳкамлиги диққат марказига олинади. Ушбу иншоот чегара билмас улкан истехком маъносида қўлланади. Аммо олимлар уни илм ва тафаккур кучи билан забт этишга ваъда берадилар. Сеҳр-жодунинг илм-фан олдида ҳеч нарса эмаслигини таъкидлайдилар. Чарху гардон(айланиб турувчи осмон) форсча изофали бирикмаси кашмирликлар томонидан қурилган дарбанд (истехком) сўзи муболаға санъати асосида бўрттириб кўрсатилади. ва қалъанинг ниҳоятда юксак ва мураккаб қурилганлигига ишора қилинади.

8. Дарбанд--кўрғон ,қаср маъносида қўлланади.

Қўлларин айлагай саро-сар банд,  
То анга фотех бўлгай ул дарбанд. (СС-194-б.)

Саъдни юз йил кутиб ётган бир пир тилидан айtilган ушбу бандда ўз севгилисининг висолига эришиш учун Мохрух –Шаҳрисабз подшосининг қизи қасрининг атрофида қурилган қалъалардаги учта тўсиқларни мардларча енгиши керак эди. У бу йўлда биринчи тўсиқда девсифат Қатрон билан жангга киришиши ва унинг қўлларини саро-сар боғлаши лозим эди. Саъд эҳтиётсизлиги туфайли аввал ўзи Қатроннинг қўлига тушади ва қўл-оёғи боғланади. Бу муваффақиятсизлигидан кейин ўзига келиб, пир ўргатгани бўйича иш тутади. Қизгин жанг бошланади. У пир берган мухрани оғзига солиб душмани томон тупигини сачратганда, Қатрон ҳолсизланиб уйқуга кета бошлайди. Уни боши узра айлантириб ерга уради.”..анга фотх бўлгай ул дарбанд” деганда ана шу кўрғон –истехком тушунилади.

9. Дарбанд—Қалъа- истехком дарвозаси , дарвоза ёни, арк тушунилади.

Қоранғуда чиқти сипоҳдин суруб,  
Ўзин қалъа дарбандига еткуруиб. (СИ—301-б.)

Достоннинг ушбу қисмида Хитой ҳоқони ҳақида фикр юритилади. У Чин мамлакатининг элчилари сифатида Искандар билан маҳфий учрашиш мақсадида йўлга чиқади. Қоранғуда қалъа дарбандига –дарвоза олдидаги майдонда турган посбонлар ёнига келади. Мамлакатдан четга чиқиш учун муҳр босилган ҳужжати ҳам бор эди. Ҳужжатини шу ерда турган посбонларга кўрсатади...Умум фойдаси учун бир иш юзасидан ўзини ташқарига чиқаришларни сўрайди. Ташқарига чиқиб Искндар қароргоҳига томон кетади. Дарбанд сўзи дарвоза олди маъносида қўлланган.

10. Дарбанд—эшик олди, дарвозахона ва дарвоза маъносида қўлланади.

“...Малик бозори ичинда шарқий ҳудудида машҳур тоқияфуришлар тимига дур ва иморати икки ошомдир ва бозор сори икки дарбанди (дарвозахонаси) бор ва ҳар дарбандида бир дарвоза ва бир айвон мавжуддир”[8]. Ушбу матн Ҳирот шаҳридаги Малик бозори ҳудудидаги усти ёпиқ раста, атрофлама дўконлар қурилган тим (савдохона ) ҳақида маълумот беради. Бу матнда дарбанд сўзи эшик олди, дарвозахона маъносида қўлланмоқда.

11. Дарбанд—мамлакат,вилоят,шаҳар маъносида қўлланади.

Алишер Навоий “Тарихи мулуки ажам” асарида “дарбанд” сўзини атоқли от сифатида қўллайди. Унда Каспий денгизи билан Кавказ тоғлари орасида жойлашган Дарбанд шаҳри назарда тутилади. Ушбу асарда қуйидагиларни ўқиймиз.”...анга (Нўшравон ул одилга Ш.Ё.) арз қилдиларки, қипчоқ Дарбандга муставлим(истило этмоқ) бўлуптур. Ул йўлга убур қилиб (тушуб), қипчоқни мақхур (қаҳр-ғазаб) қилиб, Дарбандни олиб, ободон қилиб, яхши кишилар тайин қилиб, андоқ мазбут (мустаҳкам) қилдиким, ул ноҳиятдан хотири жам бўлиб, Модайнга азм қилди”[9]. Ушбу парчада аниқ тарихий ўрин-жой ҳақида фикр юритилади. Кавказдаги Дарбанд ва Темир дарвоза ҳақида Артамонов М.И. атрофлича маълумот беради[10].

12. Дарбанд-тилсимланган, сеҳрли эшик, эшик зулфини ёки эшикнинг қулфи.

Анга чиқса кишиким тепса маҳкам,  
Очилур қалъанинг дарбанди ул дам.(ФШ—110-б.)

Ушбу байтда Хизр а.с. ўргатганидек, Фарҳод ўн икки минг қадамлик темир қалъага юз қадам қолганда бир ясси тоштахтани ахтариб топади. Хизр а.с.нинг кўрсатмаси бўйича унинг устига чиқиб, қаттиқ тепиши билан сеҳрли тилсим очилиб кетади. Келтирилган мисраларда дарбанд сўзи илм-фан кучи билан сеҳрланган ва бир-бири билан ички боғланишга эга бўлган бутун бир тилсимлар мажмуасини ўзида бирлаштирган эшик, дарвоза маъносида қўлланади. Тасвирланганидек Фарҳод тоштахтани тепиши билан қалъанинг ичидан кучли овоз чиқди. Такрорланиб турувчи бу овоз жуда беўхшов эди. Темир қалъа эшиги очилди. Ичкаридан кўксига катта ойна осилган ҳайкал камонига ўқ тортиб чиқиб келди ва бир вақтнинг ўзида қалъа айланасида қўлларига ўқ-ёй олиб Фарҳодни нишонга олиб турган темир суворийлар қад кўтаради. Фарҳод ҳеч кўрқмай кўлига ўқ-ёйини олиб кўксига ойна ўрнатилган темир одамни нишонга олиб пайкони билан ойнани чил-чил синдирди. Бошдан оёқ оловдай ёниб турган темир совутларга ўралган темир одам йиқилиб тушди. Қалъа атрофини эгаллаб турган барча темир одамлар (ҳозирги тил билан айтганда роботлар) бирдан йиқилади. Тилсим очилади.

Айрим тадқиқотчиларнинг “дарбанд” сўзини атоқли от сифатида тасниф қилишларига қўшилиб бўлмайди. Улар “Фарҳод ва Ширин “достонидан олинган қуйидаги байтларни таҳлил қилар экан:

Кўрингай чун тилисми чархмонанд,  
Ҳисори бўлғуси гардунға пайванд...  
Кишини ютқудек оғзин очиб кенг,  
Дегин дарбанд ила оғзи эрур тенг...  
Кишиким ўтса андин бахти ўлуб ром,  
Эрур кўрғон эшиги ёна минг гом...  
Анга чиққоч кишиким тепса маҳкам.  
Очилур қалъанинг дарбанди ул дам. (ФШ—110-б.)

Бу мисраларни Бойсун туманидаги Дарбанд қишлоғи номи билан боғлайдилар. Бу сўзни атоқли от сифатида қўлланган деб ҳисоблашади. Ўзлари ёзган китобларида ҳам ўз фикрларини зикр қилишади. Тадқиқотчи бир нарсани қаттиқ ёдида сақлаши керак: ҳазрат Навоий ўз асарларида 26035 сўз қўллаган бўлса-да, унинг асарларида битта ҳам тасодифан қўлланган сўз учрамайди. Шоир ижодида ҳар бир сўз турли маъноларда жилоланиб хилма-хил вазифа бажаради.

13. Дарбанд--тош дарвоза, тешик маъносида ва қаттиқ кўриқланадиган дарвоза маъносида қўлланади.

Бўлур йўлда аён бир хора дарбанд,  
Темир занжир ила бир шери нар банд.  
Кишини ютқудек оғзин очиб кенг,  
Дегин дарбанд ила оғзи эрур тенг. (ФШ—109-б.)

“Фарҳод ва Ширин” достонидан олинган ушбу парчада дарбанд сўзи тошдан бунёд этилган дарвоза- тўсиқ маъносида қўлланади. Ҳизр а.с.тўсиқдан ўтиш –шерни даф этиш йўллари ҳақида Фарҳодга йўл-йўриқлар кўрсатган эди. Бу эшикни қўриқлаш учун занжирланган эркак шер боғлаб қўйилган эди. Унинг оғзи шунчалик даражада катта эдики, гўё дарбанд (эшик)га ўхшар эди. Бу ерда дарбанд сўзи ўлчов маъносида қўлланади. Шернинг оғзининг катталигини кўрсатиш мақсадида муболаға усулини қўллайди. Биринчи мисрада дарбанд (эшик) харсанг тошдан қилингани баён этилган бўлса, иккинчи бандда шер оғзининг катталигини кўрсатиш билан унинг баҳайбат эканлигини, ҳатто оғзининг эшик сингари катталиги орқали баён этади.

дарбанд –қалъа, қаттиқ қўриқланадиган қалъа маъносида қўлланади.

Чу бўлди шер дарбанд ичра мавжуд,  
Анга ҳотамни отгач бўлди набуд. (ФШ—111 -б.)

Ҳизр а.с. нинг таълимотини қалбига жо қилиб олган Фарҳод унинг (Ҳизр а.с.) оёғини ўпиб йўлга чиқади. Йўлида тўсиқ бўлиб турган шернинг олдига келади. Шерни тинчлантириш учун Ҳизр а.с. айтганидек унинг оғзига ҳотамни ташлади. \* Боғлаб қўйилган эркак шер тинчланди. Фарҳод темир қаср томон юриб кетди.

Тадқиқотчи Полвон Шойимов Дарбанд қишлоғи ҳақида ўз фикрларини баён этар экан, Алишер Навоийнинг:

Ҳисори марказида бир иморат,  
Ки ожиз васфидан юз минг иборат,-

мисраларини тадқиқ этар экан, “Ҳисори марказидаги бир иморат” мисрасидаги иморатни Дарбанд марказидаги карвонсаройга нисбат беради. Тадқиқотчи “Алишер Навоий Самарқандда ўқиб юрган кезлари баъзан работга қўниб ўтган”[11] деган хулосага келади. Аслида бу мисраларда шоирнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги темир одамлар қасри ҳақида фикр юритилади. Унинг марказида жойлашган иморат тўғрисида Искандарнинг хазинаси сақланадиган жой тасвири баён этилган. Шу иморатда еру кўкни кўрсатиб турувчи Жамшид жоми (Жоми Жамшид) ҳам сақланар эди.

Тинимсиз изланишлар асосида ёзилган “Дарбанд –қадимий макон” асари муаллифи Полвон Шойимовнинг машаққатли меҳнати самараси бўлиб унинг ўзи туғилиб-ўсган юртга нисбатан чексиз ватанпарварлик туйғулари ифодасини топгандир. Унинг Дарбанд қишлоғи ҳақидаги “Сен қолурсан, биз кетурмиз” шеърини ҳеч ким бефарқ ўқий олмайди. Бу муаллифнинг узоқ йиллар туну кун ўз диёри (қишлоғи) туйғуси билан яшганини англатиб туради. Аммо Алишер Навоий асарларида қўлланган “дарбанд” атамаси аппелиатив (турдош от) маъносида- дарвоза, эшик маъносида қўлланиб бир қатор ташбеҳлар яратиш воситаси бўлиб хизмат қилган. Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонида Темир дарвоза ҳудудини тасвирлар экан, “Ани аҳли Кашмир дарбанд этиб, Икки тоғни бир-бирига пайванд этиб” мисраларида бу жойда узоқ манзиллардан бошланган икки мустақил тоғнинг бир-бирига яқин келишига ишора қилганга ўхшаб кўринади. “Бу йўлким анга тоғ ўлуб ҳар сари” мисрасида Темир дарвоза ҳудудида Сувсиз, Саримас, Каттапай, Аламли, Қорамас тоғлари қўним топганида ҳам муштараклик борлигига ишонишга ундайди. “Темирдан қуриб дарвозае” мисраларида Темир дарвоза ҳудудига ўхшашлик борлигини кузатамиз.

Яна бир гап: Биз кузатаётган дарбанд атамаси билан боғлиқ воқеалар “Садди Искандарий” достонида Самарқанд билан Кашмир ўртасида бўлган воқеаларни тасвирлаш жараёнида баён этилган бўлса, “Сабаъи сайёр” достонида Термиз ва Шаҳрисабз оралиғидаги (тоғлар ўртасидаги) манзилларда рўй беради. Баъзи тадқиқотчилар “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Фарҳоднинг қахрамонлик саргузаштлари рўй берган воқеаларини ҳам шу тупроқ билан боғлашади. Дарбанд атамаси деярли ана шу уч дostonда кўпроқ учрайдики, бу ҳолат илм аҳлини яна-да тадқиқотлар олиб боришга ундайди.

Алишер Навоий қайси юртдаги воқеаларни тасвирласа, ўша юртдаги атамалар, антропонимар, воқеа –ҳодисалар, тарихий ёдгорликлардан кўпроқ фойдалангани кузатилади. Бу ҳолат “Хамса” дostonларида тез-тез учрайди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Турсунов С., Умаров И., Пардаев Т., Холманова Ф., Турсунов А., Махмадиярова Н., Нарзуллаева Н. Ўзбекистонда топонимик номлар ва уларнинг тарихи.- Термиз, “Сурхон-нашр”, 2017, 82-б.

Қаюмов А.. Қадимият обидалари.-Тошкент Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998. 139-б.

Аннаев Т. Тилавов Б. Худайбердиев Ш. Бойсун археологик ёдгорликлари. –Тошкент Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999, 35-б.

Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. –Тошкент, “Ўқитувчи” 1988, 57-б.

Қораев С. Географик номлар маъноси.-Тошкент “Ўзбекистон”, 1978, 46-б.

Хўжамбердиев Ё. Историко-этимологическое исследование топонимики Сурхандарьинской области Узбекской ССР. АКД -Ташкент, 1973, 13-с

Ртвеладзе Э.В. Стена Дарбанд Бактрийского. // Ўзбекистон ижтимоий фанлар журналы, 1986, 12-сон.

Алишер Навоий “Вақфия” –Тошкент. Гафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1966 й. 15 томлик асарлар тўплами, 13-том. 177-242-б.

Алишер Навоий. “Тарихи мулуки аҷам. –Тошкент. Гафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1967, 15 томлик асарлар тўплами, 14-том, 225-б.

Артамонов М.И. Древний Дербент // в.сб; СА, том 8. Москва, 1946, стр.122-135 .

Шойимов П. Дарбанд - қадимий макон.-Қарши. “Насаф”. 1999, 23-б.

Ёқубов Ш. “Темир дарвоза” ёдгорлиги хусусида // тил ва адабиёт таълими журналы 2003-йил, 4-сон.

### ТИЛШУНОСЛИҚДА МАҚОЛ ВА ФРАЗЕОЛОГИЗМ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ЎЗARO ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Шерматова Ғўзал Абдусаттаровна,

Термиз давлат университети еркин тадқиқотчиси

**Аннотация:** *Паремология соҳасида жуда кўп тадқиқотлар бўлишига қарамай олимлар ва тадқиқотчилар ўртасида “мақол” тушунчасига нисбатан ягона фикр йўқ. Мақолада тилшуносликда мақол ва фразеологизм тушунчаларининг ўзаро қиёсий таҳлили келтирилган.*

**Калит сўзлар:** *паремология, мақол, фразеологизм, дидактиклик, мантиқий мулоҳаза ва семиотик структура, нутқ маданияти.*

**Аннотация:** *Несмотря на множество исследований в области паремологии, среди ученых и исследователей нет единого мнения о понятии «поговорка». В статье представлен сравнительный анализ понятий поговорка и фразеологизм в языкознании.*

**Ключевые слова:** *паремология, поговорка, фразеологизм, дидактика, логическая аргументация и семиотическая структура, культура речи.*

**Abstract:** *Despite a lot of research in the field of paremiology, there is no consensus among scientists and researchers about the concept of “proverb”. The article presents a comparative analysis of the concepts of proverb and phraseologism in linguistics.*

**Key words:** *paremiology, proverb, phraseologism, didacticism, logical reasoning and semiotic structure, speech culture.*

Мақолларда тил соҳибларининг мужассамланган бой, амалий тажрибаси ва донолиги авлоддан авлодга халқнинг энг муҳим хазинаси сифатида етказиб берилди. Янги ноёб

“Катта лингвистик луғат” мақолга қуйидагича таъриф беради: “МАҚОЛ – барқарор афористик халқ ҳикмати, унда образли қисқа ва ифодали шаклда ижтимоий ҳаётдаги хилма-хил ҳодисалар акс этади, фалсафий ва ахлоқий қарашлар қарор топтирилади. Мақоллар шаклининг мукамаллиги, фикрининг теранлиги, мантиқан ва мазмунан тугалланганлиги билан ажралиб туради. Улар аниқ нутқий вазиятга боғлиқ бўлмаган ҳолда тушинарлидир, чунки тайёр луғавий мажмуа, цитата, ўзига хос қанотли иборалар сифатида қайта тикланади. Грамматик структура (тузилиш) нуқтаи назаридан мақоллар (маталлардан фарқли равишда) икки ҳадлидир (биномдир): уларнинг биринчи қисмида маълум бир фактлар, воқеа-ҳодисалар таърифланади, иккинчи қисмида эса умумлаштирилади, хулоса қилинади” [7].

Шундай қилиб, энг умумий маънода тасдиқлаш мумкинки, мақол – бу тугалланган фикрни ифодалайдиган ва хулоса билан мунозарага эга халқ ҳикматидир [8].

Қанотли ибораларни тўпловчилар мақолни “ҳеч бир подшо эълон қилмаган фармон, ҳеч бир президент муҳрламаган қонун, ҳеч бир давлат томонидан битилмаган конституциядир” [11], деб ҳисоблашади. П.Бакиров мақолларнинг жуда катта аҳамиятини таъкидлаб, уларни “халқ ҳаётининг энциклопедияси” (муаллиф томонидан ажратилган – О.У.) деб атайди ва қуйидагиларни таъкидлайди: “Улар дунё халқларининг маънавий ва маданий бирлашувининг гувоҳидир, универсал инсоний қадриятлар ва бағрикенгликка хизмат қилади. Мақолларни тўғри ўз ўрнида ва ўз вақтида қўлланилиши нутқни экспрессив жиҳатдан мазмунан бой, эмоционал жиҳатдан ранго-ранг, аниқ, ўткир ва энг асосийси – ифодали (жонли) қилади. Бу инсоннинг юқори даражадаги маънавияти, нутқ маданияти ва билим даражасидан дарак беради” [1].

Тилшуносликда мақол паремияларнинг бир тури сифатида қайси соҳага тааллуқли эканлиги ҳақида ягона фикр йўқ. Шубҳасиз, улар халққнинг кўп асрлик тажрибаси билан тасдиқланган, панд-насихат, доноликни ўзида мужассам этган халқ оғзаки ижодининг бир қисмидир.

Ўзбек лингвисти А.Э.Маматовнинг фикрига кўра фразеологиянинг ўрганиш объекти ҳақида тилшунослар орасида, асосан, икки хил қараш мавжуд: фразеологияни тор маънода тушуниш ва фразеологияни кенг маънода тушуниш.

Фразеологияни тор маънода талқин этувчи тилшунослар фразеологизмлар таркибига икки ёки ундан ортиқ лексик негиздан ташкил топган, кўчма маъно англатувчи, қисмларининг маъноси асосида бутун маъно ифодаловчи аммамнинг бузоғи, кўзининг оқу қораси, арпасини хом ўрмоқ каби ибораларни киритади.

Иккинчи хил қараш тарафдорлари эса фразеологизмлар таркибига иборалар билан бир қаторда мақол типдаги фразеологизмлар ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил; тенг тенги билан, тезак қопи билан; маатал типдаги рлмоқнинг бермоғи бор: кемага тушганнинг жони бир каби бирикмаларни киритишади” [6].

Ҳозирги пайтда мақол фразеологиянинг таркибий қисмидир, деган фикр устунлик қилади, аммо у мунозарали ва бир маъноли эмас. Инглиз тили фразеологияси билимдони А.В. Кунин фикрича, мақоллар ҳам фольклор жанри, ҳам фразеология бирлиги сифатида қаралиши даркор [5]. М. Джусупов ва бошқалар фразеологизмларни лингвокультурологик жиҳатдан ва мақолларни халқ оғзаки ижодининг ажралмас элементи сифатида қараб чиқиб, шундай таъкидлашади: “фразеология – кичик ҳажмли халқ донолиги, у тилни бойитади, унинг беағи ва тилни ўткирлиги ҳамда образлилиги шаклланишига имкон беради, демак, ундай бўлса фразеология у ёки бу халқ маданиятининг ажралмас қисмидир” [3]. “Фольклорнинг, янада кенг маънода эса халқ – сўзлашув тилининг ажралмас элементи бўлган ҳолда мақол матндир, яъни мустақил равишда қўлланилиши мумкин. Мақол монотематик (бир мавзуди) матннинг бири сифатида маъновий, структуравий ва коммуникатив яхлитлиги билан таърифланади; ва уни тушунилиши умуман матнни тушунилишининг бир модели бўлиши мумкин” [2].

Академик Н.М. Шанский фикрича, мақоллар ва маталлар фразеологизмлар ёки фразеологик бирикмалар эмас, балки фразеологик иборалардир [9].

Е.А. Иванчикова мақолларни қараб чиқиб, уларни икки турга бўлишни таклиф этади. Бири, яъни ҳаётини кузатувлар ҳақидаги панд-насихат сифатида қўлланиладиганлари,

улар фразеологиянинг қисми эмас. Мақолларни ўз ичига олган бошқаси эса уларни юзага келтирган вазият билан боғлиқликни йўқотганлари фразеологик бирликларга бевосита тааллуқлидир”[4].

Т.А.Ширяева ва бошқалар шу мақол ва фразеологизмнинг таркибий қисмими ёки йўқми деган масалани ҳал этишнинг иккита қутбий ёндашувини таъкидлаб, ёзадилар: “Фразеологик бирликнинг асосий мезони сифатида унинг тилда барқарорлигини, нутқда қайта тикланишини қараб чиқаётган олимлар ўрганилаётган ибораларни сўзсиз фразеология таркибига киритишади (В.Г.Архангельский, С.Г.Гаврин, В.Н.Телия, А.В.Кунин, Н.М.Шанский, Н.В.Курбатова ва б.). Паремиялар алоҳида лингвистик категориядан иборат деган фикрдан келиб чиқадиган қатор тадқиқотчилар (А.М.Бабкин, Е.М.Верещагин, В.Г.Костомаров, В.П.Жуков, С.И.Ожегов, Е.А.Кузьмина, Л.Д.Савенкова, Б.Т.Кашароков ва б.) мақол ва маталларни тилнинг фразеологик таркиби чегарасидан олиб чиқишади”[10].

Паремиялогия ва фразеология соҳасида шуғулланадиган тадқиқотчилар томонидан таъкидланадики, мақол ва фразеологизм қатор умумий жанрий белгилар билан тавсифланади: “мазмун бўйича – кўчма маънонинг мавжудлиги (Подкошенная трава и в поле сохнет – мақол; Заморить червячка – фразеологик бирлик); шакли бўйича – анонимлиги (Бережённого бог бережёт – мақол; сесть в галоши – фразеологик бирлик); барқарорлиги (турғунлиги), қайта тикланишлиги (Умеренность – [мать здоровья] – мақол; Тише воды [ниже травы] – фразеологик бирлик). Жанр белгиларининг умумийлиги шунга боғлиқки, биринчидан, мақоллар ва фразеологизмлар тил ҳодисаларига тааллуқлидир; иккинчидан, бошқа тил бирликларидан фарқли ўлароқ мақоллар ва фразеологизмлар “ўтмиш аждодлар тажрибасини англаб ўтирмай шу ҳолича қўллашдан иборат; ... учинчидан, иккала ҳикмат ҳам барқарорлик параметрига ёки (И.А.Мельчук бўйича) гап ёки сўз бирикмасининг бир компоненти бошқа компонентига нисбатан пайдо бўлишини прогноз қилиш (олдиндан айтиб беришлик) хусусиятига эга, мисол учун: мақолда – Всякому своя болячка (больна), фразеологик бирликлар – лицом (к лицу), буря (в стакане); тўртинчидан, энг қулай ва сиғимли шаклда халқ ҳикматларини ифодалаган мақол ва фразеологизмлар нутқда аслидай тикланиш хусусиятига эга.

Мақолларни фразеологизмлардан фарқи сезиларли даражада. Мақолларнинг энг яққол ўзига хос хусусиятларидан бири дидактиклигидир (Ешь проста – проживёшь лет до ста). Мақолсимон ҳикматларга баҳо беришлик хосдир (Лекарство хуже самой болезни), фразеологизмларда эса бу хосса оз даражада. Мақолларда мантикий мулоҳаза ва ундаш структурасининг мавжудлиги уларнинг фразеологик бирликлардан фарқи ҳақида дарак беради (Болезнь человека не красит; Держи голову в холоде, живот – в голоде, а ноги – в тепле), шу билан бир вақтда фразеологизмлар тушунчаларга мос келади (С красной строки). Қуйидаги фарқ шундаки, мақолсимон иборалар гап структурасига (Свою болячку чужим здоровьем не лечат. На всякую шаль выросло по лозе, на всякую болезнь по зелью), фикрнинг тугалликлигига эга, предикатив сўз бирикмалари ёки тенг боғланган хоссали сўз бирикмаларига эга бўлган фразеологик бирликлар эса гап бўлаги бўлиб келади (Лицом к лицу, хоть шаром покати).

Юқорида баён қилинганлар асосида хулоса қилиш мумкинки, мақол фразеологизмдан дидактиклик (данд-насиҳатлилик), мантикий мулоҳаза ва семиотик структура, гап структурасининг мавжудлиги каби фарқловчи белгилар билан ажралиб туради, яъни улар мустақил жанрлардир”[2].

Демак, филология фанида мақолнинг фразеологик мақоми ҳақидаги масала ҳозирча мунозарали бўлиб қолмоқда.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР:**

1. Бакиров П. Пословицы – энциклопедия народной жизни / П.Бакиров. – Ташкент: Akademnashr, 2018. – С.23
2. Джусупов М., Алибекова К.Е., Мажитаева Ш. Специальная лексика и пословицы (лингвоконтрастивные и методические аспекты). – Ташкент: MERIYUS, 2013. – С. 41-45.

3. Джусупов М., Кудакеева А.З., Мажитаева Ш. Фразеология русского языка: лингвистические и методические аспекты. – Ташкент: «Фан», 2008. – С.49.
4. Иванчикова Е. А. Об основном признаке фразеологических единиц // Проблемы фразеологии. Исследования и материалы. – М., 1964. – Б. 81
5. Кунин А. В. Курс фразеологии современного английского языка. М.: Высш. школа; Дубна: Феникс, 1996. – С. 8.
6. Маматов Э.А. Ўзбек фразеологияси. – Тошкент: “Наврўз” нашриёти, 2019. – Б. 15–16.
7. Стариченок В.Д. Большой лингвистический словарь. – Ростов н/Д: Феникс, 2008.– С.458–459.
8. Шайхуллин Т. А. Семантика и прагматика русских и арабских паремий с компонентом-наименованием родственных отношений: монография Казань: Изд-во Казан. ун-та, 2012. – С.39.
9. Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. М. : Высш. школа, 1963. – С. 44.
10. Ширяева Т.А., Багиян А.Ю., Натхо О.И. Мудрость веков в языке бизнеса. Паремии в англоязычном научно-популярном деловом дискурсе. Когнитивно-дискурсивный аспект / Т. А. Ширяева — ООО «Бук», 2017. – С.23.
11. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2018. – С.3.

# ФАЛСАФА

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ҒОЯВИЙ ТАРБИЯ

Абдуразоқов Гулмурод,  
Термиз Давлат университети  
фалсафа кафедраси ўқитувчиси, ф.ф.б.ф.д PhD

**Аннотация:** Мақолада миллий ғоя ва мафқурани аҳоли онгига сингдиришда таълим тизимининг муҳимлиги бу жараёнда ғоявий тарбияни олиб боришнинг методлари, шакллари, воситалари, уларнинг назарий асослари масалалари баён этилган.

**Калит сўзлар:** таълим тизими ғоявий тарбия, ёшлар, ўқувчи ўқитувчи, тарбия усуллари, воситалари, долзарблиги.

**Аннотация:** В статье анализируются важность образовательной системы при формировании идейного воспитания населения в частности молодежи, методы, формы, средства идейного воспитания, теоретические основы идейного воспитания.

**Ключевые слова:** образовательная система идейное воспитание молодежь ученики, учителя методы, средства, актуальность идейного воспитания.

**Summary:** The article analyses the importance of the educational system for the formation of educational education of the population in particular young people, methods, forms, means of going education, theoretical foundations of going education.

**Keywords:** educational system of education of young people pupils, teachers methods, means, relevance of education.

Миллий ғоя ва мафқурани юртдошларимиз онги ва қалбига сингдириш муҳим масала бўлиб, одамларни, аввало ёшларни эзгу ғояларга ишонтириш, уларни уюштириш, олийжаноб мақсадлар сари сафарбар этишда маънавий руҳий жиҳатдан улкан аҳамият касб этади. Чунки халқнинг руҳи кайфияти ҳиссий кечинмалари ва фаолият кўрсатишга шайлиги, унинг ҳаракат дастури бўлган умуммиллий ғояга ишончи билан белгиланади. Ана шундай ишонч жамият аъзоларида мустаҳкам эътиқодни шакллантириб, уларни янада жипслаштиради, мамлакат фуқароларнинг ўзаро тотув, дўст ва иноқ бўлиб яшашига, ўз манфаатларини Ватан манфаатлари билан уйғунлаштиришга чорлайди. Бундай мустаҳкам эътиқодга эга бўлган, комил ишонч асосида ўз ҳаётий йўлини аниқ белгилаб олган инсон ёт ва зарарли ғоялар таъсирига асло берилмайди, ўткинчи қийинчиликларга бардош беради. Жумладан, 2020 йилда коронавирус пандемиясининг жаҳондаги кўплаб мамлакатларга, хусусан Ўзбекистонга ҳам тарқалиши Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг қайта-қайта қайд қилганидек аҳолимизни яна бир марта синаб кўрди, оғир табиий офатлар ҳам шундай қилди. Натижада саҳоват ва кўмак акцияси юртимизда кенг тарқалди. Бу соҳада деярли барча аҳоли фаол қатнашмоқда. Шу маънода миллий ғоя халқимизнинг янги жамия қуриш борасидаги ҳаракат дастури десак, муболаға бўлмаса керак.

Кишилар, аввало, ёш авлод қалбига ишонч руҳини бахш этиш, миллий ғоянинг аждодларимиз бебаҳо мероси ва умумбашарий қадриятларга таяниши, ёшларни комил инсонлар этиб тарбиялашга ундаши мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига уйғунлашиб боришини назарда тутиш каби муҳим омиллар орқали таъминланади. Бу ғоя меҳнаткашлик, иродалилиқ, сабр-тоқат, меҳр оқибат, каттага ҳурмат, кичикка иззат, яхшиларга эргашиш, ёмондан қочиш каби халқимизнинг ажойиб фазилатларини янада оширишга хизмат қилади. Бу борада айниқса Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури, хусусан, тайёрланаётган янги таҳрири таълим тизимида муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Призеденти И.А.Каримов Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури ва бутун таълим тизимининг ислоҳати ҳақида "...ҳаётимизни ҳал этувчи муҳим масалалар қаторида таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш уни янги замон талаби даражасига кўтариш, баркамол авлодимиз келажагига дахлдор қонун лойиҳалари ҳам бор" (:9) деган эди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ёшларга жуда катта маъно буюк маъно беради: мақсад ва вазифалар стратегиясидан тортиб то таълим-тарбия жараёнининг ҳамма қирраларига оид аниқ дастурлар мажмуасигача ҳар бир негизда инсон асосий омил ҳисобланади.

Кадрлар тайёрлаш тизимида шахс бош субъект сифатида қаралади, у бир вақтнинг ўзида таълимий хизматларнинг ҳам истеъмолчиси, ҳам яратувчиси ҳам деб қаралади. Жамият ва давлат, ишлаб чиқариш, фан ва узлуксиз таълим баркамол ижодкор, шахснинг шаклланишида кафолат ҳисобланади.

Ёшларнинг ўқимишлилиги ва уларнинг яратувчанлик малакаси Миллий дастурни амалга оширишнинг асосий натижаси бўлмоғи даркор. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов Миллий дастур тўғрисидаги ўз нутқида: “Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин”, (:10) деб таъкидлаган эдилар. Инсоннинг яратувчилиқ маҳорати-малакаси эса иқтисодийётнинг рақобатбардошлигини аниқлайди ва бу ўз оқибатида инсон ва жамиятнинг фаровонлигини аниқлайди.

Таълим тизимида таълим-тарбия, хусусан гоёвий тарбия системали ёндашув асосида қурилган. Бу усулда бир мақсадда, фаол қатнашувчи, ўзига мустақил ва айни пайтда ўзаро таъсир доирасида узвий боғланган бир неча тузилмалар ягона система деб қаралади. Улар қуйидагиларда яққол кўзга ташланади:

1. Ўқувчи-ўқитувчи –оила-жамият-давлат занжирсимон боғланган система ва вертикал йўналишида;

2. “Мақтабгача таълим-умумий ўрта таълим-ўрта махсус, касб-ҳунар таълими-Олий таълим-олий ўқув юртидан кейинги таълим” тизимида узвий боғланган система.

3. Таълимнинг барча турларида миллий уйғониш ва умумбашарий қадриятлар устуворлиги мафқураси асосида ўқувчиларнинг маънавий ахлоқий, гоёвий сифатларини ривожлантириш.

4. Инсон идроки, ақл-заковатини ўлчаш ва баҳолаш, уни ўстириш ўқувчиларнинг қобилиятлари ва одамийлик сифатларини ривожлантириш муаммолари бўйича, шунингдек ўқитиш, тарбиялаш ва меҳнат фаолиятига тайёрлаш жараёнида шахснинг касб-кори мутахассиси бўлиб етишиши муаммолари бўйича психологик-педагогик тадқиқотларни бажариши.

5. Ўқувчиларнинг билим олиш қобилиятларини ўстириш ва уларнинг сифатли таълим олиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

6. Иқтидорли ва истеъдодли ёшлар билан ишлашни такомиллаштириш.

7. Таълим тизимидаги кадрлар салаоҳиятини сақлаш ва такомиллаштириш, илмий ходим ва ўқитувчи, муаллим ва тарбиячи касбининг нуфузлилигини ошириш, мавқеини кўтариш.

8. Таълим тизимининг ходимлари, илмий ва ўқитувчи кадрларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий, маданий-таълимий касбий малака савиясини ошириш.

9. Таълим тизимининг ходимлари, илмий педагогик кадрлар ҳамда ўқитувчиларнинг давлат томонидан ижтимоий ҳимоясини такомиллаштириш.

Ҳозирги вақтда таълим тизимида гоёвий тарбияни кучайтириш мақсадида қуйидаги стратегик вазибалар белгилаб қўйилган:

1. Инсоннинг актив фаолияти ҳамда таълим жараёнида пайдо бўладиган илмий услубий муаммоларнинг маънавий-ахлоқий, гоёвий тарбия ва шахс улғайишининг моҳиятини ўрганиш.

2. Маърифий ишлар ва маънавий-ахлоқий, гоёвий тарбия усулларини аниқлаш, миллий азалий, умумбашарий ва диний қадриятлар, мерослардан самарали йўллар топиш.

3. Маърифий ишлар ва маънавий-ахлоқий гоёвий тарбия жараёнини бошқариш тизимини такомиллаштириш, ёшларнинг маънавий эҳтиёжларини тўла қондириш.

Ўқувчилар орасида олиб бориладиган гоёвий тарбияда қуйидагилар кўзда тутилган:

1. Ёшларда фидойилик, миллий ғурур, она тилига чуқур ҳурмат туйғуларини, бошқа халқларнинг урф-одатлари ва маъданияти, тарихига ҳурмат байналминалчилик, тинч-тотувлик учун жавобгарлик ва бурч ҳиссиётларини шунингдек, катталарга ҳурмат, одоблилик ва поклик, ишга чанқоқлик, ҳақиқатпарварлик, қонунчиликка риоя қилиш, меҳнатсеварлик, тадбиркорлик каби бир қатор хислатларни шакллантириш.

2. Ёшларнинг этетик дид, фаросат, эътиқодини ўстириш, уларни санъат гулшанидан авлод-аждодларимизнинг бой моддий ва маънавий мероси ва умумжаҳон сивилизацияси эришган санъат намуналаридан баҳраманд қилиш.

3. Келажаги буюк давлат барпо этишга йўналтирилган ижодий ва фуқаролик фаоллигини шакллантириш.

4. Соғлом турмуш тарзи учун шарт-шароитларни яратиш.

5. Узлуксиз таълимнинг ҳамма табақаларида маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишларни услубий ва ташкилий таъминлаш.

Таълим тизимида ғоявий тарбияни кенг йўлга қўйиш мақсадида I-IV синфларда “Одобнома”, V-VI синфларда “Ватан туйғуси”, VII синфда “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, VIII-IX синфларда “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча та-мойиллар”, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим бакалаврият ва магистратура босқичида “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанларини ўқитиш 2001 йилдан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Призеденти И.А.Каримовнинг фармонида биноан жорий қилинди. Кейинроқ эса олий таълимда 2017 йилдан “Миллий ғоя ва ҳаракатлар стратегияси” номи билан бу фаннинг номи ўзгартирилди. Ўрта таълимда эса I-XI синфларда ўтилатган фанлар “Тарбия” фани деб умумлаштирилди.

2019 йилда Президент Ш.М.Мирзиёев илгари сурган беш ташаббус ёшлар тарбияси олдида, таълим тизими соҳасида улкан вазифаларни белгилаб берди. Ўтган йиллар давомида ғоявий тарбия соҳасида анчагина тажрибалар қўлга киритилди, лекин ҳали айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Лекин таълим тизимида амалга оширилаётган ишларнинг асосий мақсади, айниқса, ўқувчиларни бегона, зарарли ғоялар таъсирига берилиб кетмайдиган баркамол инсонлар қилиб тарбиялашдан иборат.

Мустақиллигимизнинг янада мустаҳкамланиб бориши, юксалиш босқичида амалга ошириладиган туб ўзгаришларимиз, таълим тизимининг янада такомиллашуви, шубҳа йўқки, ўйланган режаларнинг яқин келажакда тўла амалга ошувига олиб келади. Ватанимиз эса бунинг оқибатида буюк давлатлар сафига киради. Халқимизнинг турмуш тарзи, фаровонлиги аҳиллиги, истеъдоди янада ошади.

### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси –Т.: “Ўзбекистон”, 2019
2. Каримов.И. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат, қилишга хизмат этсин. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998
3. Каримов.И. Миллий истиқлол мафқураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000
4. Каримов.И. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000
5. Каримов.И. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори – Т.: “Ўзбекистон”, 2000
6. Мирзиёев.Ш. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017
7. Мирзиёев.Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018
8. Худойбердиева.Т. Миллийлик: кўринишлари, муаммо ва ечимлари. – Термиз: “Сурхон нашр”, 2019

### **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТДА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЁШ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Турсунов Муҳиддин,**  
*Термиз давлат университети Фалсафа  
кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди*

**Аннотация:** Янги Ўзбекистонда тараққиёт стратегиясининг амалдаги ислоҳатларида шаклланган ўрта махсус таълим муассасаларида ҳар томонлама мустаҳкамланиб, ўрта махсус таълим муассасаларининг моддий-техника таянчлари жаҳон андозаларига мослаштирилиб, ёш баркамол авлодни тарбиялаш учун ҳамма имкониятлар яратилмоқда.

**Калит сўзлар:** *ўрта махсус таълим муассасалари, юксак ахлоқ-одоб қоидалари, тарбия, оила, баркамол авлод, ички ишлар идоралари.*

**Аннотация:** *средние специальные образовательные учреждения, образованные в ходе текущих реформ стратегии развития в Новом Узбекистане, всемерно укрепляются, материально-техническое обеспечение средних специальных учебных заведений адаптируется к мировым стандартам, создаются все возможности для воспитания подрастающего поколения. .*

**Ключевые слова:** *средние специальные учебные заведения, высокие нравственные нормы, воспитание, семья, зрелое поколение, органы внутренних дел.*

**Abstract:** *secondary special educational institutions formed in the current reforms of the development strategy in New Uzbekistan are strengthened in every way, the material and technical supports of secondary special educational institutions are adapted to world standards, and all opportunities are created to educate the young generation.*

**Key words:** *secondary special educational institutions, high moral rules, education, family, mature generation, internal affairs agencies.*

Янги Ўзбекистон шароитда инсон аслида бахт ва эзгулик учун дунёга келади, шу орзу-умид билан яшайди. Лекин бу билан иш битмайди, у шу ниятига етиши учун ҳаракат қилиши, меҳнат қилиши яхшилик кўриши учун яхшилик қилиши лозим. Инсоннинг инсон бўлиб шаклланишида, ҳаётда ўз ўрнини топишида, эл-юрт ичида иззат-хурматга сазовор бўлишида, юксак ахлоқ-одоб қоидаларини ўзида мужассам этишида коллежларида таълим олаётган ўқувчиларнинг оилалари асосий ўринни эгаллайди. Оила шундай маконки, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи шахс шаклланади, этник маданият, урф-одатлар, ахлоқий-маънавий кадриятлар сақланади ва ривожлантирилади, жамият тараққиётини белгиловчи иқтисодий ва маънавий ҳаёт пойдевори кўйилади ва мустаҳкамланади. Ахир оила аҳил ва тотув бўлса, жамиятда тинчлик ва ҳамжихатликка эришилади, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Ўрта махсус таълим муассасалари учун оилада тарбиянинг негизларига асос солинади. У болада шаклланиши лозим бўлган барча инсоний муносабат ва фазилатларни тарбияловчи ҳаёт мактаби ҳисобланади, Ўзбек халқи табиатан болажон халқ. Ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчига нисбатан бағри кенглик, меҳри дарёлик, ўта фидойилик ўзбекларгагина хос хусусиятдир. Шу боисдан ҳам, ота- оналаримиз фарзандларнинг бахти ва келажаги учун қайғуради. Уларнинг пухта билим олишлари, қизиқишлари бўйича касб-ҳунар эгаллашлари, ахлоқ-одоб қоидаларини мукамал билишлари ва уларга амал қилишлари учун мавжуд имкониятларни яратадилар. Чунки оилада болани тўғри тарбиялаш мустаҳкам пойдеворли жамият барпо этилишининг гаровидир. Ўрта махсус таълим муассасаларида ўқувчи тарбияси кенг қамровли, узоқ давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ушбу жараён турмуш курадиган йигит ва қизнинг бир-бирига ҳар томонлама муносиблигидан бошланади.

Ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олишга тайёрланаётган ўқувчиларнинг ота-онасининг соғ-саломатлиги, насл-насаби, дунёқараши, ички ва ташқи дунёси, ахлоқ-одоби, моддий ва маънавий даражасининг мослиги, турмуш қуришга маънавий ва жисмоний тайёрлиги фарзанд кўриш на унинг тарбиясида-муҳим аҳамиятга эга. Ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларнинг оиласининг мустаҳкамлиги, маънавий ва жисмоний баркамол фарзанд жамият мустаҳкамлиги ва маънавий етуқлигининг гаровидир. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳам ўғил уйлантиришда келин танлашни, фарзанд тарбиясини давлат сиёсати даражасига кўтарганлиги ҳам бежиз эмас. Давлатнинг кудрати - соғлом фикрли, билимли, ахлоқ-одобли, халқ, миллат, Ватан тақдири учун жонни тиккан инсонлар кўлида.

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган сиёсатнинг устувор йўналишлари ҳисобланадиган аёлларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини ошириш, Ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларнинг оиласини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, оилада ва таълим тизимида ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган муҳим ишларнинг негизда ҳам айнан шу ғоя ётибди. Миллат генафондини сақлаш – айнан шундан бошланади. Ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларнинг оиласини эркак ёки аёл насл-насабида мавжуд ирсий касалликлар, маънавий қашшоқлик каби келгуси авлодлар тақдири, миллат келажаги учун ҳам хавфлидир. Дарҳақиқат, Ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларнинг оиласининг бахт-саодатини, роҳат-фароғатини ўйлаган одам шу масалаларни ҳам назардан четда қолдирмаслиги шарт. Чунки, ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларнинг оиласидаги

фарзанд эркак ва аёлнинг меҳр-муҳаббат асосида қурилган ихтиёрий иттифоқининг мевасидир. Абдурауф Фитрат айтганидек: "...уйланишнинг биринчи мақсади фарзанддир. Авлодни тарбиялаш инсониятнинг хизматидир. Қачонки биз яхши ахлоқ эгаси бўлган фарзандларни тарбияласак, шундагина бўйнимиздаги бу хизмат мажбурияти соқит бўлади. Кимки, бадахлоқ болаларни тарбия этса, инсониятга хизмат эмас, балки душманлик қилган бўлади, Жамият уларнинг фарзандларидан безор бўлади. Хуш ва яхши ахлоққа эга бўлган фарзанд, хушахлоқ иймон соҳиби бўлган ота-онадан бўлади, агарда ота-она ахлоқсиз бўлсалар уларнинг тарбиялари соясида ўсган фарзанд ҳам бадахлоқ бўлади. Бинобарин, куёв ва келин хушахлоқ бўлишлари энг яхши фазилатдир".

Ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларнинг оиласини бир -бирига майли, муҳаббати асосида қурилган никоҳ мустаҳкам бўлади. Шу никоҳ асосида дунёга келган фарзанднинг бахти барқарордир. Ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчилар оилани гултожисидир, эр-хотин ўртасидаги муҳаббат ришталарини боғловчи қимматли кўприқдир, ҳаётнинг ширинлиги, қайноқлиги, аччиқ-чучуқлиги, тасодифларга бойлиги – фарзанд билан. Шунинг учун ҳам халқимиз ичида “Болалик уй бозор, боласиз уй мозор”, “Болалик хотин – гул хотин, боласиз хотин тул хотин”, “Қизгинамнинг боласи – боғимнинг гул-лоласи”, “Болалилар бош бўлар, боласизлар ёш бўлар” “Бола – эр-хотин тилмочи”, “Одобли ўғил – кўкдаги юлдуз, одобли қиз – ёқадаги қундуз” каби кўплаб халқ мақоллари бежиз айтилмаган.

Ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларнинг оиласидаги фарзанд тарбияси у пайдо бўлмасдан бошланмоғи зарур. Яъни, ҳомиладор аёлнинг кайфияти доимо кўтаринки, асаблари сокин, истеъмол қиладиган таомлари бола организми учун фойдали бўлмоғи зарур. Ўз вақтида меҳнат қилиб, дам олиб, сайр қилиб, овқатланиб турилажак бола тақдирини ўйлаш онанинг вазифасидир. Ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларнинг оиласидаги эр-хотин оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги соғлом маънавий муҳит, аҳиллик, хушмуомалалик, хурсандчилик боланинг бежавотир, соғлом туғилиши гаровидир. Ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларнинг оиласида баъзан оилада учрайдиган эр-хотин, қайнона-келин ва бошқалар ўртасидаги бир-бирига нисбатан ҳурматсизлик, ўзаро низо, уруш-жанжаллар, ҳомиладор аёлни авайлаб-асраш ўрнига оғир меҳнат қилишга мажбурлаш, хўрлаш, ҳатто унга қўл кўтариш боланинг касалманд, ногирон, жиззаки бўлиб туғилишига сабаб бўлади. Ота-онадаги энг яхши хусусиятлар ҳам, ёмон хусусиятлар ҳам ирсий йўл билан болага ўтиши табиийдир. Ҳатто туғилмаган болада она қорнидаёқ ота-онага нисбатан меҳр шакллана бошлайди. Баъзан эр-хотиннинг бола дунёга келмасдан “Агар фарзандимиз қиз бўлса, тўғри отангни уйига кетасан” ёки “Туғруқхонага йўқлаб боришимни кутмагин” каби хархашалар билан жанжал кўтариши албатта бўлажак она учун ҳам, бола учун зарарли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Шунинг учун болани у туғилмасдан тарбияламоқ хусусида халқ донишмандлигига амал қилмоқ зарур. Бир киши янги туғилган чақалоқни донишманд олдига олиб келиб: “Тақсир боламга қачондан тарбия бера бошлай?” – дебди. “Болангизни дунёга келганига неча кун бўлди?” – дебди донишманд. “Икки ой, тақсир”, - дебди ота. “Аттанг, сиз анча кеч қолибсиз тарбияни онасининг қорнидалигидан бошлашингиз керак эди” – дебди донишманд. Оила жамиятимиз пойдевори, унинг мазмун ва моҳияти фарзанд билан боғлиқ жараён бўлиб, фарзандни одобли, билимли, диёнатли, касб- ҳунарли қилиб тарбиялаш ҳар бир ота- онанинг муқаддас бурчидир. Ана шу маъсулиятни бажараолган ота- она давлат, жамият энг муҳими маҳалла олдидаги вазифасини виждонан бажарган бўлади.

Ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олаётган ёш авлодни ҳуқуқий маданиятли қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор берилиб, мустақилликни дастлабки даврдан бошлаб огоҳлик ва ҳушёрликни сақлаш ишларига эътибор кучайди. Ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларга терроризмга қарши кураш, диний экстремизм ва миссионерликнинг олдини олиш бўйича муҳим амалий ишлар қилинди.

Ўзбекистондаги ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларга ҳуқуқий онгини ошириш ва ижтимоий-иқтисодий, маданий турмуш тарзини яхшилаш ишлари мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширилди. Ўрта махсус таълим муассасаларини ташкил этилиш натижасида 2018 йилдан бошлаб Тошкент, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Наманган, Хоразим, Қароқалпоқ, Жиззах, Сурхондарё вилоятларида ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчилар ўртасида ижтимоий- иқтисодий ҳимоя қилиш чора тадбирлаи ишлаб чиқилди. Сирдарё, Қашқадарё, Фарғона, Навоий вилоятларидаги ўрта махсус таълим муассасалари қошида ҳуқуқий онг ва сиёсий маданиятни тарғиб этувчи ташкилотлар ҳамкорлигида “Янги Ўзбекистон ва унинг халқимиз ҳаётидаги ўрни” мавзусида

турли тадбирлар ташкил этилди. Янги тараққиёт стратегияси дастурлари асосида ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларни ижтимоий иқтисодий аҳвол яхшиланиб, маънавий-маърифий ишлар йўлга қўйилди.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилатган сиёсат туфайли ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчилар таълим олаётган муассасаларда миллий – ҳуқуқий онг билан боғлиқ тадбирлар, хушёрлик-огоҳликка чорловчи йиғилишлар ташкил этилиб, терроризмга, гиёҳвандликка қарши кураш чора тадбирлари ҳақида фикр мулоҳазалар ўтказилди. Янги Ўзбекистон шароитда Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Қарақолпоқистондаги ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларга «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг муҳокамасида аҳолига ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғоялари сингдирилди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудларидаги ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларга «Диний экстремизм, терроризм ва унинг оқибатлари» мавзулари туркумига кирувчи услубий қўлланмалар, видеоролик ва видео-тасмалардан фойдаланган ҳолда ҳуқуқий онг ва маданиятга оид видеофильмлар намойиш этилди. Бундан ташқари барча республика Халқ таълим вазирлиги муассасаларида фойдаланиш учун кўргазмали воситалар, ўқув методик қўлланмалар тарқатилиб, халқ таълим муассасаларида бурчаклар ташкил этилиб, олимлар, мутахассислар иштирокида маърифий ислом ғояларининг моҳиятини тарғиб қилишга қаратилган давра суҳбатлари ташкил этилди. Республиканинг ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларга «Ислом жиҳоди гуруҳи», «Толибон ҳаракати», «Хизбут таҳрир», «Ваҳобийлик», «Нурчилик» ва «Диний фундаментализм» ҳаракатларининг салбий оқибатлари тўғрисида давра суҳбатлари ўтказилди. Ушбу тадбирларда халқ таълими ва касб –хунар бошқармаси ёшлари иштирок этиб, ўқувчи ёшларнинг динга нисбатан тўғри эътиқодини шакллантириш мақсадида туман ва шаҳарларда маънавият кенгаши аъзолари жалб қилиниди. Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлари талабалари, академик лицей, ўрта махсус таълим муассасаларида ва халқ таълими мактаблари ўқувчилари орасида ўрта махсус таълим муассасалари томонидан турли хил тадбирлар мунтазам ўтказилди. Ўқувчи – талабалар ва ёшлар ўртасида тегишли давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар, жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда барча умумтаълим мактаб, академик лицей, ўрта махсус таълим муассасаларида учрашувлар ўтказилди. Ёшлар ва вояга етмаганлар орасида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш, унга қарши кураш, уларни турли салбий таъсирлардан, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби иллатлардан сақлаш мақсадида мустақиллик йилларида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда давра суҳбатлари ўтказилди. Ўрта махсус таълим муассасаларида талабалар-ўқувчилар ўртасида ёшлар содир этилган ҳар бир ҳуқуқбузарлик ва жиноятга “Фавкулотда ҳолат” деб қаралиб, уларнинг келиб чиқиш сабаби, уларга яратилган шарт-шароитлар, омилларни ўқув муассасалар педагогик жамоаси, ёшлар ижтимоий ҳаракати ва талаба ўқувчиларнинг умумий йиғилишларида, улар истиқомат қилаётган маҳаллаларда, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар иштирокида бундай салбий ҳолатларга йўл қуймаслик мавзуларида суҳбатлар уюштирилди. 2022 йил Ўзбекистон Республикасидаги ўрта махсус таълим муассасаларида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳамда нохуш ҳодисаларни олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Ички ишлар идоралари, халқ таълими, ўрта-махсус таълими бошқармалари “Маҳалла” жамғармаси, ёшлар ижтимоий ҳаракатининг масъул раҳбар ходимлари томонидан “Огоҳлик давр талаби”, “Ўз уйингни ўзинг асра”, “Гиёҳвандлик аср вабоси” каби мавзуларда давра суҳбатлари, йиғилишлар ва ўқув машғулоти ўтказилиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасидаги Баркомол ёш авлодни таълим жараёнидан бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлаш мақсадида ўрта махсус таълим муассасаларидаги кутубхона, ўқув ва спорт заллари, маърифат хоналари, милиция таянч манзилгоҳлари атрофидаги спорт майдончалари, фан, спорт тўғарақлари, кичик бизнес шахобчалари мунтазам равишда фаолият юритди. Бундан ташқари ёшлар онгига соғлом турмуш тарзини сингдириш мақсадида улар билан меҳнат фахрийлари, II-жаҳон уруши катнашчилари, шоирлар, ёзувчилар, санъаткор ва профессор ўқитувчилар билан учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси “Маҳалла” жамғарма тизими ҳамда фуқаролар йиғинларида оила ва хотин-қизлар йўналиши бўйича ва фуқаролар йиғинлари диний маърифат ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари мунтазам ишлар олиб борилиб катта ижобий ишлар амалга оширилди.

Ўрта махсус таълим муассасалари педагоглари ўртасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш,

оилада эркаклар масъулияти, оила муқаддаслиги каби қадриятларни тарғибот, ташвиқот қилиш. Ўрта махсус таълим муассасалари вилоят бошқармаси хузуридаги турли йўналишлар бўйича комиссиялар ва кенг жамоатчилик фаоли 2022 йилда ушбу тадбирларни амалга ошириш бўйича тасдиқланган жадвал асосида “Фарзандлар тарбиясида ота-онанинг вазифалари”, “Оилада отанинг ўрни” мавзуларида ҳар бир оилада эркаклар масъулиятини оширишга қаратилган давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилди. Оналар ва болалар ўлимининг олдини олиш мақсадида фертил ёшидаги аёлларни вақтида тиббий кўриқдан ўтказиб, исталмаган хомиладорлик ҳамда ёш ва катта ёшли аёллар орасида туғруқ кўрсаткичларининг олдини олиш мақсадида туманларда ҚВПлар ва шаҳар поликлиникалари, аёллар маслаҳатхоналарида контрацептик воситалардан педагоглар кенг кўламда фойдаланилди.

Республика ўрта махсус таълим муассасаларида ишлаётган педагоглар ўртасида оилада никоҳ муносабатларининг қонунийлигини таъминлашнинг аҳамияти ҳақида тушунтириш ҳамда тарғибот ишларида фуқаролар йиғинлари таркибидаги Тўй-хашам ва маросимларни ўтказиш комиссияси фаолияти кенг йўлга қўйилди. Педагог ёшларнинг репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш масалалари бўйича билимини ва тиббий маданиятини ошириш, ҳамда аҳолининг кенг қатламларига тушунтириш ишларини узлуксиз равишда ташкил этиш мақсадида “Бахтли она бўлинг”, “Ёш оналарга”, “Азиз келин куёвларга” ва “Ўсмирлик даври ҳақида”, “Уғил болалар балоғат даври” ва “Қиз болалар балоғат даври” мавзусида брошюралар олиб келиниб тарқатилди. Сурхондарё вилоятдаги ўрта махсус таълим муассасаларида ишдаётган педагогларга тўй-хашам ва маросимларни ўтказиш комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тадбирлари амалга оширилди. Расмий ёш педагогларни никоҳдан ўтмасдан шайри никоҳ билан яшаётган оилалар аниқланиб, улар билан доимий равишда тушунтириш ишлари олиб борилиб, оила қурувчи ёшларнинг рўйхати шакллантирилган, улар билан тиббий кўриқ, никоҳ муносабатлари ва оила масъулияти ҳақида суҳбатлар ўтказилди. Никоҳ тўйларини ўтказишда тежамкорликка амал қилиш, тўйларни камҳаражат ўтказиш бўйича ўрта махсус таълим муассасаларида ташкил этилган комиссиялар аъзолари иштирокида давра суҳбатлари ўтказилди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев У.И. Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослиги. - Т.: Akademiya, 2009. - Б. 142;
2. Аминов Б. Расулов Т. Ватан-юрракдаги жавоҳир. Т., Ўқитувчи 1996. 158-б.
3. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри.-Т., Халқ мероси, 1993 й.224 бет.
4. Бобоев Ҳ., Норматов К. Миллий давлатчилик ҳақида.-Т., Ўқитувчи, 1999.
5. Бойдадаев М. Фуқаролик жамият ва давлат бошқарувининг долзарб муаммолари.-Т.: ТДЮИ, 2003.
6. Боймуродов Н. Раҳбар психологияси. Т..”Янги аср авлоди” 2007. 327-б. Ватан туйғуси. Т., ”Ўзбекистон” 1996. 397 –б.
7. Ваҳобов А. Давлат ҳокимиятининг маҳаллий бошқарув ва ўзини-ўзи бошқариш органлари. // Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат.-Т.: Адолат, 1995.-145-б.
8. Жалилов.Ш. Маҳалла янгиланиш даврида. Т., Меҳнат. 1995 й.72 бет.
9. Жалилов.Ш. Маҳалла; ўзини-ўзи бошқаришининг ҳуқуқий кафолати. Т., №-1. Босмаҳона, 1999 й.320 бет.
10. Набиев Р.Маҳалла – ҳаёт кўзгуси. Т., “Ўқитувчи”. 2002 й. 96 бет.
11. Маҳмудов.М. Аҳли дил .Т.,”Ўқитувчи”.1997.6-210.
12. Очиллов Ш. Ижтимоий ўзини-ўзи бошқариш: тажриба ва муаммолар. –Т., “Ўзбекистон”. 1990 й.
13. Турсунов.С.Н. Раҳбар маънавияти.Т.,”Фан”. 2009.35-б.
14. Тўракулов.М. Маҳаллий ҳокимият тизимини эркинлаштириш юзасидан айрим хулосалар // Ҳуқуқ, Право, Law/ 2004.

# ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

## AYRIM TOIFADAGI XODIMLAR MEHNATINI TARTIBGA SOLISH XUSUSIYATLARINING MAZMUNI

**Erniyazov Djamshid Eshdavlatovich,**  
*Termiz davlat universiteti erkin tadqiqotchisi*

**Annotatsiya:** maxsus huquqiy tartibga solish xodimlarning ayrim toifalarini vujudga keltiradi. Mehnat huquqida differentsiatsiyaning maqsadi xodimlarni toifalarga ajratish emas, balki mehnatini tartibga solish xususiyatlari aks etgan xodimlar toifasini ko'rsatib berishdan iborat. Ayrim toifadagi xodimlar mehnatini tartibga solish xususiyatlarining mazmuni haqida so'z boradi.

**Kalit so'zlar:** mehnat, xodimlar, Mehnat huquqi, Mehnat kodeksi, korxonalar rahbarlari.

**Аннотация:** специальное правовое регулирование создает определенные категории работников. Целью дифференциации в трудовом законодательстве является не разделение работников на категории, а указание категории работников, особенности регулирования труда которых отражаются. Обсуждается содержание особенностей регулирования труда отдельных категорий работников.

**Ключевые слова:** труд, работники, Трудовое право, Трудовой кодекс, руководители предприятия.

**Abstract:** special legal regulation creates certain categories of employees. The purpose of differentiation in labor law is not to divide employees into categories, but to indicate the category of employees whose labor regulation features are reflected. The content of the features of labor regulation of certain categories of employees is discussed.

**Key words:** labor, employees, Labor law, Labor Code, enterprise managers.

Huquqiy tartibga solish ehtiyoji obyektiv zaruriyatdir. Zero, muntazam maromlilik va batartiblik har qanday ishlab chiqarish usulining talabi bo'lib, u shu tufayli ijtimoiy barqarorlik hamda mustaqillika ega bo'ladi. Huquqiy tartibga solish huquqiy ta'sir etishning nisbatan mustaqil va faol ko'rinshilaridan biridir. Huquqiy tartibga solish - ijtimoiy munosabatlarga huquq yordamida ularni umummajburiy, normativ tarzda tartibga solish maqsadida ta'sir etish jarayonidir[1].

Mehnat huquqining differentsiatsiyasi "mehnatni tartibga solish xususiyatlari"ning tushunchasi va mazmuni, shuningdek "ayrim toifadagi xodimlar" doirasi bilan bevosita aloqador hisoblanadi.

"Xususiyat" so'zi "o'ziga xoslik", "alohidalik", "ayrimlik" ma'nolariga ega bo'lib, u biror narsa yoki kimsaning o'ziga xos, boshqalardan ajralib turadigan tomoni, o'ziga xos belgisini anglatadi[2].

Ta'kidlash lozimki, Mehnat huquqida differentsiatsiya xodisasining yana bir ahamiyatli tomoni unda differensial normalarning mavjud bo'lishi va ularning vositasida maxsus huquqiy tartibga solishning vujudga kelishidir. Huquqiy normalarning umumiy va maxsusga bo'linishi normalar harakatining xajmiga ham taalluqlidir. Mazkur holatda umumiy normalar deganda muayyan munosabatlarning butun turiga tatbiq etiladigan. maxsus normalar esa muayyan munosabatlar turi doirasida amal qiladigan yuridik normalar tushuniladi. Huquqshunoslikda umumiy va maxsus normalarning o'zaro munosabati, shuningdek maxsus huquqiy tartibga solishning nazariy-huquqiy masalalari doimo o'rganib kelingan. Jumladan. B.Ya.Rozin umumiy va maxsus normalarning munosabatini quyidagicha belgilaydi: "maxsus qonun umumiy qonunni bekor qiladi". Har bir aniq holatda birinchi navbatda mazkur munosabatlarni tartibga solish uchun maxsus qabul qilingan normalar qo'llanilishi lozim. U umumiy va maxsus qonunchilikning o'zaro munosabati masalasi bo'yicha V.S.Andreyev quyidagilarni ta'kidlaydi: "ayrim toifadagi xodimlar mehnatini tartibga solishning alohida qoidalarini o'rnatuvchi maxsus normalar

qonunda to'g'ridan-to'g'ri ularning bekor qilinishi nazarda tutilmagan bo'lsa, mehnat qonunchiligi umumiy normalari o'zgartirganda ham yuridik kuchini yo'qotmaydi". F.B.Shtivelbergning ta'kidlashicha, mehnatni huquqiy tartibga solishdagi differentsiatsiya maxsus normalar umumiy normalar amal qilishining bekor bo'lishini tasdiqlovchi mualliflarning qarashlarining unchalik to'g'ri deb hisoblamaydi. Buni faqat mehnat huquqi rivojining dastlabki davri uchun xos bo'lgan holat sifatida tushuntiradi. Mehnat huquqining differentsiatsiyasi uchun uning keyingi bosqichlarida maxsus normalarni umumiy normalar bilan bir qatorda amal qilishi xosdir. Mazkur normalar bilan qo'shimcha normalar o'rnatiladi, ular mehnat munosabatlari sub'yektlariga nisbatan umumiy normalarni qo'llashni istisno qilmaydi. aksincha ularning amal qilishini taqozo qiladi. Masalan. korxonalar rahbari va uning o'rinbosarlarini mehnat majburiyatlarini bir marta qo'pol ravishda buzganligi munosabati bilan ishdan bo'shatish haqidagi maxsus norma xodimning intizomiy javobgarligi to'g'risidagi umumiy normalar yordamida amalga oshadi[3]. Ayrim toifadagi xodimlar uchun belgilangan mehnat huquqi normasidagi differentsiatsiya (farq) huquq normalarida, ya'ni maxsus normativ huquqiy hujjatlarda va umumiy tusdagi hujjatlarning maxsus normalarida namoyon bo'ladi[4].

Garchi ayrim toifadagi xodimlar iborasi mehnat qonunchiligida qo'llanilgan bo'lsa-da, ushbu guruh xodimlarni alohida toifadagi xodimlar deb nomlash maqsadga muvofiq ekanligi to'g'risidagi fikrlarga ham duch kelish mumkin. Masalan huquqshunos A.Jumag'ulovning fikricha, "ayrim toifadagi xodimlar" tushunchasiga ta'rif berilmagan va bu toifaga kimlar kirishi mumkinligi ko'rsatilmagan. Shuningdek, uning ta'kidlashicha, "ayrim toifadagi xodimlar" atamasi o'rniga "alohida toifadagi xodimlar" atamasini ishlatish mantiqan to'g'ri bo'ladi[5]. Mazkur olimning bu toifani alohida toifadagi xodimlar deb nomlash haqidagi taklifiga qo'shilib bo'lmaydi. O'zbek tilining izohli lug'atlarida "ayrim" so'zi o'ziga mustaqil, alohida, yakka, ba'zi, ba'zi bir ma'nolarini anglatishi ko'rsatilgan. "Alohida" so'zi esa arab tilidan olingan bo'lib, ajratilgan, bo'lak holda, boshqalardan xoli, ayrim, o'ziga mustaqil, bo'lak, o'ziga xos, boshqalardan farq qiladigan. ajralib turadigan, boshqacha degan ma'nolarni izohlashi belgilangan [6]. Yuqoridagilardan har ikki so'zning bir xil ma'noni anglatmasligini ko'rishimiz mumkin. Chunonchi ayrim so'zi butunning bir qismini tashkil qilib, butunni inkor etmagan holdagi o'ziga xosliklarni namoyon qiladi. Alohidalik esa mutlaq o'ziga xoslikni bildirib, butunni inkor etadi. Shu sababli xodimlarning o'ziga xos xususiyatlar bilan ajralib turuvchi qismini ayrim toifadagi xodimlar deb nomlash o'zbek tili lingvistikasi jihatidan to'g'ri hisoblanadi.

Ayrim toifadagi xodimlar mehnatini huquqiy tartibga solishning xususiyatlari mehnat huquqining alohida institutini tadqiq etishga qaratilgan mavzu emas. Balki ayrim toifadagi xodimlarga mehnat huquqining turli institutlaryada belgilangan imtiyozlar, kafolatlar va cheklolarni o'rganishga qaratilgan. Shunday bo'lsa-da, ko'plab davlatlar qonun chiqaruvchilari tomonidan ayrim toifadagi xodimlar mehnatini tartibga solishning xususiyatlarini mehnat kodeksining alohida bobida mustahkamlangan.

Mehnatni tartibga solishning xususiyatlari haqida to'xtalganda, O'zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 18-moddasini tahlil qilish lozim bo'ladi. Mazkur modda "ayrim toifadagi xodimlar mehnatini huquqiy jihatdan tartibga solishning xususiyatlari" deb nomlangan. Biroq moddaning matnida mehnatni tartibga solish xususiyatlariga ta'rif berilmagan. Ushbu moddaning mazmunidan 2 ta qoidani ajratib olish mumkin. Bular, birinchisi, ayrim toifadagi xodimlarning mehnatini huquqiy jihatdan tartibga solish o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lishi mumkinligi bo'lsa, ikkinchisi, unda ushbu xususiyatlar turlarining belgilab berilishidir. Bunday yondashuv Qozog'iston, Tojikiston, Belarus Respublikalari Mehnat kodekslarida ham kuzatilib, ularda ham mehnatni tartibga solish xususiyatlarining mazmuni ochib berilmagan.

Shu bilan birga ayrim boshqa davlatlar mehnat qonunchiligida mehnatni tartibga solish xususiyatlariga ta'rif berilgan. Xususan, Qirg'iziston Respublikasi Mehnat kodeksining 292-moddasi, Rossiya Federatsiyasi Mehnat kodeksining 251-moddasi, Moldova Mehnat kodeksining 245-moddasi mehnatni tartibga solish xususiyatlarining mazmunini ochib berishga qaratilganligi bilan ahamiyatlidir. Misol uchun Rossiya Federatsiyasi Mehnat kodeksining 251-moddasida berilgan ta'rifga asosan, mehnatni tartibga solishning xususiyatlari - ayni bir masala bo'yicha umumiy qoidalarni qo'llashni qisman chekllovchi yoki ayrim toifadagi xodimlar uchun qo'shimcha huquqlarni nazarda tutuvchi normalardir[7]. Ta'kidlash lozimki, Qirg'iziston va Moldova

Mehnat kodekslari ham xuddi shunday ta'rifni o'zlarida aks ettirgan. Fikrimizcha, mehnatni tartibga solish xususiyatlariga berilgan mazkur ta'rifni to'liq to'g'ri deb bo'lmaydi. Sababi ushbu ta'rifda mehnatni tartibga solish xususiyatlari - bu normalar degan qoida ustuvor bo'lib qolgan. Aslida mehnatni tartibga solish xususiyatlari deganda ushbu normalarda qayd etilgan o'ziga xoslikni tushunish kerak. Albatta bunday tushunish tor ma'noda ishlatiladi. Agar ushbu tushunchaga keng ma'noda qaraydigan bo'lsak, xodimlar mehnati shartlaridagi farqlarning mavjudligi va ularning belgilanishini mehnatni tartibga solish xususiyatlari sifatida tushunish mumkin bo'ladi. Shu sababli O'zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksi yangi tahrirdagi loyihasining 424-moddasida berilgan ta'rifni qo'llab-quvvatlash mumkin. Ya'ni, mazkur moddaga asosan mehnatni tartibga solish xususiyatlari deganda ayrim toifadagi xodimlar uchun umumiy qoidalarni qo'llashni qisman cheklovchi yoki qo'shimcha huquqlarni nazarda tutuvchi normalarni belgilash tushuniladi.

Ta'kidlash o'rinliki, olimlar o'rtasida mehnatni tartibga solish xususiyatlariga berilgan ta'rifni qayta ishlab chiqish bo'yicha fikr- muloxazalar ham uchraydi. Xususan. F.B.Shtivelberg mehnat huquqini differentsiatsiyasini uch xil, ya'ni istisno qiluvchi normalar, to'ldiruvchi normalar va muqobil normalar orqali amalga oshirilishini haqida fikr bildirib, mehnatni tartibga solish xususiyatlari bo'yicha quyidagi ta'rifni Rossiya Federatsiyasi Mehnat kodeksining 251-moddasiga kiritishni taklif etadi: "Mehnatni tartibga solishning xususiyatlari - bu ayni bir masala bo'yicha umumiy qoidalarni qo'llashda qisman cheklovchi normalar, ayrim toifadagi xodimlar uchun qo'shimcha huquqlarni nazarda tutuvchi normalar, shuningdek mehnat munosabatlari ishtirokchilariga mehnat qonunchiligining umumiy va maxsus normalaridan birini tanlash imkonini beruvchi normalardir"[8]. Albatta bu yerda asosiy e'tibor mavjud ta'rifga muqobil normalar imkoniyatidan kelib chiqib qo'shimcha kiritishdan iborat. Mehnatni tartibga solishning xususiyatlariga berilgan ta'rifni bunday o'zgartirish haqidagi mazkur olimning fikrlarini to'liq inkor qilib bo'lmaydi. Chunki qonun chiqaruvchi mehnat munosabatlari sub'yektlariga normalardan birini tanlab olish imkonini taqdim etishi kuzatiladi. Misol uchun, bir qator davlatlar mehnat qonunchiligida pedagog xodimlar bilan mehnat shartnomasi muddatli tuzilishi mumkinligi haqidagi qoidalarni uchratish mumkin. Mehnatni tartibga solish xususiyatlarining mazmunini "farqlar", "istisnolar", "cheklovlar", "imtiyozlar", "kafolatlar" tashkil qiladi. Mazkur xususiyatlar mehnat huquqining turli institutlarida (mehnat shartnomasi, ish vaqti va dam olish vaqti, mehnat intizomi, moddiy javobgarlik, mehnat muhofazasi) namoyon bo'ladi.

Dastlab ishga qabul qilish bo'yicha mehnatni tartibga solishning xususiyatlarini ko'rib chiqish maqsadga muvofiq. Masalan, ishga qabul qilish bilan bog'liq maxsus normalar xodimlarni tanlov, tayinlash va saylash asosida ishga qabul qilishda namoyon bo'ladi. Tanlab olishning ushbu turlarini o'tkazish faqat qonun hujjatlarida shunday vakolat berilgan ish beruvchilar uchun talloqli bo'ladi. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2006 yil 10 fevraldagi 20-son qarori bilan tasdiqlangan Oliy ta'lim muassasalariga pedagog xodimlarni tanlov asosida ishga qabul qilish to'g'risidagi Nizom[8]da professor-o'qituvchilar tarkibi, O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2019 yil 4 yanvardagi 3-mx-son buyrug'i bilan tasdiqlangan Notarius lavozimiga tayinlash bo'yicha tanlov o'tkazish tartibi to'g'risidagi Nizom[9]da notariuslarni ishga qabul qilish tanlov asosida amalga oshiriladi. Shuningdek, O'zbekiston Respublikasining 2018 yil 15 oktyabrdagi (yangi tahriri) "Fuqarolar yig'ini raisi (oqsoqoli) saylovi to'g'risida"gi Qonuniga asosan fuqarolar yig'ini raisi (oqsoqoli) va uning maslahatchilari fuqarolar yig'ini tomonidan ikki yarim yil muddatga saylanishi belgilab qo'yilgan[10].

Ishga joylashtirishning xususiyatlaridan yana biri ish topishga qiynalayotgan shaxslar uchun ishga qabul qilishning minimal miqdori belgilanishi hisoblanadi. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 5 dekabr 965-son qarori bilan tasdiqlangan ijtimoiy muhofazaga muhtoj, ish topishda qiynalayotgan va mehnat bozorida teng shartlarda raqobatlasha olmaydigan shaxslarni ishga joylashtirish uchun ish o'rinlarining eng kam sonini belgilash va zaxiraga qo'yish tartibi to'g'risidagi Nizomda nogironligi bo'lgan shaxslar, pensiyaoldi yoshidagi shaxslar, o'n to'rt yoshgacha va nogiron bolalari bo'lgan yolg'iz va ko'p bolali ota-onalarga ish o'rinlarining eng kam sonini belgilash nazarda tutilgan[11].

Shuningdek, mehnat shartnomasini tuzishda ham o'ziga xos xususiyatlar mavjud. Ayollar, voyaga yetmaganlar, davlat xizmatchilari, sudlangan shaxslar uchun kasbiy faoliyatning

muayyan turlari bilan shug'ullanish uchun cheklov va taqiqlarning belgilangan, masalan, o'rindoshlik asosida hamda bir necha kasbda va lavozimda ishlash tartibi to'g'risidagi Nizomning 4-bandida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi va Vazirlar Mahkamasi apparati xodimlari (texnik va xizmat ko'rsatuvchi xodimlardan tashqari), davlat boshqaruvi organlari rahbarlari, ularning o'rinbosarlari va tarkibiy bo'linmalar boshliqlarining o'rindoshlik asosida ishlashi taqiqlanadi[12].

Bundan tashqari, lavozim majburiyatlarini bajarish uchun oldindan belgilangan tartib-taomillar (dastlabki va davriy tibbiy ko'rik, reys oldidan tibbiy tekshiruv) ham amal qiladi. Chunonchi, O'zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 214-moddasiga asosan ish beruvchi mehnat shartnomasi tuzish chog'ida dastlabki tarzda va ish davomida vaqti-vaqti bilan o'n sakkiz yoshga to'lmaganlar, oltmish yoshga to'lgan erkaklar, ellik besh yoshga to'lgan ayollar, nogironlar, mehnat sharoiti noqulay ishlarda, tungi ishlarda, shuningdek transport harakati bilan bog'liq ishlarda band bo'lganlar, oziq-ovqat sanoatida, savdo va bevosita aholiga xizmat ko'rsatish bilan bog'liq bo'lgan boshqa tarmoqlardagi ishlarda band bo'lganlar, umumta'lim maktablari, maktabgacha tarbiya va boshqa muassasalarning bevosita bolalarga ta'lim yoki tarbiya berish bilan mashg'ul bo'lgan pedagog va boshqa xodimlarini tibbiy ko'rikdan o'tkazadi. Shuningdek, mehnat shartnomasini o'zgartirish bo'yicha ham bir qator xususiyatli jihatlar namoyon bo'ladi. Xususan, alohida huquqiy himoya qilinadigan homilador ayollar, nogironlarni ularning sog'ligiga to'g'ri kelmaganda va tibbiy tavsiyalarga muvofiq boshqa ishga o'tkazish yoki mehnat normasini kamaytirish bunga misol bo'ladi.

Mehnatni tartibga solishning xususiyatlari mehnat shartnomasini bekor qilishda ham eng ko'p namoyon bo'ladi. Chunonchi, ularga quyidagilar kiradi:

- ayrim toifadagi xodimlarni ish beruvchining tashabbusi bilan ishdan bo'shatishning taqiqlanganligi yoki asossiz ishdan bo'shatishga qaratilgan tartib-taomillar (kasaba uyushmasi roziligi olinishi, ogohlantirish muddatining qo'llanilishi, mahalliy mehnat organini ogohlantirish va boshqalar)ga amal qilish;

- faqat muayyan xodimlar (korxonalar rahbarlari, kollegial ijro organi a'zolari)ni ishdan bo'shatishning qo'shimcha asoslarini nazarda tutish.

Ish vaqti sohasidagi differentsiatsiya muayyan toifadagi xodimlar uchun qisqartirilgan ish vaqtini belgilash, to'liqsiz ish vaqtini belgilash, smenali ishni tashkil etish, tungi, dam olish va bayram kunlari ishlash, ish vaqtdan tashqari ishlash, ishni tashkil etishning vaxta usulini qo'llashda namoyon bo'ladi.

Dam olish sohasida mehnatning xususiyatlari asosiy uzaytirilgan mehnat ta'tili berish, ish haqi saqlanmaydigan qo'shimcha ta'tillar berish kabi ko'rinishlarda amalga oshadi.

Mehnatga haq to'lash sohasida differentsiatsiya esa, eng avvalo, ishlarning murakkabligiga, bajariladigan ishning miqdori va sifati, qo'yiladigan malaka talabalariga qarab belgilanadi. Xususan, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 16 sentyabrdagi 775-son qarori bilan Mehnatga haq to'lashning yagona tarif setkasi tasdiqlangan bo'lib, unda belgilangan koeffitsientlar bajariladigan ishning murakkabligiga qarab belgilangan[13].

Mehnat intizomi bo'yicha differentsiatsiya maxsus intizomiy javobgarlikning belgilanishida ko'rinadi. Ishni bajarishning o'ziga xos jihatlari va kelib chiqishi mumkin bo'lgan oqibatning ogirliqi maxsus intizomiy javobgarlikni o'rnatadi.

Mehnatni muhofaza qilish sohasida esa og'ir, zararli va xavfli mehnat sharoitlarida ishlayotganlar, voyaga yetmaganlar, nogironlar uchun mehnatni muhofaza qilish bo'yicha maxsus normalarning ishlab chiqilishida namoyon bo'ladi.

Ayrim toifadagi xodimlar mehnatini tartibga solishning xususiyatlari nazariy jihatdan mehnat huquqida differentsiatsiya masalalarini o'zida ifoda etadi. Ushbu xodimlar mehnatini huquqiy tartibga solish boshqa xodimlarnikidan o'ziga xos farqlarga ega bo'lib, ularga nisbatan "maxsus qoidalar" amal qiladi.

Xodimlarning toifasiga qarab huquq normalarini differentsiatsiyalashning asosiy mohiyati ayrim toifa xodimlar uchun maxsus normalar bilan alohida qoidalar o'rnatib qo'yilishida namoyon bo'ladi. Masalan, umumiy tartibga nisbatan ishga joylashtirish, mehnat shartnomasini tuzish va uni bekor qilish, ish vaqti va dam olish vaqtini huquqiy jihatdan tartibga solish xususiyatlari, mehnatga haq to'lash borasida qo'shimcha imtiyoz va afzalliklar, qattiqroq intizomiy va to'liq moddiy javobgarlik belgilanishi shular jumlasidandir. Demak, faqat imtiyoz va kafolatlar

emas, balki oshirilgan javobgarlikni o'zida ifodalagan salbiy tomonga ham o'zgarishi mumkin. Masalan, mehnat shartnomasini bekor qilishning qo'shimcha asoslarini belgilash.

Haqiqatdan ham ayrim toifadagi xodimlar mehnat sharoitlari va xususiyatlaridagi farqlar shunchalik o'ziga xoski, ular tabiiy ravishda mazkur o'ziga xosliklarni aks ettiradigan maxsus normalarni belgilash zaruratini yuzaga keltiradi. Bu talabda ma'lum darajada yuzaga kelgan ba'zising huquqqa ta'siridan iborat bo'lgan muhim qonuniylik namoyon bo'ladi. Bundan tashqari, talab mehnat va u bilan bog'liq boshqa munosabatlarni tartibga solishda qonuniylikni ta'minlash manfaatlari bilan belgilanadi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Davlat va huquq nazariyasi. Darslik. Mas'ul muharrirlar : X.B.Boboev. X.T.Odilqoriyev. -T.: Iqtisodiyot va huquq dunyosi nashriyot uyi, 2000. - B.356-357.
2. O'zbekiston yuridik entsiklopediyasi. - T.: Adolat, 2010. 140-b.
3. Штивельберг Ф.Б.Основания и пределы дифференциации трудового права России. Дисс... на соиск. учен, степ, к.ю.н. - М.: РГБ, 2005. - С.31-32.
4. Актуальные проблемы трудового права: учебник для магистров/отв.ред. Н.Л.Лютов. -М.: Проспект. 2017. 66-с.
5. Jumag'ulov A. Korxonah rahbari mehnatini huquqiy tartibga solishning o'ziga xos jihatlari // O'zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksi: yutuqlari va takomillashtirish istiqbollari nomli respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami. -T.: TDYU. 2016. -B.126.
6. O'zbek tilining izohli lug'ati. -T.: "O'zbekiston milliy entsiklopediyasi" davlat ilmiy nashriyoti. 2006. 58. 74-betlar.
7. Трудовой кодекс Российской Федерации. -М.: Проспект. 2019. 144-с.
8. Штивельберг Ф.Б.Основания и пределы дифференциации трудового права России. Дисс. ...к.ю.н. - М.: РГБ. 2005. 37- с.
8. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami. 2006 y. 6-7 son. 36-modda.
9. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi. 05.01.2019 y. 10/18/3114/2423-son.
10. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami. 2013 y. 17-son. 220-modda.
11. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi. 11.12.2017 y. 09/17/965/0393-son.
12. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2012 y. 41-42-son, 485-modda.
13. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi. 17.09.2019 y. 09/19/775/3755-son.

#### XORIJIY MAMLAKATLAR JINOYAT KODEKLARIDA O'ZGALAR MULKINI KOMPYUTER VOSITALARIDAN FOYDALANIB TALON-TOROJ QILGANLIK UCHUN JAVOBGARLIK MASALALARI

**Choriyev Bahrom To'rayevich,**  
*Termiz davlat universiteti erkin tadqiqotchisi*

**Annotatsiya:** *Xorijiy mamlakatlar jinoyat kodeklarida o'zgalarni mulkini kompyuter vositalaridan foydalanib talon-toroj qilganlik uchun javobgarlik masalalari masalalari yoritib berilgan.*

**Kalit so'zlar:** *Xorijiy mamlakatlar, AQSh, Bolgariya, Jinoyat kodeksi, Xitoy, Avstriya, manipulyatsiya, Gollandiya, jinoyat qonunchiligi.*

**Аннотация:** *Уголовные кодексы зарубежных стран уточняют вопросы ответственности за хищение чужого имущества с использованием компьютерных средств.*

**Ключевые слова:** *Зарубежные страны, США, Болгария, Уголовный кодекс, Китай, Австрия, манипулирование, Нидерланды, уголовное право.*

**Abstract:** *The Criminal Codes of foreign countries clarify the issues of responsibility for looting other people's property using computer tools.*

**Key words:** *Foreign countries, USA, Bulgaria, Criminal Code, China, Austria, manipulation, Netherlands, criminal law.*

Xorijiy mamlakatlar jinoyat qonunchiligini o'rganish kompyuter jinoyatlarini quyidagi guruhlariga:

1) kompyuter texnikasi va ma'lumot tashuvchi vositalarni noqonuniy ravishda egallash, olib qo'yish, yo'q qilish yoki shikast yetkazishga qaratilgan jinoyatlar;

2) kompyuter axborotidan noqonuniy foydalanish, modifikatsiyalashtirish, virus dasturlarini ishlab chiqish, foydalanish yoki tarqatishga qaratilgan jinoyatlar, ya'ni kompyuter axboroti jinoiy tajovo'z obyekti hisoblanadi;

3) kompyuter va boshqa kompyuter texnikasidan jinoyat sodir etish quroli yoki vositasi sifatida foydalanib, axborotni almashtirish yoki kompyuter tizimiga yolg'on axborotlarni ko'paytirish orqali o'zganing mulkiga egalik qilishga qaratilgan jinoyatlarga ajratish imkonini berdi.

Iqtisodi rivojlangan xorijiy davlatlar JKlarida tatbiq etilayotgan jinoyatlar: a) mulkka qarshi jinoyatlar to'g'risidagi huquqiy normalar keng talqin qilingan va kompyuter talon-torojliklari qonun analogiyasi bo'yicha kvalifikatsiya qilinadigan davlatlar; b) kompyuter talon-torojliklari ogirlashtiruvchi yoki yengillashtiruvchi holat sifatida mulkka qarshi jinoyatlar uchun javobgarlik belgilangan normalar bilan kvalifikatsiya qilinadigan davlatlar; v) mulkka qarshi jinoyatlarga maxsus qonunlar tatbiq etiladigan davlatlar (bunda kompyuter talon-torojliklari uchun JKda emas, balki alohida qonun hujjatlarida javobgarlik nazarda tutiladi); g) kompyuter yordamida talon-toroj sodir etish uchun jinoyat qonuni alohida moddasida javobgarlik nazarda tutilgan davlatlar.

Quyida ayrim xorijiy davlatlarning JKlarining tahliliga kirishamiz. AQShning kompyuter jinoyatchiligiga bag'ishlangan qonunchiligi alohida xususiyatga egaligi va doimiy yangilanib borilishi bilan farqlanadi. AQShda kompyuter jinoyatchiligiga bag'ishlangan Asosiy qonun 1986 yilda ishlab chiqilgan bo'lib, "Kompyuter bilan bog'lik firibgarlik va suiiste'mol qilish" deb nomlanadi. Keyinchalik "kompyuterdan foydalanib, firibgarlik jinoyati" AQSHning qonunlar to'plamiga kiritildi. Qonunlar to'plamining 1030 (a) (4) paragrafida kompyuterdan foydalanib firibgarlik, ya'ni qiymatga ega har qanday narsaga egalik qilish maqsadida kompyuterdan foydalanib, yil davomida 5 ming AQSH dollaridan ortiq bo'lgan, kompyuter vaqtidan noqonuniy foydalanish, ya'ni kompyuter serveri va ulanish tizimidan bepul foydalanish uchun javobgarlik belgilangan.

AQSh federal qonunchiligida kompyuterdan foydalanib, aldash deganda kompyuter texnologiyalaridan o'zganing mulkini qo'lga kiritish maqsadida yangi ma'lumotlar yaratish yoki mavjud ma'lumotlarni bo'zib ko'rsatish yo'li bilan qonunga xilof ravishda foydalanish tushuniladi. AQSH Qonunlar to'plami 1030 (a) (4)-§da biron-bir mol-mulkni aldov yo'li bilan olish maqsadida himoyalangan kompyuterdan qonunga xilof ravishda (ruxsatsiz) foydalanish, bir yil davomida 5000 AQSH dollaridan ortiq miqdorda kompyuterdan foydalanish natijasida mol-mulkni qo'lga kiritish, 1030 (a) (b)-§da qasddan, aldash niyatida kompyuter axborotining g'ayriqonuniy trafikini amalga oshirish natijasida davlatlararo yoki tashki savdoga zarar yetkazish. 1644-§.da savdo sohasida kredit kartalari bilan g'ayriqonuniy tranzaksiyalarni amalga oshirish uchun javobgarlik nazarda tutilgan

Avstriya JK 148-moddasida ma'lumotlariga avtomatlashtirilgan usulda ishlov berish jarayonlariga maxsus dasturlar yordamida ta'sir ko'rsatish, ma'lumotlarni ko'paytirish, o'zgartirish yoki yo'q qilish yoxud ma'lumotlarni yo'q qilish yo'li bilan yoki ma'lumotlarga ishlov berish jarayoniga ta'sir ko'rsatadigan boshqa usulda g'ayriqonuniy mulkiy naf ko'rish maqsadida yetkazgan mulkiy zarar uchun jinoiy javobgarlik nazarda tutilgan. Firibgarlik harakatlaridan ko'rilgan zarar miqdori 3 ming yevrodan ortiq bo'lsa, qilmish 3 yilgacha muddatga ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi, agar yetkazilgan zarar 50 ming yevrodan ziyod bo'lsa, aybdor 1 yildan 5 yilgacha muddatga ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi.

Bolgariya JKda kompyuter firibgarligi uchun javobgarlik "Mulkka qarshi jinoyatlar" deb nomlangan 5-bobning 212-moddasida nazarda tutilgan. 212-moddaning 1-qismiga muvofiq, agar shaxs ta'magirlik niyatida kompyuter ma'lumotlarini ko'paytirish, o'zgartirish yoki o'chirib tashlash yo'li bilan yoki elektron imzoni qalbakilashtirish orqali birovni chalg'itgan bo'lsa, unda kompyuter firibgarligi uchun 6 ming bolgar levi miqdorida jarima solinib, 1 yildan 6 yilgacha muddatga ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi.

Germaniya JK 263a-moddasiga muvofiq, o'zi yoki uchinchi shaxs uchun mulkiy naf ko'rish niyatida harakat qilib, ma'lumotlarga ishlov berish natijasida dasturlarni noto'g'ri yaratish,

noto'g'ri yoki noto'liq dasturlardan foydalanish yo'li bilan ta'sir ko'rsatish, qonunga xilof ravishda foydalanib, ma'lumotlarga ishlov berish natijasiga g'ayriqonuniy ta'sir ko'rsatish orqali o'zga shaxsning mol-mulkiga zarar yetkazgan shaxs jinoiy javobgarlikka tortilishi lozim (besh yilgacha muddatga ozodlikdan mahrum qilish yoki jarima bilan jazolanadi). Mazkur moddaning 2-qismida kompyuter firibgarligi sodir etishga tayyorgarlik ko'rganlik: kompyuter dasturini yaratganlik, tegishli asbob-uskunalarni egallaganlik uchun javobgarlik nazarda tutilgan (uch yilgacha muddatga ozodlikdan mahrum qilish yoki jarima bilan jazolanadi).

Tadqiqotchilar, GFR Jinoyat kodeksida kompyuter firibgarligining quyidagi shakllarini farqlaydilar: 1) onlayn - auksionlarda yoki internet-do'konlarda sotib olingan tovarlar bilan sodir etiladigan firibgarlik; 2) kredit kartalari bilan, shu jumladan bankomatlarda sodir etiladigan firibgarlik; 3) hisobvaraqlar va jinoiy yo'l bilan olingan mablag'larini legallashtirish bilan bog'lik firibgarlikning yangi usullari, masalan, pul mablag'larini depozitga qo'yish bo'yicha kompaniyalar tashkil etish; 4) adreslar kitoblari yordamida aldov sxemalaridan foydalanish yo'li bilan sodir etiladigan reklama firibgarligi; 5) insofli raqobat sohasida firibgarlik (masalan, raqobat sohasida ustunlikni aldov yo'li bilan qo'lga kiritishga qaratilgan firibgarlik); 6) xizmatlarning internet-reklamasini (yoki "sponsorlar ro'yhatlari") dan foydalanishga asoslangan klik-firibgarlik, masalan, "bir klik" bilan sugurta qilish A.E.Jalinskiy qayd etib o'tganidek, nemis qonun chiqaruvchisi tomonidan firibgarlikning ikki turi aniq belgilangan: 1) umumjinoiy (an'anaviy) firibgarlik; 2) axborot sohasida firibgarlik (kompyuter firibgarligi). Kompyuter firibgarligining mazmuni shundaki, aldov odamga nisbatan emas, balki dasturga nisbatan amalga oshiriladi, chunki mol-mulkka zarar yetkazish axborotga ishlov berish jarayoniga ta'sir ko'rsatish va dasturni noto'g'ri o'rnatish, noto'g'ri yoki noto'liq ma'lumotlardan foydalanish yo'li bilan, shuningdek ma'lumotlardan qonunga xilof ravishda foydalanish yoki ma'lumotlarga ishlov berish jarayonlariga g'ayriqonuniy ta'sir ko'rsatish yo'li bilan amalga oshiriladi.

Ko'rib turganimizdek, kompyuter firibgarligi bilan bog'liq manipulyatsiyalar maxsus kriminologik belgilarga ega. Birinchidan, ma'lumotlarga ishlov berish jarayoniga ta'sir ko'rsatishning to'g'ridan-to'g'ri natijasi o'zganing mulkiga zarar yetkazilishida ifodalanishi lozim. Ikkinchidan, firibgarlikning asosiy tarkibidan farqli o'laroq, kompyuter firibgarligi insonga emas, balki dasturga qaratilgan aldovni o'z ichiga oladi, ayni holatda yetkazilgan zarar axborotga ishlov berish jarayoniga ta'sir ko'rsatish natijasi hisoblanadi. Boshqa vaziyatda - aldov kompyuter tizimi yoki kompyuter axborotiga emas, balki insonga qaratilgan xolda, qilmish asosiy firibgarlik (Germaniya JKning 263-§) sifatida kvalifikatsiya qilinadi.

1993 yilda Gollandiyada "Kompyuter jinoyatlari to'g'risida"gi maxsus qonunning qabul qilinishi ushbu jinoyatlarga qarshi kurashni yanada mustahkamladi. Gollandiya JK ushbu qonun asosida normativ baza bilan to'ldirilgan. Gollandiya JK o'ziga xos muhim xususiyatlaridan biri unda qonun chiqaruvchining kompyuter jinoyatchiligi sohasidagi atamalarini izohlab berganligidir. Chunonchi, Gollandiya JK 80-moddasida "ma'lumot" "kompyuter qurilmalari va tizimlari" (elektron qurilmalardagi ma'lumotlarni saqlash va qayta ishlashga mo'ljallangan qurilmalar) kabi atamalarining mazmuni ochib berilgan.

Kompyuter firibgarligini kriminallashtirishning shunga o'xshash modeli Daniya (279a-modda) va Norvegiya JKda (270-modda 2-qismi) ham qo'llanilgan.

Latviya JK 177.1-moddasida avtomatlashtirilgan tizimidan foydalanib ma'lumotlarga ishlov berish (firibgarlik) uchun jinoiy javobgarlik nazarda tutilgan. Mazkur jinoyat uchun 3 yilgacha muddatga ozodlikdan mahrum qilish belgilangan. Kompyuter firibgarligini oldindan til birlashtirgan bir guruh shaxs tomonidan sodir etilishi, (2 -qism - 5 yilgacha muddatga ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi) va uyushgan guruh tarkibida yoki ko'p miqdorda (3-qism - 2 yildan 10 yilgacha qilib, mazkur qilmish kompyuter ma'lumotlaridan foydalangan holda mulkiy zarar yetkazishning alohida shakli hisoblanadi. Mazkur qilmishni tamagirlik niyatlarida sodir etganlik uchun jinoiy javobgarlik ushbu moddaning 2-qismmda belgilangan

Shunga o'xshash yondashuv Finlyandiya JKning "Firibgarlik va aldov haqida" deb nomlangan 36-bobi 1-moddasida qo'llanilgan. Ayni vaqtda, Shvetsiya jinoyat qonunchiligidan farqli ravishda, Finlyandiya JKda javobgarlikni ogirlashtiruvchi holatlarning yanada aniq tizimi mustahkamlangan (2-modda), ya'ni: 1) mol-mulkni ancha miqdorda talon-toroj qilish maqsadida kompyuter firibgarligi sodir etish; 2) ancha miqdorda zarar yetkazilishi; 3) shaxsning o'z ishon-

chli mavqeyidan foydalanganligi; 4) qilmishning qaram (ojiz) axvoldagi shaxsga nisbatan sodir etilganligi.

Estoniya JKda kompyuter firibgarligi uchun javobgarlik maxsus modda mustahkamlangan. Estoniya JK 268-moddasiga muvofiq, kompyuter dasturlari yoki axborotini ko'paytirish, ularni modifikatsiyalash, yo'q qilib tashlash, blokirovka qilish yoki axborotga ishlov berish jarayoniga boshqa usulda aralashish yo'li bilan o'zganing mol-mulkini olish, mulkiy yoki boshqa naf ko'rish javobgarlikka tortish uchun asos bo'ladi.

O'rganilayotgan masala Osiyo davlatlari JKlarida ham mustahkamlangan. 1997 yil oktyabr oyida kuchga kirgan Xitoy Xalq Respublikasining JKda kompyuter jinoyatchiligi uchun javobgarlik belgilangan besh modda mavjud bo'lgan bo'lsa, 2000 yilda qabul qilingan qaror bilan 15 turdagi kompyuter huquqbuzarliklari jinoyat sifatida ta'qiqlandi. Jumladan. XXR JKning 287-moddasida kompyuter vositasidan foydalanib moliyaviy firibgarlik sodir etish, o'zgarlar mulkini talon-toroj qilish, ommaviy moliyaviy mablag'larni o'zlashtirish yoki rastrata qilish. davlat sirini qo'lga ko'paytirish uchun javobgarlik nazarda tutilgan.

Yaponiyaning axborot texnologiya sohasidagi munosabatlarni tartibga soluvchi qonun hujjatlari ichida Jinoyat kodeksi va "Kompyuter aloqa tizimiga noqonuniy kirish haqida"gi Qonuni (2000 yil)ni alohida ko'rsatish mumkin. Yaponiya JK 246-P-moddasida kompyuter firibgarligi, ya'ni o'zi yoki uchinchi shaxslar tomonidan noqonuniy foyda olishga qaratilgan, boshqa shaxslar tomonidan ish jarayonida yolg'on ma'lumotlar yoki topshiriqlardan foydalanish yoki boshqa shaxslarning ish faoliyatiga qalbaki elektromagnit yozuvlarini qo'llashdan iborat bo'lgan ma'lumotlarni kompyuterga ko'paytirish natijasida mulk huquqini olish, o'zgartirish va yo'qotilishga qaratilgan qalbaki elektromagnit yozuvlarini ishlab chiqarish uchun javobgarlik belgilangan. "Kompyuter aloqa tizimiga noqonuniy kirish haqida"gi Qonuniga muvofiq axborot ma'lumotlar bazasi, tizimi va aloqa tizimining qonuniy egalariga zarar yetkazish, foyda olish maqsadida undan foydalanish, axborotni buzish, o'g'irlash maqsadida kompyuter axborot va aloqa tizimiga noqonuniy kirish jinoyatini alohida ko'rsatish lozim. Shuningdek, Yaponiya JK 24b-2-moddasida ham kompyuter firibgarligi uchun jinoiy javobgarlik ko'zda tutilgan.

Avstraliya federal qonunchiligida firibgarlik harakatlari uchun javobgarlik 1995 yilgp JKning 133-134-moddalarida nazarda tutilgan. Kompyuter axboroti sohasidagi firibgarlikning mazmuni pullar, tovarlar, xizmatlar yoki boshqa naflarni tamagirlik maqsadida, o'zgartirilgan, soxta yoki g'ayriqonuniy yo'l bilan olingan asl ma'lumotlar va mashina (plastik) axborot tashuvchilaridan foydalanish orqali qo'lga ko'paytirishni o'z ichiga oladi (masalan, o'g'irlangan bank kartalaridan yoki ularning raqamlaridan moliyaviy naf olish maqsadida foydalanish).

Bunday turdagi qilmishlar elektron aldovlar tushunchasining mazmuniga kiritilgan: Avstraliya federal qonunchiligida aldov yo'li bilan sodir etiladigan o'g'irlik mulk yoki xizmatni (har qanday huquqlar, imtiyozlarni) aldov yo'li bilan qo'lga ko'paytirishga qaratilgan jinoyatlardan farqlanadi. Bundan tashqari, yo'qorpd ko'rib chikplganidek, Avstraliya federal qonunchiligida kompyuter texnologiyalarini jalb qilish yo'li bilan aldash usullarini muddatga ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi) javobgarlikni og'irlashtiruvchi holat sifatida nazarda tutilgan.

Ispaniya JK 248-moddasida kompyuter axboroti sohasidagi firibgarlik uchun jinoiy javobgarlik nazarda tutilgan, 249-moddaga muvofiq, agar talon-taroj qilingan mulk miqdori 400 yevrodan ortiq bo'lsa, qilmish 6 oydan 3 yilgacha muddatga ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi. Ispaniya JK 250-moddasida jazoni og'irlashtiruvchi alohida holatlar ro'yxati keltirilgan;

Portugaliya jinoyat qonunchiligida kompyuter firibgarligini ko'p miqdorda va juda ko'p miqdorda sodir etganlik uchun javobgarlik mavjud;

Polsha Respublikasi JK 287-moddasiga muvofiq, mulkiy naf ko'rish yoki boshqa shaxsga zarar yetkazish maqsadida tegishli huquqga ega bo'lmay turib, axborotni avtomatlashtirilgan usulda o'zgartirish, yig'ish yoki uzatish jarayoniga ta'sir ko'rsatgan yoki kompyuter axborot tashuvchisidagi yozuvni o'zgartirgan, o'chirib tashlagan yoki unga yangi yozuvni kiritib qo'ygan shaxsning qilmishi mulkka qarshi maxsus jinoyat deb topiladi.

Shvetsiya JK "Firibgarlik va aldov haqida" deb nomlangan 9-bobi 1-moddasi 1-qismida firibgarlik tushunchasiga umumiy ta'rif berilgan, bunda mazkur moddaning 2-qismida yolg'on yoki noto'liq axborotdan foydalanib, dasturni o'zgartirish yoki boshqa har qanday vositalar yordamida ma'lumotlarga avtomatik usulda ishlov berish jarayonlariga, boshqa avtomatik jarayonlarga

g'ayriqonuniy ravishda aralashgan, o'zi uchun naf olgan, ayni vaqtda mulkdorning mol-mulkiga zarar yetkazgan shaxs firibgarlik uchun javobgarlikka tortilishi mumkinligi alohida aytib qo'yilgan.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Davlat va huquq nazariyasi. Darslik. Mas'ul muharrirlar : X.B. Boboev. X.T. Odilqoriyev. -T.: Iqtisodiyot va huquq dunyosi nashriyot uyi, 2000. - B.356-357.
2. O'zbekiston yuridik entsiklopediyasi. - T.: Adolat, 2010. 140-b.
3. O'zbek tilining izohli lug'ati. -T.: "O'zbekiston milliy entsiklopediyasi" davlat ilmiy nashriyoti. 2006. 58. 74-betlar.

#### ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ - УНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Шаманова Зарина Ураловна,**

*Термиз давлат университети эркин тадқиқотчиси*

**Аннотация:** *Парламент фаолиятининг асосий йўналиши қонун ижодкорлиги ҳисобланса, унинг яна бир муҳим функцияси сифатида парламент назоратини кўрсатиш мумкин. Мақолада Парламент назорати - унинг аҳамияти ва ҳуқуқий асослари ҳақида сўз боради.*

**Калит сўзлар:** *парламент, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги, Олий Мажлис, Сенат, Қонунчилик палатаси.*

**Аннотация:** *Если основным направлением парламентской деятельности является правотворчество, то можно указать на парламентский контроль как на еще одну важную ее функцию. В статье говорится о парламентском контроле - его значении и правовых основах.*

**Ключевые слова:** *парламент, права и свободы человека, верховенство закона, Олий Мажлис, Сенат, Законодательная палата.*

**Abstract:** *If the main direction of parliamentary activity is law-making, it is possible to indicate parliamentary control as another important function of it. The article talks about Parliamentary control - its importance and legal basis.*

**Key words:** *parliament, human rights and freedoms, rule of law, Oliy Majlis, Senate, Legislative Chamber.*

Парламент назорати – мамлакатни демократлаштиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у ҳуқуқий давлатнинг муҳим мезони ҳисобланган қонун устуворлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Парламент назоратини самарали ташкил этиш орқали давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини қонуний ташкил этилишига, аҳолининг турли қатлами, хусусан сайловчилар манфаатини ҳимоя қилишга эришилади.

2016 йил 11 апрель куни парламент назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-403-сонли Қонуни қабул қилинди[4].

Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасига асосан, жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан парламент текширувлари ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунининг яна бир ўзига хос жихати шундаки, унга кўра асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини, Ўзбекистон

Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат бўлган прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назорати ўрнатилишидир[3].

Мамлакатда қонун устуворлиги ва қонунийликни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича улар ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида Олий Мажлис палаталари томонидан Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси тузилади. Ушбу комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳар йили Сенатга ҳисобот тақдим этади, ҳисобот Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади, ҳисобот дастлабки тарзда Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси билан биргаликда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботини эшитиш якунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборилади.

Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг муҳим ҳуқуқий асоси бўлиб яна, 2015 йилнинг 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиб, кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни хизмат қилмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг 12-моддасига депутат сўровига оид қўшимча янги норма киритилди[1]. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонун ҳам шу мазмундаги янги 32-1-модда билан тўлдирилди.

Уларга асосан, Қонунчилик палатаси депутати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, қоида тариқасида, тегишли сайлов округи сайловчиларининг ёки Ўзбекистон экологик ҳаракатининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан сўров юборишга ҳақли.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Қонунчилик палатаси депутати сўровига, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ёзма жавоб юборади».

Қонунчиликда парламент назоратининг муҳим шакли сифатида – депутат сўровини алоҳида нормаларда қайд этилишини парламент назоратини кучайтириш борасидаги ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида баҳолаш мумкин.

Шу билан бирга мазкур институтнинг қонунда алоҳида қайд этилиши Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари учун ўз сайловчилари манфаатини ҳимоя қилиш, депутатлик фаолиятини самарали амалга оширишда янги имкониятдир.

Чунки, аввал мазкур ҳуқуқий механизмнинг қонунчиликда аниқ белгиланмаганлиги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига ўз сайлов округидаги муҳим масалаларни ҳал этишда муайян қийинчиликни келтириб чиқарар эди.

Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари олдида турган энг муҳим масала мазкур депутат сўровини қонуний, адолатли, тўғри ва самарали амалга оширишдан иборат.

Депутатлик сўровини юборишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим:

Сўров юборилаётган масаланинг аҳамияти. Депутат эътибор қаратаётган масала ўз аҳамияти жиҳатидан депутат сўрови юбориш даражасида муҳимми? Буни аниқлаш лозим. Масалан, ҳудудларда шундай масалалар борки, уларни тегишли ҳудуддаги Халқ депутати маҳаллий Кенгашлари (вилоят, туман ёки шаҳар) депутатига маълум

қилиш орқали ҳал этиш мумкин. Яна шундай масалалар борки, улар долзарб аҳамиятга эга, тизимли муаммога айланган, сайловчиларни ташвишга солади ҳамда фақат депутат ваколати доирасида ҳал этилиши лозим.

Худудийлик ёки масаланинг локал ёки глобал аҳамиятга эгаллиги. Депутат сўровига қонунчиликда берилган таърифдан келиб чиқсак, аввало депутат сўрови қоида тариқасида сайлов округи доирасидаги масала юзасидан тақдим этилиши мақсадга мувофиқ. Қўтарилаётган масала сайлов округидан кўра кенгроқ аҳамиятга эга бўлса, бу каби муҳим масала юзасидан парламент назоратининг яна бир бошқа шакли, яъни парламент сўровидан фойдаланилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишини ҳал этиш ва депутат сўрови. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига кўра, депутат «фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли органлар ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳақли» экани белгиланган.

Бу ҳуқуқ билан депутатлик сўрови ўртасида ҳам ўзига фарқлар мавжуд. Бундай ҳолатда депутат дарҳол чора кўриши, зудлик билан тегишли органлар ёки мансабдор шахсларга мурожаат қилиши зарур. Агар бундай масала юзасидан депутат сўровини юбориб, белгиланган 10 кунлик муддатни кутса, ҳуқуқи бузилган фуқаро бир неча кун азият чекиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, парламент назорати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларини ўз фаолиятини қонун руҳида амалга оширишини, уларда белгиланган қоидаларга сўзсиз бўйсуншини талаб этади ва унинг муҳим шакли ҳисобланган – депутат сўровидан кенг ва самарали фойдаланиш, ҳудудларда ўз ечимини кутаётган камчиликларни бартараф этиш, сайловчиларни ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этиш билан бир қаторда, парламентнинг жамият ҳаётидаги, давлат бошқарувидаги роли ва таъсирини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, қайд этилган қонун ҳужжатларига асосан халқ ҳукуматининг ва маҳаллий давлат органларнинг фаолиятини ўзлари сайлаб қўйган вакиллари орқали мунтазаам равишда назорат қилади, бу эса кучли демократик давлат қуриш йўлида амалга оширилаётган ишларни янада тизимли ва барқарор бўлиши учун заминдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонун;
2. Ўзбекистон Республикасининг 29.12.2015 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни;
3. Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2001 йилдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни;
4. Ўзбекистон Республикасининг «Парламент назорати тўғрисида»ги ЎРҚ-403-сонли Қонуни. Т.: 2016;
5. LEX.UZ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ХУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ АСОСЛАРИ

**Анваров Турдимурод Анварович,**

*Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси  
Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқарма  
бошлигининг Кадрлар бўйича ёрдамчиси майор  
mirodanvarov021@gmail.com*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада муаллиф томонидан Ўзбекистонда жиноят содир этган шахсларни қайта ижтимоийлашувини ва ахлоқан тузалишини амалга оширишда сўнгги пайтларда муҳим иштирокчилардан бирига айланиб бораётган пробация хизмати фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш асослари кўриб чиқилган. Хусусан, мазкур институтни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда Мустақиллик давридан бошлаб ҳозиргача қабул қилинган қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган. Мақолада ушбу институтни тартибга солишдаги айрим жиддий бўшлиқлар ва камчиликлар, амалиётда пробация ходимлари иши самарасига салбий таъсир ўтказилишига сабаб бўлаётгани кўрсатиб ўтилган.*

*Мақолада муаллиф томонидан пробация хизмати ҳуқуқий мақомини ошириш ва фаолиятини янада тартибга солиш учун “Пробация тўғрисидаги” қонунни қабул қилиш зарурати асосланиб, тегишли илмий ва амалий таклиф, тавсиялар берилган.*

**Аннотация:** *В данной статье автором рассмотрены правовые основы обеспечения деятельности службы пробации, которая в последнее время становится одним из важнейших участников процесса ресоциализации и исправления преступников в Узбекистане. В частности, подробно проанализированы законы и подзаконные норматив-правовые акты касательно правового регулирования службы пробации, начиная с момента обретения Независимости и до наших дней. В статье отмечается, что некоторые серьезные пробелы и недостатки в законодательстве на практике оказывают негативное влияние на эффективность работы сотрудников службы пробации.*

*В статье автором обоснована необходимость принятия Закона “О пробации” для повышения правового статуса службы пробации и дальнейшего регулирования ее деятельности, представлены соответствующие научно-практические предложения и рекомендации.*

**Annotation:** *In this article author reveals the legal framework for ensuring the activities of the probation service, which has recently become one of the most important participants in the process of resocialization and correction of criminals in Uzbekistan. In particular, the laws and by-laws regarding the legal regulation of the probation service are analyzed in detail, from the moment of gaining Independence to the present day. The article notes that some serious gaps and shortcomings in the legislation in practice have a negative impact on the effectiveness of the work of probation officers.*

*In the article, the author substantiates the need for the adoption of the Law “On Probation” to improve the legal status of the probation service and further regulate its activities, presents relevant scientific and practical proposals and recommendations.*

Мамлакатимизда жиноят содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, уларни жамиятдан ажратмаган ҳолда жамоатчилик билан узвий ҳамкорликда қайта тарбиялаш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар натижасида пробация хизмати фаолияти йўлга қўйилди.

Пробация функцияларига хос вазифаларни амалга оширувчи, хусусан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазоларни ижро этишнинг ҳуқуқий асослари мамлакатимизда Мустақиллигимизнинг 1992-2001 йилларидан яратила бошланди. Бу вақтда “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги Қонун ва 1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, 2001 йил 29 августда қабул қилинган “Жиноий жазоларни

эркинлаштириши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, жиноят-процессуал ва “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун суд-ҳуқуқ тизимини, шу жумладан жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини эркинлаштиришда ўзига хос таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилди[1].

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрь кундаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 407-сонли қонунинг 4-моддасида **Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан** жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жиноий жазоларни ижро этиш ишларини ташкил этиш белгиланган.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги энг йирик ва кенг қўламли ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февраль кундаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси билан бошланди, десак муболаға бўлмайди. Мазкур Фармонда, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва самарадорлигини комплекс ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, биринчи навбатда, жазони ижро этиш тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш зарурати назарда тутилган[2].

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февраль кундаги ПҚ-4006-сонли Қарор билан пробация хизмати ташкил этилди.

Ушбу қарорга асосан Пробация хизмати етти та йўналишда (ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш, шартли ҳукм қилинган, мажбурий жамоат ишлари, жазони ижро этиш муассасаларидан шартли равишда озод қилинганлар ва вояга етмаганлар) ҳисобда турган шахсларни назоратини олиб бориши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари Пробация хизмати фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш зарурияти тўғрисида Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан 2021 йил 3 февраль кундаги ПФ-6155-сон Фармони билан тасдиқланган “2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”нинг 30-бандида халқаро стандартлар ва инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этган ҳолда жазони ижро этиш ва пробация хизматини янада такомиллаштириш бўйича қатор вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “**Ички ишлар органлари пробация хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**” 2020 йил 14 февралдаги 84-сон қарорида пробация назоратидагиларни республика ҳудудидан чиқишини чеклаш тартибини жорий этиш белгиланган.

Ушбу қарорнинг 7-бандида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги 2020 йил 1 декабрга қадар Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура билан биргаликда назорат остидагилар жазодан бўйин товлаш мақсадида яшаш жойини ўзбошимчалик билан тарк этган ҳолларда уларнинг республика ҳудудидан чиқишини чеклашни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритиши белгиланган.

Ушбу қарор билан тасдиқланган “2020-2021 йилларда ички ишлар органлари пробация хизмати фаолиятини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари режаси”нинг 1-бандида назорат остидагилар маъмурий назоратдан бўйин товлаш мақсадида яшаш жойини ўзбошимчалик билан тарк этган ҳолларда уларнинг республика ҳудудидан чиқишини чеклашни назарда тутувчи тартибни жорий қилиш назарда тутилган.

Мазкур қарор асосида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда[3]:

– назорат остидагилар маъмурий назоратдан бўйин товлаш мақсадида яшаш жойини ўзбошимчалик билан тарк этган ҳолларда уларнинг республика ҳудудидан чиқишини чеклашни назарда тутувчи тартибни жорий қилиш;

– пробация бўлинма (гурух)ларининг ходимларини Пробация хизматини ривожлантириш жамғармаси манбалари ҳисобига рағбатлантириш тартибини жорий этиш;

– тегишли олий таълим муассасаларида психология йўналиш бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг пробация бўлинма (гурух)ларида амалиёт ўташ тартибини жорий этиш;

– Ички ишлар вазирлигининг Малака ошириш институтида Пробация хизмати ходимларининг малакасини ошириш тизимини жорий этиш;

- юридик йўналишларидаги олий таълим муассасалари таълим дастурларига назорат остидагиларнинг ижтимоий-психологик портретини ўрганиш бўйича махсус мавзуларни киритиш;
- пробацья хизмати ходимларининг стажировкани ўташ, чет эл қонунчилигини ўрганиш мақсадида ривожланган хорижий мамлакатларга хизмат сафарларини ташкил этиш;
- пробацья фаолиятига оид илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш;
- пробацья хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш юзасидан ток-шоулар, ижтимоий роликлар, махсус кўрсатувлар, мақолалар, чиқишлар ва эшиттиришлар ташкил этиш.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни ижро этиш муассасаларининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 5 мартдаги 128-сон қарорида пробацья хизмати фаолиятига электрон браслетларни татбиқ этиш белгиланган.**

Ушбу қарор билан “2020 йилда озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазоларни ижро этиш муассасаларини видеокузатув мосламалари ва шахсий видеорегистраторлар (боди-камералар) билан жиҳозлаш ҳамда Пробацья хизмати амалиётига электрон браслетларни татбиқ этиш дастури” тасдиқланган. Дастурга кўра, 2020 йилда 3000 дона, келгуси йилларда эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда Пробацья хизмати фаолиятига электрон браслетлар татбиқ этиб борилиши белгиланган.

Ушбу қарорнинг 5-бандида Пробацья хизмати амалиётига электрон браслетларни татбиқ этиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ажратиладиган бюджет маблағлари, Жазони ижро этиш бош бошқармасининг Марказлаштирилган жамғармаси ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбаалар ҳисобига амалга оширилиши белгиланган.

Мазкур чора-тадбирлар дастуридаги лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари, вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2018 йил 07 декабрь кунидаги “Пробацья хизмати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 316-сонли буйруғининг 1-иловасига мувофиқ Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузуридаги Пробацья хизмати тўғрисидаги низом ва 2-иловага мувофиқ Пробацья хизматининг ташкилий тузилмаси ҳамда 3-иловага мувофиқ Пробацья хизматининг ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги намунавий низом тасдиқланган, ҳамда ушбу буйруққа 2019 йил 11 ноябрь куни ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида 379-сонли буйруқлари билан Пробацья хизмати фаолияти ташкил этиш йўлга қўйилган эди, ушбу хизматнинг идоравий бошқарув тизими ва меъёрий ҳужжатлари қайта кўриб чиқилиб ислоҳ этилди.

Яъни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги 27-сон “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш ҳамда Жамоат хавфсизлигини таъминлаш департаменти Пробацья хизмати фаолиятига янги иш услубларини татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2022 йил 19 февраль кунидаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш департаменти Пробацья хизмати фаолиятига янги иш услубларини татбиқ этиш тўғрисида”ги 42-сонли буйруғ билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Пробацья хизмати тўғрисида низом 1-иловасига мувофиқ тасдиқланиб Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Пробацья хизмати олдида пробацья назоратидаги шахслар билан ишлашда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари билан ҳамкорликда ишларни ташкил этиши устидан идоравий назоратни ўрнатишда янги самарали тизим ташкил этилди, ҳамда хизмат самарадорлигини ошириш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ходимлари ва пробацья инспекторлари фаолиятида ўзаро амалий ва услубий кўмаклашиш чораларини кўриш бўйича вазифалар белгиланди.

Бундан ташқари, Ички ишлар вазирининг 2017 йил 27 июль кундаги “*Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликни чеклаш тариқасидаги жазоларнинг ижросини ташкил этиш ҳамда шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида*”ги 157-сонли буйруқ билан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги умумий қоидаларда жазонинг ижросини таъминловчи органлар ва уларнинг вазифалари ҳамда суд ҳукмини ижрога қабул қилиш ва расмийлаштириш тартиби ҳамда жазо ўтаётган қорхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг ҳамда муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун рухсатнома берган ваколатли органларнинг мажбуриятлари белгиланган[4].

Бирок, Ўзбекистонда Пробация хизмати фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи тегишли қонун ости ҳужжатларини кўплиги, ўз навбатида жиноят-ижроия қонунчилигида пробация хизматининг ҳуқуқий мақоми мавжуд эмаслиги, **Ички ишлар органлари фаолиятида ҳуқуқий асослар қонун билан тартибга солинмасдан келинаётганлигини инobatга олиб, амалдаги жиноят-ижроия ҳуқуқ соҳасида озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этувчи алоҳида пробация институти фаолиятини тартибга солувчи “Пробация тўғрисидаги қонун”ни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.**

“Пробация тўғрисидаги қонуни” қабул қилиш зарурати 2019—2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш тўғрисида **Концепциянинг** (2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4006-сон қарор билан тасдиқланган) 1.2, 1.7, 1.9, 2.2, 2.4, 2.9-бандларида пробация соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича қатор вазифалар доирасида белгиланган.

Ва ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2021 йил 7 апрелдаги топшириғида белгиланган пробация соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган.

Мазкур қонунда пробация хизматининг мақсади, **мақоми, вазифаси** ва асосий устувор йўналишларини белгилаш, мазкур йўналишдаги ҳуқуқий муносабатларга киришувчи иштирокчиларни ҳамда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаётган шахсларни ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаш ҳамда уларни назорат қилиш тизмини белгилаш, шунингдек, давлат ҳокимияти, ташкилотлари ва органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлар билан ўзаро алоқалари ва ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда такомиллаштириш, масалалари қамраб олинади.

Ушбу қонун орқали жиноят-ижроия ҳуқуқ соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини ошириш ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилинишини таъминлайди.

Бу борада тадқиқотчи ва олимлар ҳам шундай фикрни маъқуллашмоқда. Хусусан, М.М.Хайдаровнинг ёндашувига кўра, ушбу қонун Пробацияга алоқадор куйидаги масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш имконини беради: пробация назоратидаги шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати; пробация органлари ва уларнинг ваколатлари; пробация органлари фаолиятини контроль ва назорат қилиш тартиби; пробация назоратини амалга ошириш тартиби; пробация назоратидаги шахсларни ахлоқий тузатиш воситалари ва уларни қўллаш тартиби; пробация назоратидаги шахсларнинг ижтимоий қайта жиноят содир этиш хавфини аниқлаш ва бунга йўл қўймаслик бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш тартиби маҳкумларнинг пробация органлари ваколати доирасига ўтказиш тартиби ва шартлари[5].

Шунингдек, М.М.Хайдаров жазони ижро этиш ва пробация фаолияти ўзаро узвий боғлиқ бўлганлиги боис ушбу соҳаларни ягона кодекс асосида ҳуқуқий тартибга солиш мақсадга мувофиқлигини қайд этиб, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексини “Ўзбекистон Республикасининг Жазони ижро этиш ва пробация кодекси” деб номлашни таклиф этган[4].

Тадқиқотчи Ш.А.Хўжаев «Пробация назорати тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш керак, бу Пробация органлари фаолиятида ташкилий масалаларни, ушбу жараёнда жамоатчиликнинг иштирокини тартибга солади. Жиноят кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасида «Пробация чора-тадбирлари» бобини киритиш керак деб таъкидлайди[6].

Бизнингча, қонун қабул қилиниши пробация тизимидаги ҳуқуқий бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этишга, миллий хусусиятлар ва шароитларни эътиборга олган ҳолда халқаро

стандартлар ва илғор хорижий тажрибани имплементация қилишга, шунингдек пробацация амалиётида юзага келаётган масалаларни бартараф этишга хизмат қилади.

Пировард натижада инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, пробацация назоратидаги шахсларда қонунга итоаткор хулқ-атворни ва жамиятда юриш-туриш қоидаларига ҳурмат муносабатини шакллантириш, уларни ижтимоий мослаштириш ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш бўйича таъсирчан ва самарали тизим яратилишига эришилади.

### ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ:

1. Таджихонов Б.У. Узбекистон: либерализация и основные направления правовой политики.-Т.: 2002.-С. 60-63.
2. Электрон манба. Кириш йўли: <https://www.Lex.uz>
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органлари пробацация хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 14 февралдаги 84-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.02.2020 й., 09/20/84/0167-сон.
4. ИИВ 27.07.17й.даги 157-сон буйруғи
5. М.М.Хайдаров. Академия на пути совершенствования системы подготовки квалифицированных кадров для органов внутренних дел. // ЎзР ИИВ Академияси – 2019 й. Материалы международной научно-практической конференции. 222-бет.
6. Ш.А.Хўжаев // “Ўзбекистон жиноят қонунчилигига пробацация институтини жорий этиш истиқболлари”.

### ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИН СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТАДБИРЛАР

Аллаёров Бекзод Еркинович,  
Термиз давлат университети Жаҳон  
тарихи кафедраси еркин тадқиқотчиси

**Аннотация:** Мақолада Иккинчи жаҳон урушидан кейин Сурхондарё вилоятида жамоат тартибини муҳофаза этиши, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириши, вояга етмаган ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириши, маҳбусларнинг фаолиятини яхшилаш ва бошқа қатор тадбирлар ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** Сурхондарё вилояти, жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартиби, жиноят қидирув бўлими, ИИВнинг Сурхондарё вилоят бошқармаси.

**Аннотация:** В статье говорится об охране общественного порядка в Сурхандарьинской области после Второй мировой войны, усилении борьбы с преступностью, усилении внимания к воспитанию несовершеннолетних, улучшении функционирования мест лишения свободы и ряде других мероприятий.

**Ключевые слова:** Сурхандарьинская область, борьба с преступностью, общественный порядок, управление уголовного розыска, Сурхандарьинское райотдел МВД.

**Abstract:** The article talks about the protection of public order in the Surkhondaryya region after the Second World War, increasing the fight against crime, increasing attention to the education of minors, improving the functioning of prisons, and a number of other activities.

**Key words:** Surkhondaryya region, fight against crime, public order, criminal investigation department, Surkhondaryya regional department of the Ministry of Internal Affairs.

1946 йилнинг биринчи чорагида собиқ СССР ИИХК қайта тузилиб, унинг ўринга собиқ СССР Ички ишлар ва Давлат хавфсизлиги вазирликлари қайта ташкил этилди. ИИВнинг Сурхондарё вилоят бошқармаси тузилиб, унга Шарипов, ДХВнинг вилоят бошқармасига эса Ашурралиев бошлиқ этиб тайинландилар. Ўша йили, шунингдек, собиқ СССР ИИВ милиция бош

бошқармасининг жиноят қидирув бўлими бошқармага айлантирилди. Вилоятларда эса жиноят қидирув бўлимлари тузилди.

1946 йилнинг 20-21 сентябрь кунларида меҳнаткашлар депутатлари Сурхондарё вилоят Советининг VI сессияси бўлиб ўтади. Сессия ишида ИИБ вилоят бошқармаси бошлиғи Шарипов ва ДХВ вилоят бошқармаси бошлиғи Ашуралиев иштирок этадилар[1].

*МУДҲИШ қотиллик Сарносиё районидаги И.Диёров жамоа хўжалигининг Корасув участкасида яшовчи фуқаро Тўра Пирназаров 1994 йилнинг июнь ойида район ички ишлар бўлимига арıza билан мурожаат этади. Аризада ўғли Пирназаров Нормўминнинг бедарак йўқолганлиги тўғрисида ёзган эди. Ариза юзасидан ИИБ жиноят қидирув бўлими бошлиғи милиция майори М.О.Хўжаев иш юритиб, ҳар томонлама оператив-қидирув тадбирларини амалга оширади. Натижада бедарак йўқолган Пирназаров Нормўмин, уюшган жиноятчилар тўдаси томонидан ўлдирилиб, мурдаси И.Диёров жамоа хўжалигининг Эркин участкасида болалар боғчаси боғига кўмиб ташланганлиги аниқланади. Содир этилган қотиллик уч ойдан сўнг тўла фош этилди.*

*Пирназаров Нормўминни ўлдирган жиноятчилар тўдасига Зиёев Йўлдош деган кимса бошчилик қилган. У 1993 йил октябрь ойида опаси билан район ИИБ га мурожаат этиб, опасининг турмуш ўртоғи Шоев Қиёмиддин ўзи билан 80 минг сўм пул олиб, Хоразм вилоятига гуруч олиб келиш учун кетганлиги, аммо бир ойдан буён қайтиб келмаганлиги, яъни дараксиз йўқолганлиги тўғрисида ариза беради. Бу воқеа юзасидан ИИБ ЖҚБ ходимлари шуғулланиб, Шоев Қиёмиддинга нисбатан 1993 йил октябрь ойида қидирув эълон қилишди. Й.Зиёев ҳибсга олингандан сўнг, унга ва унинг шерикларига нисбатан оператив-қидирув ишлари давом эттирилди. Натижада унинг ўзи янаси Шоев Қиёмиддинни уриб ўлдириб, 80 минг сўм пулни олганлиги ва жиноятнинг изини йўқотиш мақсадида, унинг жасадини ёқиб юборганлиги аниқланди.*

*Тўпланган далиллар асосида унинг ҳамма кирдикорлари фош этилди. Шунингдек, уюшган жиноий гуруҳ аъзолари Мамат Пирназаров, Жума Абраев, Ю.Ш., укаси Б. ва М.лар Й.Зиёев раҳнамолигида турли йилларда кўплаб босқинчилик, ўғирлик жиноятларини содир этганликлари очиқ ташланди. Самарқанд вилоят суди ушбу уюшган жиноий гуруҳ бошлиқлари Йўлдош Зиёев ва Жума Абраевларни олий жазога, қолган аъзоларини эса узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди.*

Урушдан кейинги дастлабки йилларда вилоят аҳолисини нон билан таъминлаш бирмунча қийинлашганлиги сабабли область ижроия кўмитаси ўзининг 1947 йил 6 февраль кунидаги қарори билан 1947 йил март ойида нон билан таъминлаши лозим бўлган контингент тўғрисида қарор қабул қилади. Қарорга мувофиқ, ИИБ ва ДХВ вилоят бошқармаларининг офицерлар таркибини жами - 98 кишини ҳам нон билан таъминлаш лозимлиги қайд этилган.

Халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш даврида милиция ходимлари кишлоқ хўжалиги тармоқларида ўтказиладиган компанияларга ҳам жалб этилар эди. Шу ўринда вилоят ижроия кўмитасининг 1947 йил 20 февралдаги “1947 йилда Сурхондарё области районларида қўй ва эчкилардан тўл олиш ва кўзиларни наслларга ажратиш тўғрисида”ги қарори диққатга сазовордир. Унда вилоят милиция бошлиғи Л. И. Массоверга район милиция бўлимларининг оператив ходимларини мунтазам равишда тўл олинадиган жойларга юбориб, молларнинг ўғирланишига (ўзлаштирилишига) қарши кураш олиб боришни ташкиллаштиришни таъминлаш вазифаси юклатилган[2].

Маҳаллий ҳукумат ва партия ташкилоти урушдан кейинги йилларда вилоятда юзага келган вазиятдан келиб чиққан ҳолда аҳоли пунктлари ва кишилар кўп тўпланадиган жойларда жамоат тартибини муҳофаза этиш, жиноятчи унсурларни аниқлаш ва ҳар хил келиб-кетувчи гумонли шахслар фаолиятини назорат этишни таъминлаш, бунга вилоятнинг жамоатчилик имкониятларидан тўла фойдаланиш мақсадида, 1947 йилнинг 21 мартда “Жиноятчиликка қарши кураш ва кишлоқ жойларида жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасида тадбирлар” тўғрисида алоҳида қўшма қарор қабул қилади. Қарор қуйидаги ташкилий масалаларни мазмунан ҳал этишни назарда тутади:

1. Колхоз ва совхозларда, МТС, темир йўл атрофларида жамоат тартибини сақлаш мақсадида кўнгиллилар гуруҳлари тузилсин ҳамда унинг таркибига 18 дан 50 ёшгача бўлган эркак ва аёллар жалб этилсин;

2. Бу гуруҳларга раҳбарлик қилиш учун партия ва комсомол аъзоларидан обрўли кишилар ажратилсин ҳамда бу жамоа топшириғи деб қабул қилинсин;

3. Гуруҳ аъзоларига ИИВ йўриқномаси асосида алоҳида гувоҳномалар берилсин;

4. Гуруҳ аъзолари билан йўриқнома (инструктаж) ўтказиш ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш район милиция бошлиқлари томонидан амалга оширилади;

5. Ҳар бир қишлоқ, посёлка Советларида аҳоли пунктларида фуқароларнинг келиб кетишини қабул этиш ва ҳисобдан чиқариш масалалари бўйича алоҳида масъул ходимлар ажратилсин. Кечаси келиб тўхтайдиган (тунайдиган) ва тўпланадиган шахслар чуқур текширилсин ва махсус дафтарларга қайд этилсин;

6. Район ижроия комитетлари қишлоқ, овул ва бошқа аҳоли яшайдиган пунктларда суткалик (кечаси ва кундузи) навбатчиликлар ташкил этсинлар[3].

Албатта бу қарорнинг алмада бажарилишининг натижалари вилоятда жамоат тартибни мустаҳкамлашда ва жиноятчиликка қарши курашда, осойишталик посбонларига катта кўмак бўлди. Бу даврда вилоят аҳолиси уртасида қонунчиликни тушунтириш ва тарғиб қилиш ишларига ҳам алоҳида аҳамият берилди. Вилоят ижроия кўмитасининг раиси Ашуров, Сурхондарё вилоят меҳнаткашлари депутатлари Советининг VII сессиясида “Ижрокумнинг 1946 ва 1947 йилнинг 1-чорагидаги иши тўғрисида”ги маърузасида СССР Олий Совети Президиумининг “Давлат сирларини кўриқлаш, давлат ва жамоат мулкни ўғирлаганлик учун жиноий жавобгарлик ва фуқароларнинг шахсий мулкни кўриқлашни кучайтириш тўғрисида”ги, фармонлари ҳақида вилоят район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия кўмиталари аҳоли орасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришини алоҳида таъкидлайди ва бу масала юзасидан сессия тегишли қарор қабул қилади[4].

Давлат мулкни, айниқса, кооператив мулкни ўзлаштириш, растрата қилиш ва ўғирлаш ҳоллари вилоятда анча сезиларли даражада эди. Бу ҳолнинг олдини олиш мақсадида “Растратачилар ва ўғирликларга қарши кураш ҳамда матлубот жамиятлари соҳасида кооператив мулкнинг сақланишини кўриқлашнинг аҳоли қониқарсиз эканлиги тўғрисида”ги масала вилоят ижроия кўмитасида кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинади. Қарорда вилоят милициясининг бошлиғи Л.И.Массаверга, милиция органларининг кооператив мулкни ўзлаштириб, растрата қилиб, яшириниб юрган шахсларни қидириб топиш учун фаол чоралар кўриш юзасидан барча милиция идораларига топшириқ бериш юклатилади[5].

Вилоятда жамоат тартибини муҳофаза этиш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, вояга етмаган ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириш, маҳбусхоналарнинг фаолиятини яхшилаш ва бошқа қатор тадбирлар билан бир қаторда вилоятда ёнғинга қарши кураш масалаларига ҳам маҳаллий ҳукумат томонидан алоҳида эътибор бериб келинди. Авваламбор, уларга ишлаш шароитларини яхшилаш, бйноларни таъмирлаш ва бошқа мақсадлар учун тегиш маблағлар ажратилди. 1947 йили вилоят ижроия кўмитаси йиғилишида ИИВ вилоят бошқармаси бошлиғи Шариповнинг маърузаси тингланди, йиғилиш қарори асосида ёнғинга қарши тадбирларни амалга ошириш учун 363,5 минг сўм маблағ ажратилди. Шу билан бир қаторда, Денов район ёнғинга қарши кураш ДПО сининг қурилиши ва Термиз шаҳар давлат ёнғиндан сақлаш бўлини маси биносини капитал таъмирлаш учун 17 минг сўм ажратилди.

Фақат 1948 йилнинг ўзида ёнғинга қарши курашни кучайтириш масаласи вилоят ижроия кўмитасида икки маротаба кўриб чиқилди. Улардан бири “1948 йил галла ҳосилини йиғиб олиш компанияси даврида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга доир амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида”, иккинчиси эса “Халқ хўжалигида ёнғинга қарши кураш чора-тадбирларини кучайтириш тўғрисида”дир.

1950 йилнинг 6 январь кунида ҳам “Халқ хўжалиги қорхоналарида ва раҳбар органларнинг биналарида ёнғин хавфсизлигини кучайтириш тўғрисида”ги масала вилоят ижроия ва партия кўмиталарининг қўшма мажлисида кўриб чиқилиб, унинг қарорига биноан, ИИВ вилоят бошқармасининг бошлиғи Шариповга ёнғинга қарши курашда кўнгилли дружиначи ва жанговар бўлинмалар билан мунтазам равишда машғулотлар ўтказиш, улар иштирокида ёнғиннинг олдини олиш ва, зарурат туғилганда, ёнғинларни фаол ўчира олишга қодир қисмлар тузиш тўғрисида тегишли топшириқ берилди. Шунингдек, 1951 йилнинг 8 апрелида вилоят ижроия кўмитаси ўзининг қарори билан ИИВ Сурхондарё вилоят бошқармаси бошлиғи Ражабовга Тайёрлов вазирлигига қарашли тайёрлов баъзалари ва пунктларида ёнғинга қарши курашнинг

аҳволини текширишни уюштириб, у ерларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини таъминлаш топширилди[6].

Маҳаллий ҳукумат ички ишлар идораларининг ташаббуси билан ёнғин хавфсизлиги масалаларига катта аҳамият бериб, ҳар йили уз мажлисларида бу масалани мунтазам кўриб борди ва ижро учуш зарур қарорлар қабул қилинди.

1949 йилга келиб, милиция ҳаётда ўзгариш бўлди, чунки у яна Давлат хавфсизлиги вазирлигининг ихтиёрига берилди. ДХВнинг милиция бош бошқармасида учта бошқарма: Милиция хизмати бошқармаси, ижтимоий мулкни ўзлаштирувчиларга ва чайқовчиликка қарши кураш (БХСС) бошқармаси, жиноят қидирув бошқармаси ва иш фаолиятига қараб бошқа қатор бўлимлар ташкил этилди[7]. Бу ҳол милиция зиммасига ўз вазифаларини янада яршироқ бажариши талабини кўйиб, ходимларнинг масъулиятини янада оширган эди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин, айниқса, 40-йилларнинг охири, 50-йилларнинг бошларидан эътиборан, участка вакилларининг хизмат фаолиятлари анча кенгайди. Улар ўз хизмат ҳудудларида содир бўлган ҳар бир ҳодисани билишлари, жамоат тартибини сақлаш, жиноятларнинг олдини олиш, содир бўлганларини аниқлашлари, жамоатчилик билан алоқа қилиб туришлари, фуқароларни қабул қилишлари, уларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиб, зарур чоралар кўришлари, паспорт режимига риоя этилишини текширишлари зарур эди. Умуман олганда, улар ўз участкаси ҳудудида милиция фаолиятига қирадиган ҳамма масалалар билан шуғулланишлари шарт эди. Булар билан бир қаторда милиция ташқи хизмати ходимлари ҳам талончилар, ўғрилар, ижтимоий мулкни талон-торож қилувчиларни, олиб сотарларни қўлга олар эдилар. Милиционер ўзига топширилган иш учун юксак масъулиятни ҳис этар эди. У ўз хизмат бурчини бажараётган пайтда ҳам, ҳатто таътилга чиққан пайтда ҳам халқ ва давлат манфаатларини кўриқлашга тайёр туради.

Ўша даврларда милицияда автомобиль ва мотоцикллар йўқ эди. Қишлоқ жойларида участка вакиллари отлиқ юришарди. Криминалистик ва оператив техникалар, фото-аппаратлар ва бошқа техникалар деярли йўқ эди. Шунга қарамасдан шахсий таркиб кечани кеча, кундузни кундуз демасдан виждонан ҳалол хизмат қилар эди. Улар жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилганларини ўз вақтида аниқлаш, жамоат тартибини муҳофаза этиш, қишлоқ хўжалиги, пахта, дон, чорва ва бошқа маҳсулотларни етиштириш ва тайёрлашда уларни ҳар қандай ғайри-қонуний ва жиноий хуружлардан асраш борасида тинмай меҳнат қилар эдилар.

Масалан, 1953 йилнинг 29 июлида Сурхондарё вилояти меҳнаткашлар депутатлари Советининг 4-чақирик, 2-сессияси бўлиб ўтади. Унда «Вилоят колхозларида чорвачиликни ривожлантириш планининг бажарилиши, чорава қишлоғига тайёргарлик ва уни ўтказиш тадбирлари тўғрисида» ижроия кўмита раиси Ортиқовнинг маърузаси юзасидаи Шўрчи район милиция бошлиғи Аҳмедов сўзга чиқади. Сессия баённомасида қайд этилишича, у қуйидагиларни баён этади: «Чорвачиликни ривожлантиришда ем-хашак тайёрлаш юзасидан берилган топшириқларни ўз муддатида бажариш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Лекин кўпгина колхоз-совхозларнинг раҳбарлари бу вазифанинг аҳмиятига етарли баҳо бермайдилар. «Оққапчиғай» совхози хашак тайёрлаш планини энди 7 фоиз бажарди. Райондаги Хрушчев, Шверник номли колхозларда хашак тайёрлаш иши ўз ҳолига ташлаб қуйилган деса бўлади. Қолбуки, бу колхозларда ўтган йили етарли ем-хашакнинг булмаслигидан моллар қишдан ориқ чиқди. Молотов номли колхозда эса 3 минг бош қўй озиқанинг етишмаслигидан ўлди. Бу колхозда 56 бош мол чоравчилик ходимларининг масъулиятсизлигидан жардан ағанаб ўлди. Райондаги К.Маркс номли колхозда ҳам чорва молларининг аҳволи ёмон. Чорвачилик ишига нисбатан бундай масъулиятсизлик билан қарашга нисбатан қатъий кураш олиб боришимиз лозим. Чўпонлар орасида сиёсий-оммавий ишларни кучайтириш, зоотехник ветеринария ходимларининг колхозларга амалий ёрдам беришларини таъминлаш лозим»[8].

1953-1956 йилларда ҳамма қонунни муҳофаза қилувчи органларнинг, шунингдек, милициянинг ҳам ишини яхшилашга қаратилган қатор чоралар кўрилди. Жумладан, илгари социалистик қонунчиликни бешишга йўл қўйган кишилардан тозалаш, ҳар қандай хизмат мансабини суистеъмол қилиш ҳолларининг олдини олиш, жиноятчиликка, авваламбор, унинг хавфли турларига қарши курашни кучайтириш масалалари ҳал этилди. ИИБ фаолиятида қонунчиликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди. Биринчи навбатда, жиноят ишлари бўйича терговнинг сифатини яхшилашга, жиноят қидируви ва милициянинг ташқи хизмати аппарат-

ларини мустаҳкамлашга аҳамият берилди. Оператив бўлим ходимларини жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатлари ўтказишдан озод этдилар. Булар эса, авваламбор, уларнинг кучларини жиноятларни очишга ва қонунчиликни мустаҳкамлашга қаратишга имкон берди. Собиқ КПСС XX съезди ҳулосасига биноан, 1956 йил 30 июнда “Шахсга сизиниш ва унинг оқибатларини бартараф қилиш тўғрисида” қарор қабул қилинди. Шунга асосан, 1956 йил кузида ИИВ ва унинг органларининг ишини яхшилаш чоралари кўрилди. Натижада ИИВ ва милиция бошқармалари қайта тузилди. Жумладан, вилоятларда ҳам ижроқўмларнинг ягона ички ишлар бошқармалари, шаҳар ва районларда ижтиқўмларнинг милиция бўлимлари ташкил этилди. Шу тадбирларга мувофиқ милицияни икки томонлама буйсундириш принципи тикланди. Яъни у ҳам маҳаллий Советларга, ҳам юқори ички ишлар идораларига бўйсунадиган бўлди.

1957 йилга келиб, собиқ ҳукумат қарорига биноан, милицияга мамлакат ҳудудида қариндош-уруғлари билан алоқасини йўқотган шахсларни қидириб топиш масаласи ҳам юклатилди. Чунки репрессия, Иккинчи жаҳон уруши ва бошқа сабабларга кўра кўплаб фуқароларнинг ўз қариндош-уруғлари билан алоқаси узилиб қолган эди. Бу масалани ҳал этишда ҳам вилоят милицияси шароитдан келиб чиққан ҳолда муносиб хизмат қилди. Бутун мамлакатда бўлганидек, вилоятимизда 40-50-йиллар ниҳоятда оғир йиллар бўлди. Чунки 40-йилларнинг биринчи ярмида мамлакатнинг бутун иқтисоди, ҳамма ресурслари ватан ҳимоясига ва бу ҳалокатли урушда душман устидан ғалабага қаратилган эди. Уруш тугагач, яъни 40-йилларнинг иккинчи ярми ва 50-йилларда бутун совет халқи қатори, воҳамиз милицияси ходимлари ҳам жар ёқасига келиб қолган халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса кўшдилар. Улар асосий эътиборни давлат ва кооператив мулкни талон-торож қилувчиларга қарши курашга, камомад содир қилинишининг олдини олиш ва бундай ҳолларга чек қўйишга, уларнинг келиб чиқиш сабабларига барҳам бериш учун зарур чоралар кўришга қаратган эдилар. Пахта, ғалла, чорва ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини нобуд қилиш ва ўғирлаш ҳолларига, олиб-сотарликка ҳамда савдо қоидаларини бузишга қарши курашни кучайтирдилар. Мана шу даврда Сурхон милициясига Кот, Ҳасанов, Леонид Ильич Массовер, Евдоким Кавиков, Александр Павлович Савицкий, Шарипов, Ойдин Ражабов, Ҳошим Қурбонов, Раҳимжон Отажонов, Қосим Тўхсанов, Тилла Абуллаев ва бошқа кишилар раҳбарлик қилдилар. Улар туб маҳаллий аҳоли орасидан чиққан ёш ходимларни ватанга, халқимизга виждонан, ҳалол ва садоқатли хизмат қилиш руҳида тарбиялашда ўз билим ва кучларини аямадилар. Улар ўша оғир даврдаги етишмовчиликларга қарамасдан, кам сонли милиция ходимларини давлатимиз сиёсатидан келиб чиққан ҳолда, халқимизга, ватанга садоқат билан хизмат қилишга даъват этдилар. Вилоятдаги жиноятчиликнинг олдини олишга, содир этилган жиноятларни ўз вақтида очишга, жиноят сабабли давлат ва фуқароларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни тиклаш чораларини кўрар эдилар. Ўша даврнинг талабига биноан, ҳамма ходимлар, яъни оддий милиционерлардан тортиб то бошқарма бошлиғигача ҳар куни икки сменада ишлар, дам олиш нималигини билишмас эдилар. Бу одат кейинги ёш авлодга ҳам мерос бўлиб ўтиб келмоқда ва улар ўз бурчларини кеча-кундуз демасдан, виждонан бажармоқдалар.

1960 йил январь ойида собиқ Иттифоқ ИИВ тугатилиб, унинг барча вазифалари иттифоқдаги Республкалар ИИВлари зиммасига, кейинчалик эса Жамоат тартибини сақлаш (МООП) вазирлигига юклатилди. Шунга биноан, бу органлар Сурхондарёда вилоят ижроия қўмитасининг жамоат тартибини сақлаш бошқармаси, шаҳар ва районларда эса милиция бўлимлари деб юритила бошлади. Милициянинг фаолиятини яхшилашда 1962 йил августида тасдиқланган милиция тўғрисидаги Низом муҳим аҳамиятга эга бўлди. Низомда таъкидланишича, милицияга ишга ахлоқан етук, Ватанга садоқатли фуқаролар қабул қилиниши белгиланган. Низомда милиция ходимларининг ор-номуси, довюрак, хушёр ва мустаҳкам тайёргарликка эга бўлишлари, улар ўз билим ва кучларини, агар керак бўлса, ҳатто ҳаётларини ҳам аямасдан, хизмат бурчларини фидокорона бажаришлари қайд этилган.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Тошкент, 1991 йил, 6-бет.
2. Сурхондарё ВДА ҳужжатлари, Ф-45, Р-1, Ж-34, 421-бет.
3. Совет милиция 1917-87 йиллар, Москва, “Юридик адабиётлар», 1987 йил, 159-160-бетлар.

4. Сурхондарё ВДА ҳужжатлари, Ф-45, Р-1, Ж-185, 193 - бет.
5. Сурхондарё ВДА ҳужжатлари, Ф-45, Р-1, Ж-185, 193 – бет
6. Сурхондарё ВДА ҳужжатлари. Ф-18, Р-1, Ж-82, 61-бет.
7. Сурхондарё ВДА ҳужжатлари. Ф-45, Р-1, Ж-169, 205-бет.
8. Сурхондарё ВДА ҳужжатлари. Ф-45, Р-1, Ж-200, 106-бет

## **СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ**

**Бобожонов Дилшод Бахтиёрович,**  
*Термиз давлат университети Жаҳон  
тарихи кафедраси еркин тадқиқотчиси*

**Аннотация:** *Сурхондарё вилоятида ўтган давр мобайнида “маҳаллабай” ва “фуқаробай” ишлаш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш натижалари ҳамда жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасида туб ислоҳотлар амалга оширилиб, ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Мақолада Сурхондарё вилоятида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолияти ҳақида сўз юритилган.*

**Калит сўзлар:** *Сурхондарё вилояти, Концепция, Стратегия ва «Йўл харитаси», жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартиби, жиноят қидирув бўлими.*

**Аннотация:** *За истекший период в Сурхандарьинской области осуществлены коренные реформы в сфере «местной» и «гражданской» работы по предупреждению правонарушений и борьбе с преступностью, а также по усилению общественной безопасности, и работа в этом направлении последовательно продолжается. В статье говорится о деятельности органов внутренних дел в сфере обеспечения общественной безопасности и борьбы с преступностью в Сурхандарьинской области.*

**Ключевые слова:** *Сурхандарьинская область, Концепция, Стратегия и «Дорожная карта», борьба с преступностью, общественный порядок, органы уголовного розыска.*

**Abstract:** *During the past period in the Surkhandarya region, fundamental reforms have been implemented in the field of “local” and “civilian” work to prevent violations and fight against crime, as well as to strengthen public safety, and the work in this direction is being continued consistently. The article talks about the activities of internal affairs bodies in the field of ensuring public safety and combating crime in Surkhandarya region.*

**Key words:** *Surkhandarya region, Concept, Strategy and “Road map”, fight against crime, public order, criminal investigation department.*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрлари учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармониға мувофиқ, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш ҳамда ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини

белгилаш мақсадида, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги илғор хорижий ва миллий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ҳамда аҳолини ҳар қандай таҳдидлардан кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган:

1. Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси

2. 2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсиз-лигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси

3. 2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсиз-лигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» ишлаб чиқилган[3].

Концепция, Стратегия ва «Йўл харитаси»га мувофиқ, Сурхондарё вилоятида ўтган давр мобайнида “маҳаллабай” ва “фуқаробай” ишлаш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш натижалари ҳамда жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасида туб ислохотлар амалга оширилиб, ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Вилоятда “маҳаллабай” ва “фуқаробай” ишлаш, жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш борасида ички ишлар, давлат ва нодавлат идоралари томонидан муайян профилактик чора-тадбирлар амалга оширилган.

2022 йилнинг 9 ойи мобайнида вилоят ҳудудида 2018 та жиноят содир этилган.

Вилоят ҳудудида 100 минг аҳолига нисбатан ўртача 120,2 тадан жиноят тўғри келган.

Жиноятларнинг 1950 таси (59,1 фоизи) олди олиниши мумкин бўлган, 269 таси (8,1 фоизи) эҳтиётсизлик оқибатида, 2069 таси (62,7 фоизи) ҳисобот йилида содир этилган, 1229 таси (37,3 фоизи) аввалги йилларда содир этилиб, 2022 йилда ҳисобга қўйилган жиноятларни ташкил этган.

Жорий йилнинг 9 ойида ички ишлар идоралари ходимлари ташаббуси билан 1348 та (умумий жиноятнинг 40,9%) жиноят аниқланиб, жазо муқаррарлиги принципи таъминланган.

Бугунги кунда, бутун дунё бўйича қанчадан-қанча одамларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳаётига зомин бўлаётган гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний сақлаш, тайёрлаш ва сотиш билан боғлиқ 246 та ҳолат, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш 275 та, одам савдоси билан боғлиқ 6 та, валюта операцияси қоидаларини бузиш билан боғлиқ 13 та, порахўрлик билан боғлиқ 96 та ҳолат аниқланган.

Ўтказилган тадбирлар давомида жиноятчилардан 276 кг 170 гр (2021 йилда 163 кг 176 гр) наркотик моддалар олинган.

Бирок, бу борада йўл қўйилган айрим хато, камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ва тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар айрим йўналишларда жиноятларнинг ошишига сабаб бўлмоқда.

Умумий жиноятлар Термиз шаҳрида 694 та, Деновда 462 та, Жарқўрғонда 245 та, Шерободда 227 та, Қумқўрғонда 196 та, Шўрчида 222 та, Термизда 185 та, Сариосиёда 164 та, Узунда 152 та, Бойсунда 153 та, Олтинсойда 128 та, Ангорда 174 та, Музработда 129 та, Қизириқда 113 та ва Бандихонда 54 та содир этилган.

Қотиллик жинояти Шўрчи, Деновда 3 тадан, Шеробод, Жарқўрғон, Термизда 2 тадан, Термиз шаҳар, Ангор, Сариосиё, Қизириқ, Қумқўрғон, Бандихонда 1 тадан, вилоятда 18 та содир этилган.

Оғир тан жароҳати етказиш жинояти Қумқўрғонда 7 та, Термиз шаҳрида 10 та, Деновда 8 та, Олтинсой, Бойсун, Шерободда 4 тадан, Ангорда 3 та, Термиз, Музработ, Шўрчи, Сариосиёда 2 тадан, Жарқўрғон, Қизириқ ва Узунда 1 тадан, вилоятда 51 та содир этилган.

Безорилик жинояти Термиз шаҳрида 38 та, Ангор, Деновда 20 тадан, Шўрчида 17 та, Жарқўрғонда 15 та, Бойсунда 11 та, Шерободда 10 та, Олтинсойда 8 та, Узун, Қумқўрғонда 7 та, Сариосиёда 6 та, Музработда 5 та, Термиз ва Қизириқда 1 тадан, вилоятда 166 та содир этилган.

Ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари Шерободда 12 та, Жарқўрғонда 11 та, Шўрчида 10 та, Деновда 9 та, Сариосиёда 8 та, Ангорда 7 та, Бойсунда 6 та, Термиз шаҳар, Узун, Қумқўрғон ва Термизда 5 тадан, Музработда 4 та, Олтинсойда 3 та, Бандихон, Қизириқда 2 тадан, вилоятда 94 та содир этилган[4].

Президентимизнинг бевоқиф ташаббуслари билан идораларнинг иш фаолияти республика ёки вилоят даражасида эмас, балки “маҳаллабай” ва “фуқаробай” тартибда йўлга қўйилди.

Умуман олганда, **ичкиликбозлик, назоратсизлик ёки енгил ҳаёт тарзини** кечириб

каби, аслида кўпчиликни огоҳликка чақириши зарур бўлган масалаларга етарли эътибор қаратилмаётганлиги ҳам – оғир жиноятлар содир этилишига олиб келмоқда.

Жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ижтимоий муаммолари мавжуд 56 мингга яқин (55 894 нафар) **доимий эътибор қаратилиши лозим бўлган шахслар** билан манзилли ишлар маҳалланинг ўзида йўлга қўйилди.

**Шунингдек**, бугунги кунда вилоятда **ҳуқуқбузарлик келтириб чиқариши мумкин бўлган оилаларда** (653 та) мавжуд муаммоларни бартараф этиш, оила-турмуш шароитларини яхшилаш борасида **манзилли профилактик тадбирлар ўтказиб борилмоқда**.

Вилоятда ушбу йўналишда профилактик-тушунтириш ишларини янада жадаллаштириш мақсадида 15 апрелдан 15 май кунига қадар **вилоят оила ва хотин-қизлар, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармалари** ҳамкорлигида “Соғлом оила” ҳамда **жорий йил 1 августдан 5 сентябрга қадар вилоятда ўтказилган “Хавфсиз ҳудуд” профилактик тадбирлари ўтказилди**.

Вилоятда жорий йилнинг ўзида: 3056 нафар фуқаролар **бандлигини таъминлаш**, 5622 нафар **моддий ёрдам олиш**, 6199 нафар коммунал хизматлардаги муаммолар, 5682 нафар **алимент пулларини ундириш**, 2 123 нафар **мулкий низоларни фуқаролик судларда кўриб чиқиш** каби масалалар жойларда ўзининг ечимини топмаганлиги юзасидан **Халқ қабулхоналарига** мурожаат қилган.

Агар, бу тоифа шахслар билан бевосита маҳалланинг ўзида **профилактика инспектори, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли** томонидан шу тоифа каби ижтимоий-маиший муаммолари ҳал этилмаган фуқаролар билан **манзилли ишлаш амалиётини йўлга қўйишимиз зарур**.

Бу борада, секторда аниқланган ҳар бир муаммога “индивидуал диагноз” қўйиш орқали уларни ҳал этиш чоралари белгилаб борилади.

Бунинг натижасида, қайси фуқарога биринчи навбатда **ёрдам кўрсатиш**, кимни 3 та дафтарга киритиш, қайси маҳаллага бориб **муаммоларни ҳал этиш** бўйича аниқ ишлаш тизими яратилади.

Маҳалланинг ўзида жиноятчиликни барвақт олдини олиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан:

– 3 минг 230 та жиноят муҳокамаларини “маҳаллабай” ва “соҳабай” ўтказилиши таъминланди;

Лекин, **жорий йил 9 ой** якунига кўра 278 та маҳалла “қизил” тоифада қолмоқда.

**Президентимизнинг ташаббуси** билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жамоат хавфсизлиги концепцияси асосида аҳолини ҳар қандай таҳдидлардан **кафолатли ҳимоя қилиш** чоралари кўрилмоқда.

Мазкур концепция билан аҳолининг осойишталигини таъминлаш бўйича 10 та давлат идораларининг аниқ вазифалари ва хавфсизлигига хавф-хатар ва таҳдидларга барҳам бериш бўйича **аниқ ишлаш механизми** белгилаб берилди.

Концепция билан белгилаб берилган вазифаларни бажариш устидан **қатъий назорат тизими** ўрнатилди.

Концепцияга асосан жиноят ва ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишда **ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва патрул-пост, йўл ҳаракати хавфсизлиги** ҳамда **Пробация хизматларини яхлит тизим** сифатида мувофиқлаштирувчи **Жамоат хавфсизлиги хизмати** ташкил этилди.

**Шунингдек**,

– вилоят марказидан олисда жойлашган туманларда жамоат тартибини сақлаш бўйича жами 40 нафар туманлараро **патруль-пост хизмати отрядлари** тузилди, шунингдек, **ҳуқуқбузарликлар профилактикаси** ва **йўл-патруль хизматлари** кўшимча лавозимлар билан кучайтирилди.;

– вилоят марказида жойлашган **истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бозорларда** жамоат тартибини сақлаш бевосита Миллий гвардия бўлинмаларининг зиммасига ўтказилди;

– жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган шахсий таркиб ва уларнинг оила аъзоларини **ижтимоий ҳимоя қилиш** тизими яратилди;

– жамоат хавфсизлигини таъминлаш куч-воситаларининг фавқулодда ҳолатларда

биргаликдаги ҳаракатлари бўйича 22 маротаба турли ўқув ва тактик-махсус машғулотлар олиб борилди.

Концепция билан белгиланган вазифаларнинг ижросини ҳамкорликда амалга ошириш бўйича 10 та давлат идоралари вакилларида иборат вилоят даражасида **ишчи гуруҳлар** тузилди.

Келгусида, концепция билан белгилаб берилган устувор вазифаларнинг тўлақонли ижросини таъминлаш мақсадида **бир қатор чора-тадбирлар** белгилаб олинди.

**Жумладан, бундан буён:**

– ҳар бир туман-шаҳар кесимида **жамоат хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган хавф-хатарлар тури** шакллантирилади;

– жамоат хавфсизлигига хавф-хатарларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича ҳар бир масъул **идора ва ташкилотнинг аниқ вазифалари** белгилаб берилди;

– жамоат хавфсизлиги **куч-воситаларини бошқаришнинг марказлаштирилган тизими** жорий этилади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Президентимизнинг ташаббуси билан **йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш** ишлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Хабарингиз бор, мазкур соҳада мавжуд муаммоларга ечим топиш мақсадида **жорий йил бошида** (11 февраль) Давлатимиз раҳбари томонидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ушбу йиғилишда берилган топшириққа асосан вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ихтисослаштирилган махсус ўрнатиш ва фойдаланиш бўлими Сурхондарё вилояти ИИБ ЙҚХБ таркибига ўтказилиб, Махсус эксплуатация-монтаж бўлими сифатида қайта ташкил этилди.

Бугунги шиддат билан ўзгараётган таҳликали замонда **ҳар бир ходим** – фуқаролар билан мулоқотда етарли билимга эга бўлиши, мураккаб вазиятда тўғри қарор қабул қилиши ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун виждонан хизмат қилиши даркор.

Шу сабабли вилоятда ички ишлар органларини замонавий қиёфасини шакллантириш, ходимларнинг самарали хизмат олиб бориши учун зарурий шароитлар яратиш мақсадида вилоят Ички ишлар бошқармаси **Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси** (7 млрд. 562 млн.), **Аниқ яшаш ва иш турига эга бўлмаган шахсларни реабилитация этиш маркази** (5 млрд. 112 млн. 357 минг), **Денов тумани ИИБнинг** (18 млрд. 523 млн.) **замонавий шароитларга эга бўлган маъмурий бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Бугунги кунга келиб, Президентимиз томонидан ходимларга **замонавий таълим бериш** учун барча имкониятларга эга бўлган **инфраструктура** яратилди. Жумладан, ходимларнинг касбий билимларини ва амалий кўникмаларини узлуксиз ошириб боришга қаратилган янги узлуксиз **“ўқув-карьер”** тизими татбиқ этилди. Малака оширишнинг сайёр ва масофавий шакллари жорий этилиб, бир йилда тўрт баравар кўп ходимларни ўқитиш имконияти яратилди. Хусусан:

– биргина жорий йилнинг 9 ойида 900 дан зиёд (913 *нафар*) ходимларнинг малакаси оширилди;

– янги очилган магистратурани 5 **нафар** ходимларимиз тамомлаб, раҳбарлик лавозимларига тайинланади;

Ўз навбатида, ходимларнинг маънавий дунёқарашини ривожлантириш мақсадида “Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз!” дея номланган концептуал ғояни амалиётга татбиқ этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Умуман олганда, бундан кейин ҳам ижтимоий фикр ва фуқароларнинг таклифлари асосида ходимларнинг хатти-ҳаракатларини назорат қилиш, уларга ҳолисона баҳо бериш учун **кўшимча чора-тадбирлар белгилаб борилади.**

Бу борада, бундан буён:

– фуқаролар билан **қўпол муносабатда бўлган, ёки хизмат фаолиятида хато ва камчиликларга йўл қўйилган ички ишлар органлари ходимларига нисбатан тегишли тартибда интизомий таъсир чоралари қўрилади;**

– фуқаролар билан баҳсли ҳолатларда психологик жиҳатдан тўғри мулоқот қилиш ҳамда аҳлоқ-одоб қоидаларига қатъий риоя этиш бўйича алоҳида машғулотлар ва тренинглар ўтказилади.

Ўтган давр мобайнида **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси (1 та), Халқ депутатлари**

**Сурхондарё вилояти (3 та) ҳамда Узун туман (1 та) Кенгашлари** депутатларидан **5 та сўровлар** юборилди. Буларнинг барчаси мамлакатимиз-да жиноятчиликни жиловлаш билан боғлиқ фаолият доимий равишда **Парламент ва депутатлик назоратида** эканлигидан далолат беради.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. **Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси**
2. “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун. 2016-йил 16-сентябр
3. «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармон. 2021 йил 26 март.
4. **Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг 61-сессияси учун “Ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” йўналишида жорий йилнинг 9 ойи давомида амалга оширган ишлари юзасидан маъруза тезислари.**

# САНЪАТШУНОСЛИК

## THE ROLE AND IMPORTANCE OF USING NEW PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES DURING THE DRAWING OF THE “GUDON” HEAD IN PENCIL DRAWING LESSONS.

**Kholboy Khasanovich Khasanov,**

*(TerSU, senior lecturer of the “Fine Art and Engineering Graphics” department of the “Art Studies” faculty, associate professor)*

**Annotation:** *This article discusses the role and practical importance of using new pedagogical technologies in the exercise “Making a drawing of the head of an anatomical plaster cast”.*

**Key words:** *Pencil drawing, anatomy, art, pedagogical technology, art, artist, perspective, forms, light, shadow.*

**Аннотация:** *В данной статье рассматривается роль и практическое значение использования новых педагогических технологий в упражнении «Изготовление рисунка головы по анатомическому гипсовому слепку».*

**Ключевые слова:** *Карандашный рисунок, анатомия, искусство, педагогическая технология, искусство, художник, перспектива, формы, свет, тень.*

Известно, что глубокое понимание и знание теории изобразительного искусства и карандашного рисунка подготавливает почву для практической работы студентов в области изобразительного искусства. “Whoever imagines science without practice is like the pilot of a boat setting out to swim without an oar, and he can never be completely sure where he is going” said Leonardo da Vinci. Especially in the field of painting, practice must always be carried out in connection with a strong theory, and without them nothing can be achieved[2].

Therefore, the method of organizing the learning process in visual art classes based on modern technologies is one of the most urgent issues in the field of education today. For this, it is necessary to use modern technology and methods.

Methodology, method actually means knowing, learning, research way, creative method, pedagogical method. In pedagogy, teaching methods are the unique methods used by teachers in teaching their students in the process of artistic education and training, in order to acquire knowledge, skills and professional qualifications, to develop their creative abilities, and to find the content of their worldview. understood.

The methodology studies the content and characteristics of teachers’ methods of working with students in the educational process and teaches to use various methods of teaching visual arts:

“Methodology of fine art teaching” implies the achievement of the teacher’s level of thorough knowledge of the methods of teaching art to students and the increase in the efficiency of mastering.

“Methodology of Fine Art Teaching” summarizes the theory of positive works tested in the field of pedagogy as a scientific discipline and presents teaching methods that have effective results in educational and pedagogical practice. The methodology is based on the research results of pedagogy, psychology, art science, and defines the rules of teaching visual arts. At the same time, it defines new modern methods of educating the next generation.

The use of modern methods of interactive, pedagogical, innovative and information technologies, differentiated teaching, module teaching, didactic game teaching, problem-based teaching in the educational process is increasing day by day. One of the reasons for this is that, until now, in traditional education, students were taught to acquire only ready-made knowledge, but modern technologies allow them to search for the acquired knowledge by themselves, study and analyze it independently, and even draw conclusions. teaches them to cause themselves. In this process, the teacher creates conditions for the student’s development, formation, learning and education, and at the same time performs the task of management and direction.

Interactive methods are collective thinking, that is, methods of pedagogical influence, which are a component of the educational content. The uniqueness of these methods is that they are implemented only through the joint activity of pedagogues and students.

Innovative technology (ingl. Innovation) is innovation, innovation. Innovative technology is the introduction of innovations and changes to the activities of teachers and students in the pedagogical process. The distinctive features of such a cooperation process are as follows:


forcing the student not to be indifferent during the lesson, to think independently, to search creatively;

to ensure that pupils-students are constantly interested in knowledge during the educational process;

development of the student's interest in knowledge and independent creative approach to each issue;

organization of cooperative activities of the pedagogue and the pupil-student.

Pedagogical technology is defined as the use of television, computer, distance learning or various techniques that are related to information technology and are harmful to the teaching process.



The main basis of pedagogical technology depends on the technology chosen by the teacher and the student-student to achieve the result expected from the set goal, that is, in the process of teaching, from the intended goal to an effective result. Each technology used in the achievement of the teacher and student cooperation, positive results, independent thinking, creative work, search, analysis and drawing conclusions, is the basis of this teaching process.

Pedagogical technology in the educational process is an individual process, it is a pedagogical process directed to one goal, planned in advance and aimed at effective results based on the needs of the student.

The visual arts teacher should plan the future lesson process in order to visualize each lesson in advance. It is very important to design the course of the future lesson, because the technological map of the lesson is created based on the characteristics of the subject, the subject taught for each lesson, the possibilities and needs of the students. In order to create such a technological map, the teacher should be aware of art pedagogy, art psychology, special methodology, pedagogical and information technologies, as well as methods and methods. Making each lesson colorful and interesting depends on the designed technological map of the lesson, which is carefully thought out from the beginning.

Below is an example of a pre-designed technological map of a practical training on the subject of "Making a pencil drawing of the head of «Gudon» with anatomical plaster" from the subject of visual arts:

The purpose of the lesson: to strengthen knowledge and skills in working with a pencil drawing of a plaster human head[3].

Engaging in practical training aimed at deepening and strengthening new knowledge about the «Gudon» head with an anatomical head and its depiction in pencil drawing will further enrich our knowledge and skills in pencil drawing bio. For this, we need to prepare a practical training plan.

1. Theoretical, methodological and practical importance of nature-based imaging.
2. Placing the pencil drawing of the head made of gypsum on the picture plane.
3. Follow the rules of construction, perspective, light and shadow in the drawing.

4. Following the methodical sequence of depicting nature in pencil. Next stages of depiction.
5. Work on pencil drawing technique.
6. To achieve integrity in pencil drawing.


Pedagogical tasks

1. create a basis for independent study of the subject;
2. to help in deep assimilation and consolidation of knowledge on the subject;
3. To teach how to correctly describe images in nature on the photo plane;
4. Structurally correct description of things in nature;
5. Organizing work in groups and individually;
6. Development of drawing skills;
7. Providing theoretical and practical information on the formation of the skills of step-by-step implementation of the “Gudon” plaster head in pencil drawing:

Results of educational activities.


1. To get acquainted with the practical training plans in advance and prepares;
2. The topic of the practical training brings to mind the theoretical information, strengthens concepts and skills;
3. Ideas about the correct placement of the plaster human head in the plane of the picture are formed;
4. To learn to correctly describe the image of a human head made of plaster in nature;
5. Tries to perform a practical task individually;
6. Forms the skills of step-by-step implementation of depicting the “Gudon” plaster head in a pencil drawing;
7. Forms the skills of working in pencil drawing technique;
8. He will have theoretical and practical conclusions of step-by-step depiction of the plaster head of “Gudon” in pencil;
9. Teaching methods and techniques - Tasks, practical work method.
10. Teaching tools - samples of plaster human head pencil drawings, easels, electric lighting devices, pencils, markers, paper, blackboard, chalk.
11. Forms of training - Individual and group work

**PLASTER HUMAN HEAD WORK IN PENCIL DRAWING**



Stage 1

The first stage - composition placement begins with the placement of the composition of the image to be depicted on the surface of the paper.



Stage 2


The second stage is to reveal the linear-constructive basis of the form and open perspective views.



Stage 3

The third stage is the plastic description of light and shadow.

Having determined the linear-constructive basis of the head shape, we proceed to reveal its size using light-shadow ratios. In this place, it is very important to maintain the correlation of lines and colors.



Stage 4


The fourth stage is to finalize the results of work on the picture.

At the last stage of working on the drawing, first of all, it is necessary to check the general condition of the picture (it is necessary to subordinate the details to the general form, to color the picture, to determine the ratio of dark and light, to compare the contrast, light, reflection and half-shadow ), some parts of the described Gudo anatomical head should not stand out from the general view.

### “Cascade” technique

This technology helps to develop a system of ideas: The main purpose: to activate the ability to think clearly and creatively.

This technology helps to develop a system of ideas: The main purpose: to activate the ability to think clearly and creatively.



In the process of teaching, students are treated as individuals, various pedagogical technologies and modern methods are used to make them independent, free to think, to research, to approach a problem creatively, to feel responsibility, to conduct scientific research, analysis, to do, to make effective use of scientific literature, and most importantly, to increase their interest in reading, science, pedagogy, and their chosen profession.

Achieving such a result requires the use of innovative and information technologies in the practice and educational process. Modern methods or technological trainings that help to increase the effectiveness of teaching help students to form logical, intellectual, creative, critical, independent thinking, develop their creative abilities, become competitive, mature specialists, and help specialists helps to develop professional qualities.

Therefore, the acquisition of visual art education and knowledge is acquired through long-term practice of art, as well as through effective creative work.

### **CONCLUSION**

In the course of the qualification work, the following tasks were performed and the following conclusions were reached:

1. The theoretical and practical basics of working with plaster models in pencil drawing were studied.
2. The best practices and methods of teaching fine art lessons, nature-based illustration lessons were studied and researched;
3. A technological map of the practical training on working with a pencil drawing of the "Gudon" head with anatomical plaster was developed;
4. The step-by-step method of making a pencil drawing of the head of "Gudon" with anatomical plaster was developed based on the rich pedagogical experiences gathered so far;
5. It was recognized that the sequential method of working with plaster models in pencil drawing is an effective means of representation that can be used in fine arts classes.

### **LIST OF USED REFERENCES:**

1. S.F. Abdirasilov. Fine art teaching methodology. - T.: "Science and technology", 2012, pp. 8-7.
2. Art journal., 2010, Tashkent "Niso polygraph" publication. 3 numbers.
3. Zarina, Muhammadiyeva, and Kayumova Sabina. "THE PRACTICAL IMPORTANCE OF TYPES AND GENRES OF FINE ARTS IN HUMAN LIFE." *Universum: technical science* 11-5 (92) (2021): 90-91.

## МУНДАРИЖА

### ТАРИХ

<i>Тошкенбой Пардаев Ражабович. Ўзбекистонда урушдан кейинги дастлабки йилларда маданий ҳаёт.....</i>	<i>3</i>
<i>Шодмон Воһидов, Гулпарӣ Шарифова. Упомянутие ремесел и ремесленников в «Воспоминаниях» Садриддина Айни.....</i>	<i>8</i>
<i>Mirzaev Djalaliddin Zainiyevich. The invasion of Indo-Europeans in Central Asia.....</i>	<i>16</i>
<i>Турсунов Анвар Сайпуллаевич. Мустақиллик йилларида Сурхондарё вилояти шаҳарлари инфратузилмасидаги ўзгаришларни саноат корхоналари мисолида таҳлил этиш.....</i>	<i>22</i>
<i>Хидиров Холмамат Жўрайевич. Ўзбекистонда ҳаво транспорти ва авиация соҳасининг ривожланиши тарихи (Сурхондарё вилояти мисолида).....</i>	<i>26</i>
<i>Буранов Абдулҳаким Холлиевич. Ўзбекистон ёшлари фаоллигини оширишда ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг ўрни ва роли.....</i>	<i>28</i>
<i>Холманова Феруза Ураловна. Сурхондарё вилояти енгил саноат корхоналарига инвестицияларни киритишнинг иқтисодий самарадорлиги.....</i>	<i>30</i>
<i>Choriyev Jamshid Shokirjonovich. Koronavirus epidemiyasining urbanizatsion jarayonlarda ta'siri haqida.....</i>	<i>33</i>
<i>Абдуллаева Я.А. Олий таълим муассасаларида жамоатчилик назоратини ташкил қилишдаги шакл ва усуллар (Қорақалпоғистон ОТМлари мисолида).....</i>	<i>36</i>

### ЭТНОГРАФИЯ

<i>Абдуллаев Улғубек Сайданович. Ўзбек халқининг келиб чиқишини ўрганишга бағишланган қимматли асар.....</i>	<i>43</i>
<i>ОчилБўриев, ОчиловаҲолида. Қашқадарёвоҳасиизиётратгоҳларининг аҳоли этномаданиятидаги ўрни.....</i>	<i>50</i>
<i>Ahmedova Gulchehra O'skinovna. Yurtin doston etgan baxshi.....</i>	<i>53</i>

### ФИЛОЛОГИЯ

<i>Шариф Ёқубов. Алишер Навоий асарларида “дарбанд” атамасининг қўлланилиши.....</i>	<i>57</i>
<i>Шерматова Гўзал Абдусаттаровна. Тилшуносликда мақол ва фразеологизм тушунчаларининг ўзаро қиёсий таҳлили.....</i>	<i>63</i>

### ФАЛСАФА

<i>Абдуразоқов Гулмурод. Таълим тизими ва ғоявий тарбия.....</i>	<i>67</i>
<i>Турсунов Муҳиддин. Янги Ўзбекистон шароитда ўрта махсус таълим муассасаларида ёш баркамол авлодни тарбиялаш ва унинг аҳамияти.....</i>	<i>69</i>

### ЮРИСПРУДЕНСИЯ

<i>Erniyazov Djamshid Eshdavlatovich. Ayrim toifadagi xodimlar mehnatini tartibga solish xususiyatlarining mazmuni.....</i>	<i>74</i>
<i>Choriyev Bahrom To'rayevich. Xorijiy mamlakatlar Jinoyat kodeklarida o'zgarar mulkini kompyuter vositalaridan foydalanib talon-toroj qilganlik uchun javobgarlik masalalari.....</i>	<i>78</i>
<i>Шаманова Зарина Ураловна. Парламент назорати - унинг аҳамияти ва ҳуқуқий асослари...82</i>	<i>82</i>
<i>Анваров Турдимурод Анварович. Ўзбекистон Республикасида Пробация хизмати фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш асослари.....</i>	<i>85</i>
<i>Аллаёров Бекзод Еркинович. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Сурхондарё вилоятида жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган тадбирлар.....</i>	<i>89</i>

*Бобожонов Дилиод Бахтиёрович. Сурхондарё вилоятида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолияти .....94*

### **САНЪАТШУНОСЛИК**

*Kholboy Khasanovich Khasanov. The role and importance of using new pedagogical technologies during the drawing of the “Gudon” head in pencil drawing lessons. ....99*

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ТРАНСФЕРИ МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ЦЕНТРА РЕГИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ТРАНСФЕРА  
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ И ЦЕНТРА РАЗВИТИЯ НАУКИ И  
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИ**

**SURKHANDARYA REGIONAL TERRITORIAL INNOVATION ACTIVITY AND TECHNOLOGY  
TRANSFER AND SURKHANDARYO SCIENTIFIC JOURNAL OF SCIENCE AND  
TECHNOLOGY DEVELOPMENT CENTER**

*Илм келажакимиз равнақидир*

**СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР  
SURKHONDARYO: ILM VA TAFAKKUR  
СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ  
SURKHANDARYA: SCIENCE AND  
CONTEMPLATION**

*Илмий мақолалар журнали*

Махсус сон 2022



## «СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР» ЖУРНАЛИДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН МАҚОЛАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

1. Журнал таҳририятига тақдим этилаётган мақолага 1) муаллиф(лар) ишлаётган муассаса раҳбариятининг йўлланма хати; 2) эксперт ҳайъати далолатномаси 2 нусхада; 3) мақола ёзилган фан йўналиши бўйича фан доктори имзолаган (имзо тегишли тартибда тасдиқланган бўлиши лозим) тақриз-тавсия илова қилинади (Изоҳ: Бу талаб четдан келадиган мақолалар учун).

2. Мақолалар ўзбек, рус ёки инглиз тилларида ёзилиши мумкин.

3. Қайси тилда ёзилишидан қатъи назар, мақолага уч тилда - ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги аннотацияси ҳамда таянч сўз ва иборалар (калит сўзлар) илова қилинади.

4. Мақола журнал таҳририятига «Microsoft Word» дастурида («Times New Roman» 14 ўлчамли шрифтда, сатрлар ораси бир ярим интервалда) терилган ҳолда икки нусхада, электрон варианты (флешка ёки СБда) билан топширилади.

5. Мақоланинг умумий ҳажми (расм, жадвал ва диаграммалар билан биргаликда) 8- 10 саҳифадан, илмий хабарларнинг ҳажми 4-5 саҳифадан ошмаслиги талаб этилади. Мақоланинг бир нусхаси муаллиф(лар) томонидан имзоланади.

6. Муаллифнинг фамилияси, исми шарифи, иш жойи, лавозими, у билан боғланиш мумкин бўлган манзил (уй ваҳизматтелефон рақамлари, электрон почта) кўрсатилади.

7. Агар мақолага расм, жадвал, диаграмма, схема, чизма, турли график белгилар киритилган бўлса, оқ-қора рангларда чизилган бўлиши, аниқ ва равшан тасвирланиши, қисқартмаларнинг тўлиқ изоҳи ёзилиши лозим. Рангли расм, жадвал ва диаграммалари мавжуд мақолалар фақат истисно тарзида, қўшимча ҳаражатларни муаллифлар ҳисобидан қоплаш шarti билангина қабул қилиниши мумкин. Формулалар матнга махсус компьютердастурларида киритилиши керак.

8. Иқтибос олинган ёки фойдаланилган адабиёт сатр ости изоҳи тарзида эмас, балки мақола охирида умумий рўйхатда кўрсатилади. Матн ичидаги кўчирмадан сўнг иқтибос олинган асарнинг рўйхатдаги тартиб рақами ва саҳифаси квадрат қавс ичида берилади. Бу ўринда китоб, тўплам, монографиялар учун муаллифларнинг исм- фамилиялари, манбанинг тўлиқ номи, нашр кўрсаткичи (шаҳар, нашриёт ва нашр йили) кўрсатилади. Журнал мақолалари ва бошқа даврий нашрлар учун муаллифларнинг исм- фамилиялари, мақола номи, журнал номи, йили ва сони, саҳифа номери кўрсатилади.

9. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолалар таҳририят томонидан қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

10. Таҳририятга тақдим қилинган мақола энг аввал муаллифлик нуқтаи назаридан текширилади. Матнда плагиат аниқланган тақдирда мақолани кўриб чиқиш тўхтатилади. Таҳририят плагиат ҳолати аниқланган мақолалар юзасидан муаллиф фаолият юритаётган муассасага кўчириб олинган манбаларни илова қилган ҳолда ахборот юбориши мумкин. Плагиатга йўл қўйган муаллифларнинг мақолалари кейинги уч йил давомида қабул қилинмайди.

11. Муаллифлик жиҳатидан текширувдан ўтган мақола таҳририят томонидан ўрнатилган тартибда тақризга берилади. Мақола тақриздан қайтгач, агар зарур бўлса, барча савол ва эътирозлар бўйича муаллифга қайта ишлаш учун тақдим этилади. Мақола нусхалари муаллифларга қайтарилмайди.

12. Ижобий тақриз олган мақола таҳририят томонидан қабул қилинган саналади. Журнал таҳририяти мақола матнини қисқартириш ва унга таҳририй ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир.

13. Профессор-ўқитувчилари томонидан тақдим қилинган мақолалар муайян йўналишлар бўйича таҳририят аъзоларининг ёки фан докторларининг тақриз-тавсияси (тегишли тартибда тасдиқланган бўлиши лозим) асосида қабул қилинади.